

МЕНГНОР ОЛЛОМУРОД

ИШҚ
ҚАЙҒУСИ

Шеърлар

Тошкент

84(54)6-5 Бадний эдобиёт —
Шеърлар


Ушбу тўплам шеърлардан тuzилган. Шеър доимо туйгу-ла
ришталанган. Туйгу эса юракка дахлдор. Шеър ҳамиша юрак
минтақасида яшайди. Юрак ҳавосидан нафас олади. Қалбга суянади.
Юрак дарди билан оғрийди ва юрак ила яйрайди.

Тўпламдаги шеърлар мавзуси кенг. Уларда ҳаётнинг ибтидоси-ю
интиҳоси, уларнинг моҳияти, Наврўз гузаллиги, дунёга келмагу кетмак
фалсафаси, муҳаббат ва садоқат, бахт ва бахтсизлик, ёш авлод
орзулари-ю, келажак ҳақидаги ўйлар назмга кўчади.

Шеърларда образлар орқали ҳаётни англашга ҳаракат сезилади.
Образлар юртимиз табиатидан, борлигидан олинган. Шеърларда инсон
юрагига нур, равшанлик бахш этиш истаги ургуланади.

Шеърларни ўқиган ўқувчи бeфapқ қолмайди: ўйлайди, фикрлайди,
хаёлга толади, завқланади, маънавий қувват олиши табиий.

ЮЗ 2007
39,



ISBN 5-633-01821-4

© Менгнор Олломурад. "Ишқ қайтуси". "Янги аср авлоди", 2005 йил

САМОЛАРДА ЕЛАР ҚУШЛАР ОВОЗИ

*Ушбу китобимни самимий фидойилик
билан яшаётган инсон
Нормурод ХУЖАМҚУЛОВга
бағишлайман*

БАҲОРИМ

Наврўз афрўзидан жаҳон жон топти,
Тонглар отиб, офтоб кўзимдан ўпти,
Бизни излаб ўрик гуллари кепти,
Изларингдай ўпай ойдай баҳорим.

Тўлин ой шайланар юраклар ичра,
Ҳаётлар ойланар йўргаклар ичра,
Оққушлар айланар фалаклар ичра,
Сўзларингдай ўпай ойдай баҳорим.

Қуёшни қучаман гул шохи-қўлим,
Қуш бўлдим барққўдай маъводир тилим,
Гул суви ичаман ҳаводир дилим,
Нозларингдан ўпай ойдай баҳорим.

Ялдо кечаларим тонгдай ёришди,
Кўнгил осмонларга бориб қоришди,
Қизғалдоқлар сирли-сирли қарашди,
Кўзларингдай ўпай ойдай баҳорим.

Далли дарёларда оқар бойчечак,
Товланган камалак олтин беланчак,
Гул-гул чимилдикдан боқар келинчак,
Юзларингдан ўпай ойдай баҳорим.

БАҲОРНИНГ ИЛК КУНИ

Игнанинг кўзича сафо Ёруғлик,
Хокни айлангирмиш чўғ-чўғ лолага.
Ердан нурга етган бобо Улуғлик,
Бойчечак тутмишдир ҳар шўх болага.

Севгулар гуллади, қайғулар унут,
Бу найсон сайрига ҳайрат ила боқ.
Қара, бу дунёда йўқ қаро булут,
Қара, бу дунёда ҳамма нарса пок.

Игнанинг кўзича сафо Ёруғлик,
Хокни айлангирмиш чўғ-чўғ лолага...

ТОНГ

Бойчечак бойланар, ерлар ёрилар,
Еллардаин елар асаларилар,
Товусдай товланар гўзал парилар...
Гулда обизамзам... шабнам-о, шабнам...

Наҳорий нафасда гулу гулдаста,
Суюниб суюман мовий ҳавасда,
Тонгларнинг жонига жоним пайваста,
Гулда обизамзам... шабнам-о, шабнам...

Фанолар номани нолиб битдилар...
Ялдолар зулматни олиб кетдилар,
Баҳорлар боғлара келиб етдилар,
Гулда обизамзам... шабнам-о, шабнам...

Тўлин ой рўмоли, ў, ҳарир ҳаво,
Анвойи оламда анвойи наво,
Хушбўйи кўнгилдир сабуҳий сабо,
Гулда обизамзам... шабнам-о, шабнам...

О, НАФАС ОППОҚ ТОНГ...

Мен Туннинг қаъридан Қуёшга чиқдим,
Муздай эриб кетди қисмат зулмати.
Хурланиб-хурланиб тонгларда оқдим,
Ташна лабларимда Ишқнинг неъмاتي.

Парилар юзида тўлишади ой...
Камалак ранглардан кўзим қамашар.
Ойдайн сойланар осмонда Ҳумой,
Боғлара ёғилар парларидан зар.

Субҳи саболарда ўзим йўқотиб,
Хушбўйи ҳавода учаётирман.
Лайли наволарда дилни уйғотиб,
Тўла-тўла ойна ичаётирман.

О, нафис оппоқ тонг... ҳарир келинчак...
Эриб-сингиб кетай руҳингга қуёш...
Нур сочиб учадир дунё ҳалинчак,
Шодликдан... баҳорнинг кўзларида ёш...

Мен Туннинг қаъридан қуёшга чиқдим...

ОҚ ҚАЙИН

Ёмғир ёғаётир майин ва майин,
Саболи ҳавода сафоли хаёл.
Жодули қайғунгни суйдим, оқ қайин,
Девона ҳолимда мастлик ва малол.

Шовуллашинг шарор, бўй-бастинг баҳор,
Пойларинг хокдадир... бошларингда тож.
Оқ қайин, кенг дунё нега бунча тор,
Куйиб-куйиб кўнглим тўлаётир бож.

Сўнгсиз севги сени айламиш асир,
Руҳингда мағрурлик ила маҳзунлик.
Оқ қайин кўксингда абадий бу сир,
Оқ қайин... кўксингда мангу масъумлик.

КЕЛАДИ НАВРЎЗ...

Қуёш оташидан келади Наврўз,
Дийдорларнинг малак малоҳати у.
Сойларда ойланиб елади Наврўз,
Баҳорларнинг юрак муҳаббати у.

Бойчечак баргида ёмғир орзиқиш,
Гуллар сарафрози наврўзи азал.
Қалдирғоч ўйнайди... ўйнар орзу қуш,
Сумалак қайнайди... афрўзий асал.

Боғларда карнайгул борар ҳайқириб,
Камалак маъвоси ранглар навоси.
Юртим, юзларингда тўлгин ой кўриб,
Хумоларга тўлди руҳим ҳавоси.

Қуёш оташидан келади Наврўз...

КАМАЛАК

Камалак... гул малак... етти ранг саф-саф,
Сабзаранг ҳавонинг сафоси соф-соф,
Сариқ ранг-юзимдай хазоний заъф-заъф,
Камалак... гул малак... етти ранг саф-саф.

Ҳурларнинг хуллаи гули етти ранг,
Лаългун ишқ азалий, лаългун нуш-жаранг,
Нилий наволарда сабон оҳанг,
Ҳурларнинг ҳуллаи гули етти ранг.

Камалак... етти ранг либосли малак,
Қаро айроларда қуяди юрак,
Оқ қушдай, пок қушдай айланар фалак,
Камалак... етти ранг либосли малак...

Камалак... гул малак... етти ранг саф-саф...

О, ЖОНОН ҲАЁТ

Бўйлайди бойчечак-сулув келинчак...
Севинчим сойда сузар сарин ой.
Етти ранг камалак-ҳарир ҳалинчак,
Тонгларда товланиб, ҳурланар ҳумой.

О, оппоқ булутлар, фалак гуллари,
Баҳорий боғимни айлайди бўстон.
Ойдай пешонамда қуёш қўллари,
Ол юзля гул наврўз куйлайди дoston.

Сўзонли хазонлар бу оламда йўқ,
Ҳаёт ойбулоқнинг сувидай тоза.
Нилий наволарда қушлар учар шўх,
Ҳалво ҳаволарда тўйдан овоза.

Севги самосида тумордир ҳилол,
Товусдай тонгларнинг тиллари новвот.
О, ҳатто оқшомнинг лабларида бол,
Менинг жон-жонимсан, о, жонон ҳаёт.

БОЛАЛИК

Болаликтепада шўхлигим қолди,
Болаликтепада қолди оташим.
Қалдирғочим, сўйла, санга на бўлди,
Хокда жим ётибсан, не учун, Қушим?!

БАҲОР БОҒИ БОҶИЙ...

Кўкларни поклайди чақмоқли осмон,
Сойларнинг сўйида нарғизи найсон,
Жаҳоннинг жонида мажнунлар сайрон,
Баҳор боғи боқий, гуллари фоний...

Момом чучмомани айлар тўғиё,
Ширин-ширин Тунлар булбули гўё,
Бўйи етган қиздай елади дунё,
Баҳор боғи боқий, гуллари фоний...

Оппоқ ўрик бўлиб ойлави гулчин,
Барглар яшил қушдай учгайдир нечун?!
Кўз очиб юмгунча ўтгайдир очун...
Баҳор боғи боқий, гуллар фоний...

Келарлар-кетарлар дунё – дунёдур,
Тўлғанар тўфонлар қоя – қоядур,
Тошадур... тинодур дарё – дарёдур,
Баҳор боғи боқий, гуллари фоний...

ТОНГЛАРНИНГ ЮЗИДА ШАБНАМЛАР ЙИГЛАР

Сени тун обкетди Кўнглим қуёши...
Сойларда сел бўлди тоғнинг кўз ёши,
Руҳимни эзадир палахмон тоши...
Тонгларнинг юзида шабнамлар йиғлар,
Тоғларнинг бўзида оламлар йиғлар.

Тунга ботиб кетди мунғайган моҳим,
Нурлардан айрилиб инграр нигоҳим,
Тошларга бошини урар дил оҳим...
Тонгларнинг юзида шабнамлар йиғлар,
Боғларнинг бўзида оламлар йиғлар.

Гулузор-сим-сим зор... чаманлар жимжит,
Хазонга айланмиш айёми ҳайит,
Найларда найланиб, бўйланар уммид...
Тонгларнинг юзида шабнамлар йиғлар,
Боғларнинг бўзида оламлар йиғлар.

СҮЙЛА, МАЪСУМ БАҲОР...

Осмонга осилиб қолди ойбалдоқ,
Туман ичра ғойиб бўлди қизғалдоқ,
Нечун ранги рўйинг сариқ зарғалдоқ?!
Сўйла маъсум баҳор, бу не сир-асрор?!

Шомли-шомли тушлар ҳушга айланди,
Олис қирда қирқ қиз тошга айланди,
Гул юзин шабнами ёшга айланди,
Сўйла маъсум баҳор, бу не сир-асрор?!

Не ой бу, ниҳондир лаъли, зулоли,
Не ишқ бу, пинҳондир завқи заволи,
Жим-жим... сим-сим елар йиллар шамоли...
Сўйла маъсум баҳор, бу не сир-асрор?!

Бу қандай дунёдир, муҳаббат сағир,
Қовжираган жон-Гул тоғ каби оғир,
Мен мангу гулзорда зордирман, ахир...
Сўйла маъсум баҳор, бу не сир-асрор?!

КҮНГИЛ

Йиллардан қўрқаман, йиллар беомон:
Обкетгани Дийдор, обкелгани Зор.
Найлайн, абадий юрагим нолон,
Наҳотки, абадий кўрганим озор?

ЕЛ БЎЛИБ ИЗЛАЙМАН...

Сел бўлиб бўзлайман, кўзимда ёшим,
Ел бўлиб излайман ўн саккиз ёшим.

Сарин суманлардан, гуллардан ўтдим,
Куйган кўнгиллардан, диллардан ўтдим.

Ҳумо учиб кетди, тута олмадим,
Само кўчиб кетди, ета олмадим.

Саҳарлар йиғладим... оқшомлар кулди,
Кадарлар тиглади... оқ жомлар тўлди.

Ҳайбатли тоғлардан, сойлардан ўтдим,
Ҳайратли боғлардан, ойлардан ўтдим.

Тунлари туш бўлдим, ширин ва асил,
Кўкларда қуш бўлдим, кечдим тўрт фасл.

Ў, найлай, найларим майи ғамбода,
Қайда қолдинг, сўйла, насим шаббода...

Сел бўлиб бўзлайман, кўзимда ёшим,
Ел бўлиб излайман ўн саккиз ёшим...

Ел бўлиб излайман ўн саккиз ёшим...

СҮЮНИБ, СУМАЛАК СУЗИНГ, МОМОЖОН

Тонг ҳаётнинг оппоқ сутидан тутар,
Сумалак ўтида ғам ёниб кетар,
Наврўзга етганлар муродга етар,
Суюниб, сумалак сузинг, моможон.

Баҳор сафосида қайнар сумалак,
Нурлар навосида қуйлар камалак,
Ҳурлар ҳавосида ўйнар жамалак,
Суюниб, сумалак сузинг, моможон.

Болалигим болдай эртақда қолди,
Гуллаган у тонглар юракда қолди,
Ҳайратим юлдузли фалақда қолди,
Суюниб, сумалак сузинг, моможон.

Гулзори асрорлар шивирлайдилар,
Абадий баҳорлар шовуллайдилар,
Хуммори дийдорлар ловуллайдилар,
Суюниб, сумалак сузинг, моможон.

**НАВРЎЗЖОН
ЎКИ ЧОРИ ХОЛМАТОВНИНГ
ЮРАГИДАГИ ҚЎШИҚ**

Оқ осмонни кийди бобожонларим,
Сумалаклар сузди моможонларим,
Қуёш бўлиб чиқди жонажонларим,
Мозийдан келган гул-гўзал Наврўзжон,

Ўзингсан янги йил, азал, Наврўзжон!
Юлдуз титроғида кўзинг кўринди,
Гулнинг япроғида юзинг кўринди,
Дехқон тупроғида изинг кўринди,

Табаррук ерга дон сочгин, Наврўзжон,
Ризқи рўз йўлини очгил, Наврўзжон!
Самоларда елар қушлар овози,
Қадимлардан келар кўклам навоси,

Жонга дармон бўлсин баҳор ҳавоси,
Ҳар кутган беморга боққил, Наврўзжон,
Дилига умид бўб оққил, Наврўзжон!
Бугун эллар кулган – ҳар дам чиройли,

Араз унут бўлган – Одам чиройли,
Қирлар алвон-алвон – Олам чиройли,
Гул васлида яйра, ошиқ Наврўзжон,
Гул фаслида янгра, қўшиқ Наврўзжон!

НАВРЎЗ НАВОСИДА БЎЙЛАНАР БАҲОР

Қотган вулқон каби қиш кўксига муз,
Фафлатнинг гуллари сўнгақларимда.
Ёрилтошни ёрар бойчечак-гул қиз,
Жайҳун уйғонади юракларимда.

Кўз ёшимда – қуёш... кўзим-қалдирғоч,
Дардларнинг баргига томизар пок сув.
Юлдузлардай гуллар минг йиллик оғоч,
Кўнглим кўзгусида сарв бўйли ғулув.

Ғамларни ёмғир-ла ювади найсон,
Ойнади сойланар ойдаини савам.
Яшил саболарда тўй қилар сайҳон,
Гўдакнинг кўзидай шаффофдир шабнам.

Келиндай сулувдир наҳорий Кўнгил,
Тонглар ҳавосида ўнгланар бемор.
Сойнинг сувларида солланар Сунбул...
Наврўз навосида бўйланар Баҳор...

Наврўз навосида бўйланар Баҳор...

ОҲ, АТИРГУЛИМ-А...

Сенсиз осмонлардан тўйдим, атиргул,
Унсиз ҳазонларда куйдим, атиргул,
Сўнгсиз фиғонларни суйдим атиргул...
Оҳ, атиргулим-а... атиргулим-а...

Солланиб-солланиб баҳор қайтадир,
Ҳар сафар севгига бир сир айтадир...
Эй, гулим, ўн саккиз ёшим қайдадир?!..
Оҳ, атиргулим-а... атиргулим-а...

Тилим остидаги дур бўлмиш ғойиб,
Дилим қасдидаги ҳур бўлмиш ғойиб,
Куз ҳазин кезади... маъюс, мунғайиб...
Оҳ, атиргулим-а... атиргулим-а...

Не учун Тунларнинг кўзлари равшан?!
Ойлар ойланади... йиллардир шўхчан,
Ўн саккиз минг олам аро сан йўқсан...
Оҳ, атиргулим-а... атиргулим-а...

Сенга қайтай десам, тоғлар қўймайди,
Сендан кетай десам, боғлар қўймайди,
Сенга етай десам, соғлар қўймайди...
Оҳ, атиргулим-а... атиргулим-а...

ҚАЙЛАРДАСАН, АТИРГУЛ

Сувга чўкиб кетди гул,
Гул ичида сўлди Дил,
Пардай кўнгил-тошдай зил...
Қайлардасан, Атиргул?!

Оққуш учди узоққа,
Қуёшлардан йироққа,
Қарайман ол уфққа...
Қайлардасан, Атиргул?!

Бу не қисмат, не ёзуқ,
Шомлар чўкар, тонглар йўқ,
Ҳаво совуқ, йўл ёвуқ...
Қайлардасан, Атиргул?!

На қалдирғоч-баҳор бор,
На қалди роқ-шарор бор,
Боғда ётар синган тор...
Қайлардасан, Атиргул?!

Турналарнинг қатори –
Кўз ёшларим дил зори,
Юрак-ишқнинг мазори,
Қайлардасан, Атиргул?!

Ул Моҳ оҳлик кетди-ей,
Мендан шоҳлик кетди-ей,
Олам шодлик кетди-ей,
Қайлардасан, Атиргул?!

Ғойиб бўлди ҳумолар,
Тилин тишлар ҳаволар,
Мендай йиғлар наволар:
“Қайлардасан, Атиргул?!”


БОЙЧЕЧАК

Куёш тош кўксини айлади чок-чок,
Руҳ ўтида музлар эриди чак-чак,
Қиш қаҳрини ёриб, кўкарди чечак...
Кўзимга суртаман сени, Бойчечак...

Қарғайди қағиллар жафоли рўё...
Уйқудан уйғонди ойдак келинчак.
Наврўз навосида сафоли дунё...
Кўзимга суртаман сени, Бойчечак...

Сумалак сузади суюнган момом,
Боғларда баҳорой учар ҳалинчак.
Сабухий бўйингдан маст бўлдим тамом,
Кўзимга суртаман сени, Бойчечак...

Лабларим лаълингнинг болидан ўпди,
Гул бўйи бастингда сочинг сойчечак.
Дардларим баргингдан малҳамлар топди,
Кўзимга суртаман сени, Бойчечак...



**БАҲОР-БАҲОР БЎЛ КЕЗ,
ҚАЙДАСАН, ГУЛ ҚИЗ**

Боғларнинг болида райҳонлар хушбўй,
Ойларнинг дилида найсонлар хушрўй,
Қалдирғоч тилида сайҳонлар бўй-бўй...
Баҳор-баҳор бўл кез, қайдасан, гул қиз?!

Қирларда қизғалдоқ минг-минг ўйноқ қиз,
Юлдуззорда ой-гул... гули дилафрўз,
Сабудий шабнамда сафойи Наврўз...
Баҳор-баҳор бўл кез, қайдасан, гул қиз?!

Ҳаволар наволи, осмон-арғунчи,
Ҳурланган турналар ташлар арғамчи,
Камалак-гул қамчи, ранглар алдамчи,
Баҳор-баҳор бўл кез, қайдасан, гул қиз?!

Ой юзингни очғил, ай гули узор,
Бўйингга зору зор сабойи гулзор,
Атиргулни сен деб, ўпаман коз бор...
Баҳор-баҳор бўл кез, қайдасан, гул қиз?!

**ҚАЙҒУЛИ УЛ ҒУНЧА...
ЭНДИ ГУЛСАНАМ...**

Қайғули ғунчаки... энди гулсанам...
Сукунат сўкилар, севинч дурланар.
Сабо сафосида ойланар шабнам,
Самода сузади соғинч-турналар.

Қуёш ҳам бир қушдир, ҳилол ҳам бир қуш,
Чақнаган юлдузлар шўх кабутарлар.
Кўзларим тонгларни тўйиб айлар нўш,
Бошимдан оққушлар сочар оқ парлар...

Ҳайрат тоғ манимдур, дарё манимдур,
Осмонда тўлин ой келар гўё ҳур.
Гулгун гуллар кийган дунё манимдур,
Юзимга юзини босар моҳинур.

Энди қайғу йўқдир, энди йўқ аза,
Лаъли-лаъли гулнинг чўғлари чоғир.
Абадий санингман... бундайин тоза,
Хаёлни қасрдан топгайман, ахир?!

Қайғули ғунчаки, энди гулсанам...

ГУЛ УЗАТАР БОЙЧЕЧАК ҲАЙРОН

Тун эриди... сим-сим тонг отди...
Кундуз тунга жимгина ботди,
Дунёларнинг қисмати қотди....
Гул узатар бойчечак ҳайрон.

Бу баҳорми, айтмаслар аён,
Бу ё кузми, этмаслар баён...
Ҳаёт ёнар қарасам қаён...
Гул узатар бойчечак ҳайрон.

Гуноҳларнинг қайгулари зил,
Қайгуларда хазонрез фасл,
Тонг асилми ва ё шом асил?...
Гул узатар бойчечак ҳайрон.

Рухимда сас неча минг йиллик,
Хору хасга айлайман қуллик,
Юрагимда оққушлар тўлиқ...
Гул узатар бойчечак ҳайрон.

Гуллар опшоқ... лойқадир дарё,
Дард, ғам эрур булбулигўё,
Сўнгсиз гўзал бири кам дунё...
Гул узатар бойчечак ҳайрон.

АТИРГУЛ...
КҮНГЛИМДА ГУЛЛАЙВЕРАСАН

Сайронли-сайронли найсоним эдинг,
Ҳайронли-ҳайронли жаҳоним эдинг,
Хушбўйли-хушбўйли райҳоним эдинг...
Атиргул... кўнглимда гуллайверасан.

Ишқ қабосин кийиб, саҳрода қолдим,
Ширин-ширин суйиб, заҳрода қолдим.
Жаҳонимда куйиб, айрода қолдим...
Атиргул... кўнглимда гуллайверасан.

Оташин қуёшим қорайтиб кетдинг,
Сайраган қушларим мунғайтиб кетдинг,
Баҳорий боғларим сарғайтиб кетдинг,
Атиргул... кўнглимда гуллайверасан.

Кўзларим зорларин ичиб битирдим,
Зарларим кузларга сочиб йитирдим,
Сирларим бўзларга очиб едирдим,
Атиргул... кўнглимда гуллайверасан.

БАҲОР ҚАНИ... ШАРОР ҚАНИ

Дунё тўнди... урён тинди,
Чақмоқларнинг ўти сўнди,
Найкамалак чил-чил сивди...
Баҳор қани... шарор қани?!
Дилдор қани, дийдор қани?!

Сукунатлар зарланадир,
Санаббарлар зорланадир,
Ой кўнгиллар хорланадир...
Баҳор қани... шарор қани?!
Дилдор қани, дийдор қани?!

Ишқ юракда тумор... тумор,
Узун тунлар бедор-бедор,
Соғинаман хумор-хумор...
Баҳор қани... шарор қани?!
Дилдор қани, дийдор қани?!

Кўм-кўк баргда кузнинг ғаша,
Гул кўксимда музнинг ниши,
Юзим узра кўзим ёши...
Баҳор қани... шарор қани?!
Дилдор қани, дийдор қани?!

ҲУМОЙ КЕЛИНЧАК

Самонинг сабоси сарин шамоли,
Оппоқ-оппоқ булут ҳарир рўмоли,
Тўлин-тўлин ойгул рўйи жамоли,
Наволи ҳавода ҳумой келинчак.

Дарвоза пойида ловуллаб олов,
Қуёшнинг қошида келину куёв,
Атиргулнинг юзи қизарар лов-лов,
Наволи ҳавода ҳумой келинчак.

Куёв юзин силар ойгулнинг қўли,
Ойнада ойланар чеҳраи гули,
Сафода сойланар ул сомон йўли...
Наволи ҳавода ҳумой келинчак.

Тунда қаро сочинг тарайди кўнгил,
Юз очарда ойга қарайди кўнгил,
Нурларда ҳурлардай яйрайди кўнгил,
Наволи ҳавода ҳумой келинчак.

СЕН ҚАЙДАСАН, ҚИЗҒАЛДОҚДАЙ ҚИЗ

Олам кулиб, куйлади Наврӯз,
Ўрик бўлиб гуллади Наврӯз,
Кўзни нурга йўллади Наврӯз...
Сен қайдасан, қизғалдоқдай қиз?!

Кўкни ёриб боқди ойчечак,
Музни ёриб оқди сойчечак,
Дилни ёриб чиқди бойчечак,
Сен қайдасан, қизғалдоқдай қиз?!

Ўт юлдузлар ерга тушмишдир,
Гул шохига сирға тушмишдир,
Пари қизлар қирга тушмишдир...
Сен қайдасан, қизғалдоқдай қиз?!

Ўз-ўз ичра сўзлайди жоним,
Ҳар сўз ичра бўзлайди жоним,
Наврӯз ичра излайди жоним,
Сен қайдасан, қизғалдоқдай қиз?!

ДУНЁНИНГ ДИЙДОРУ АЙРОЛАРИДА...

Атиргул, сен малак, сен пари, сен ҳур,
Қалбинг қон... қалбингда абадий озор.
Қуёшгул фалакда таратади нур...
Оташ-оташ лаби томчи сувга зор.

Ҳамон сас келади, Ҳайём қабридан:
“Сирингни очсанг-чи, ай, соҳир дунё,
Ичиб-ичиб тўйдим тошнинг сабридан
Сен ҳам тошдай жимсан булбулигўё...”

Хаёлим хайлида турт фасл-бир Гул:
Барбодда ободман... ободда барбод.
Кўнглимда қайғу-ю... юзларим гулгул,
Телбадай еламан бешон, бемурод.

Кузим бузларини ютиб боради,
Умид узиб ҳаёт сайроларидан.
Жоним сизиб-сизиб утиб боради,
Дунёнинг дийдору айроларидан.

ҚАЛДИРОҚ ГУМБУРЛАР...

Қалдироқ гумбирлар, чақин ҳайқиарар,
Хоки туроб аро жимжит илдизим.
Дарёлар кўксида тўлқин айқиарар,
Дарёлар тубида тошдайн тўзим.

Ой юзида доғлар, қуёшда доғлар...
Ойдаи ҳаёт дардсиз бўлмагай, ҳайҳот!
Абадий бободай туради тоғлар,
Арчалар абадий ўлмагай, ҳайҳот!

Фасллар айланар... айланар фалак,
Мезонлар оҳидай ўйларим ғамгин.
Оқшом оромини истайди юрак,
Сўнгсиз суронлардан олайин деб тин.

Нега зулмат қоплар кўкни беомон,
Не учун итларнинг оғзида юзим.
Ҳаёт, ўзинг мени асрагил омон,
Ҳаёт, боғларингда гулласин жоним...

Қалдироқ гумбирлар, чақин ҳайқиарар...

ЎТКИНЧИ СУЮНЧ

Баҳор шарорида бўйлайман ўйчан,
Ҳайҳот, ҳаёт оний, ҳаёт абадий.
Бодом оппоқ бўлиб гуллади гарчанд,
Қайғу ҳам қайтадан келди, табиий...

Бодомнинг бодроқдай гулини тўкиб,
Қидириб кетди сўнг бойчечакни Ғам.
Афсуски, ғам топгай, кўзлари чўкиб,
Афсуи ичра қолган келинчакни ҳам.

Шўх бахшилар жўшар, дарёлар тошар,
Осмон юлдузлари сигмас оламга.
Суюнчлар ўткинчи ол каби шошар...
Куйларим бойланар найли Аламга.

Гулларга кўмилиб кетсайди бу Ғам,
Қанийди, қайғуни унутсам буткул...
Кўнглимни оғир ўй эзган ушбу дам,
Ўпгим келаяпти, сени... Атиргул.

РУҲИМДАДИР КУЗ...

Баҳор гулюз-гулюз... руҳимдадир Куз.
Сел бўлиб, зор келди севги сойига.
Бўйи етган қиздай бўйлайди наврўз,
Келмайди кўнглимининг ҳеч парвойига.

Ўртаниб-ўртаниб тўлғонар дарё,
Жонимни комига тортади гирдоб.
Жоду оғусида чўғланар рўё,
Ой кўкда ой эмас, у гўё сароб.

Бунда на қуёш бор ва на оташ ишқ,
Мозорлар очдилар дарвозасини,
Гил айларлар Дилим навосозини...
Қани, боғи хушбўй, қани, олтин Кўшк?

Кузим сассиз кезар сўнгсиз ғуссада,
Тўфонларда тутдай тўкиламан жим.
Сафоим сабоси музлардан зада,
Ҳамон ўз-ўзимга кўмиламан жим...

Баҳор гулюз-гулюз... руҳимдадир Куз...

АБАДИЯТ

Эл булутдай борар... лопиллар тобут...
Ҳаст қон тупроқда янграр ва янграр.
Ваҳшату даҳшатда қақшайди Сукут,
Ўлимлар илгида сўнгаклар синграр.

Фалак кулаб тушар, ёрилади ер,
Маҳшардай қапишар қонли тўрт томон.
Ўкириб йиқишлар яраланган шер,
Гиеҳдан қушгача излайди омон...

... Милён-милён милнинг олов-ўтидан,
Ўтди Боқийликнинг ҳайқирган шаъни.
Бир дунё туғилди Ҳақнинг ёдидан,
Мангу тирик қолди Ватаннинг шони!

Жонлар голиб ўлди. Жонлар абадий,
Кўтариб боргайлар ҳайрат ҳастни.
Заминлар зумуррад, осмондир нилий:
Ватан кўзга суртар Абадиятни...

АЙ, ҰН ИККИ ОЙ...

**Лаълларин рангида кўксим нишони,
Шабнами қуёшнинг зари афшони,
Шавқи шарорида баҳорнинг шони...
Шўх қизғалдоқ қани, ай, ўн икки ой?!**

**Осмон ойнасида жамоли қолмиш,
Сойларнинг бўйида шамоли қолмиш,
Кўкламлар кўйида рўмоли қолмиш,
Шўх қизғалдоқ қани, ай, ўн икки ой?!**

**Дайрода сайроним ҳайрон адашмиш,
Тонглар тунлар билан урғун талашмиш,
То азал тўрт фасл гирён қалашмиш,
Шўх қизғалдоқ қани, ай, ўн икки ой?!**

**Саросар изладим, сафо топмадим,
Саргардон бўзладим, вафо топмадим,
Андин ўзга ширин жафо топмадим,
Шўх қизғалдоқ қани, ай, ўн икки ой?!**

АТИРГУЛ, ЖИЛМАЙГИЛ...

Сойиб дунёларда сайрон кезса-да...
Ғойиб рўёларда вайрон ғуссада,
Сасларим синграйди сим-сим сазода...
Атиргул, жилмайгил, кўнгил руҳи сен.

Зилол Дил инграюр, хунлар ичинда,
Ҳилол гул мунғаюр, тунлар ичинда,
Зулумот-зулумот кунлар ичинда,
Атиргул, жилмайгил, кўнгил руҳи сен.

Ялмоғиз гулюз бўб, қош қоқди, найлай,
Ойқиз олма эмас, тош отди, найлай,
Ялдо-ялдо кўзлар ғаш тутди, найлай,
Атиргул, жилмайгил, кўнгил руҳи сен.

Гуноҳда лойланиб... ҳушимга қайтдим,
Тавбага айланиб қошингга қайтдим,
Нидода найланиб, нўшингга қайтдим...
Атиргул, жилмайгил, кўнгил руҳи сен.

БОЙЧЕЧАК ИЗЛАЙМАН

Пияҳону ниҳону аён ичинда,
Ёлғону фиғону армон ичинда,
Қоронғу-қоронғу ўрмон ичинда...
Бойчечак излайман... оппоқ бойчечак.

Кунглим савдосида айёр саррофлар,
Оби ҳаёт бўлиб ўйнар сароблар,
Алвон қон рангида ёнар шароблар...
Бойчечак излайман... оппоқ бойчечак.

Ҳаётнинг пойида ловулар оташ,
Ҳаётнинг бошида қаро-қаро тош,
Ҳаётнинг кўзида аччиқ-аччиқ ёш...
Бойчечак излайман... оппоқ бойчечак.

Жон қасдида изғир нобуду тобут,
Осмонни қоплайди гулули булут,
Қабристон томонда имлайди сукут...
Бойчечак излайман... оппоқ бойчечак.

БАҲОР СИМ-СИМ ЁҒАР...

Ул ой, гулшан аро атиргул бўлди,
Ул ой, шўхшаънлара татир гул бўлди,
Ул ой, афсунлара асир гул бўлди,
Баҳор сим-сим ёғар, ой жим-жим ёғар...

Ёниб суйганлардан алвон гул қолди,
Суйиб куйганлардан тўзғин дил қолди,
Куйиб тўйганлардан дунё зил қолди,
Баҳор сим-сим ёғар, ой жим-жим ёғар...

Ишқда айроларнинг боғи вайрондир,
Авда оҳу-фигон, булбул нолондир,
Сойдай сайраб суйсанг, ҳаёт жонондир,
Баҳор сим-сим ёғар, ой жим-жим ёғар...

Мен найнинг нидоси ўзим унутиб,
Мен кўнглинг гадоси... дейман, ўтиниб,
Мен лаълинг адоси дейман, ютиниб,
Баҳор сим-сим ёғар, ой жим-жим ёғар...

КЎКДА ОЙ АЙЛАНАР...

Кўкда ой айланар ҳайрону сайрон.
Нелар сўзламоқда куйниб қуёш.
Фаслар сирлидир – ободу вайрон.
Тоғларда дард каби ётар ҳар бир тош...

Дарёларда оққан шодликми, йиғи?!
Не учун доимо гул кўкси чок-чок?!
Тунларни парчинлар чақмоқнинг тиғи,
Ёмғир қатрасида бир дунёи пок.

Дунё бир дам гойиб, бир дам дилафрўз,
Дунё гоҳ аёну, гоҳида ниҳон.
Олов учқундай кўринар юлдуз,
Вале, ҳар бирида бир бутун жаҳон.

Тириклик айролиғ, тириклик дийдор,
Бойчечак муз ёриб, унар сарафроз.
Ҳайратнинг абадий кўзлари бедор,
Ҳаётнинг абадий кўзлари чарос...

УМИД

Кўзимнинг ёшини Дилга яширдим,
Дарахтман... ҳеч кимга очмам бу Сирни...
Мунғайган кўнглингга кўнглим топширдим,
Дунё, тўфон аро, асра бу Дурни.

Гуноҳлардан асра, кинлардан асра,
Шабнам каби шаффоф бўлиб турсин у.
Асрор рухсорини очмагил сира,
Майли ниҳон қолсин, у, гўзал Қайғу.

Тилларимда оғир ўй сураб сукут,
Кўз ўнгимда сўнгсиз фанонинг йўли.
Йиллар ўтиб борар: “Сен уни унут...”,
Жимжит симиллайди соғинчнинг кўнгли.

О, бир сирли Баҳор келади ҳали,
Мен осмон бўламан, сен моҳи анвар.
Тунлар ухлаб ётар ўша маҳали,
Қучаман... кўнглингга гуллайди гавҳар.

ҚУЁШ ГУЛЛАДИ

Тоғдай тошни ёриб булоқ очар кўз,
Оловли ўчоғда қайнайди Наврўз,
Тонгнинг чехрасида гули дилафрўз...
Кўнгил яйра, очил, қуёш гуллади.

Лайлатулқадрнинг нигоҳи қадар,
Ҳумо қуш айланар – гўзал нақадар!
Тун тонгда эрийди – эрийди қадар...
Кўнгил яйра, очил, қуёш гуллади.

Оққушлар пок дунё бўлиб оқадир,
Дарёлар дурларга тўлиб оқадир,
Наврўзий гунчалар кулиб оқадир...
Кўнгил яйра, очил, қуёш гуллади.

Ҳаёт, сен Наврўзга ишон, абадий,
Нурлар эзгуликдан нишон, абадий,
Баҳор бўстонда бу шаън абадий...
Кўнгил яйра, очил, қуёш гуллади.

ЁШЛИГИМ ҚОЛГАН ЖОЙЛАР...

Ёшлигим қолган жойлар...
Гўзал, нафис бир мазор.
Йўқлар кўк кийиб сойлар,
Ойдин тунда оппоқ зор.

Журъатсиз юрак ичра
Маҳв этилган муҳаббат.
Баҳорий фалак ичра
Дафн этилган муҳаббат.

Қайтаман куйиб адо,
Ёшлигим – шўрли нидо.
Сир бўлиб қолган севги,
Алвидо-эй, алвидо!

Қаро ерга тенг ўзим:
Юрак ичра гунг ўзим.
Кечирмайсан ҳеч қачон
Афсус ўзим, мунг ўзим.

Ёшлигим қолган жойлар...

КЎНГЛИМНИНГ ГУЛЛАРИ МУЗЛАБ ТЎКИЛАР...

Гулингдан айрилиб, куйдинг, бодомжон,
Мотам либосини кийдинг, бодомжон,
Қоп-қора қорлардан тўйдинг, бодомжон,
Кўнгилнинг гуллари музлаб тўкилар...

Узилиб тушмади азалий осмон,
Хор гуллар хокларда... ранглари сомон,
Яна оқшом чўкар ва нурлар хазон,
Кўнгилнинг гуллари музлаб тўкилар...

Бодомжон, кул бўлди, куя-куя Дил,
Баҳорни суйгандай мени суя бил,
Бодомжон, тоғман де, кўнглим суягил,
Кўнгилнинг гуллари музлаб тўкилар...

Сенда ҳам, менда ҳам ғамлар силсила,
Қисматнинг қадаҳи қайғуга тўла,
Азобли дилинг-ла омонлик тила...
Кўнгилнинг гуллари музлаб тўкилар...



БИР КЕЛСАЛАР МОҶИМ, НЕТГАЙДИР

СИРЛИ ЖОДУМИСАН, СЎЙЛА, МУҶАББАТ

Айро-айро эди бўстонларимиз,
Айро-Айро эди райҳонларимиз...
Туташди оташли осмонларимиз,
Сирли жодумисан, сўйла, муҳаббат?!

Кўзингдан... ўзимда ихтиёрим йўқ,
Ваҳ-ваҳкам, музлаган кўнглим эди чўғ,
Боғимда баҳорлар ўйнаб ёнди шўх,
Сирли оҳумисан, сўйла, муҳаббат?!

Тошдай қаттиқ ердан униб чиқдик биз,
Совиб қолган куйдан ёниб чиқдик биз,
Дўзахлар заҳрига кўниб чиқдик биз...
Сирли қайғумисан, сўйла муҳаббат?!

Ширин, лазизасан, асалсан, эй, Ишқ!
Азиз-азизасан, гўзалсан, эй Ишқ,
Ажиб мўъжизасан, азалсан, эй Ишқ,
Сирли гулрўмисан, сўйла, муҳаббат?!

ДИЛИМ БИР НАЙ...

Тушимда йиғлайман... кўз ёшим сим-сим,
Маънос уйғонаман... қора тун жим... жим...
Симиллаб эсади музлаган насим...
Найлай, Дилим бир най... Тилларим бир най...

Жимжит гойиб бўлди ҳайқирган хилқат...
Қанооти қайрилиб кулади ҳайрат,
Осмонга айланиб бўзладим, ҳайҳот...
Найлай, Дилим бир най... Тилларим бир най...

Зор-зор сўзимдасан – юкунчимдасан,
Хоксор ўзимдасан – ўкинчимдасан,
Хуммор кўзимдасан – соғинчимдасан...
Найлай, Дилим бир най... Тилларим бир най...

Ҳаёт ила ўлим айланди Сирга.
Бир уюм хок бўлди сўниб қасирға,
Юлдузлар сукут-ла боқар қабрга...
Найлай, Дилим бир най... Тилларим бир най...

САНГО ЗУҲРО...

Ҳазонларда юрагинг қайраб,
Найсонлардай еласан яйраб,
Не ҳайрона асрор бу, ёраб...
Санго Зуҳро етиб ҳам бўлмас,
Сандин айро кетиб ҳам бўлмас.

Юзларингда ёш кўрдим, дилқиз,
Дилзорингда ғаш кўрдим, гулқиз,
Оташдурсан... тош ичра ёлғиз...
Санго Зуҳро етиб ҳам бўлмас,
Сандин айро кетиб ҳам бўлмас.

Ҳаёт ила Нобуд найламиш:
Осмонимни булут айламиш,
Жаҳонимга бир ўт тайламиш...
Санго Зуҳро етиб ҳам бўлмас,
Сандин айро кетиб ҳам бўлмас.

Қайда Ғамнинг тили сайрондир,
Анда руҳнинг мулки вайрондир,
Кўзларингда олам ҳайрондир...
Санго Зуҳро етиб ҳам бўлмас,
Сандин айро кетиб ҳам бўлмас.

ЎПГИЛ ДИЛИМДАН

Хок эдим, руҳ бўлиб, ишқда ў, ёндим,
Баҳордай лолайи оташда ёндим...
Ё раб, хазонларга галдим қасъдин?!
Ў, атиргулим-а, ўпгил Дилимдан,
Ўзинг асраб қолгил, мени ўлимдан.

Кўзимга санчилур ҳар чўпу ҳар хас,
Бошима тош отур тошдишу нокас.
Бўғзимда бўғилиб тўлгонур нафас,
Ў, атиргулим-а, ўпгил Дилимдан,
Ўзинг асраб қолгил, мени ўлимдан.

Меҳрим бўстонида қаҳр ўйнайди,
Ширин-ширин жоним тахир қийнайди,
Ризқим қозонида заҳар қайнайди,
Ў, атиргулим-а, ўпгил Дилимдан,
Ўзинг асраб қолгил, мени ўлимдан.

Нидои додимни дунёга айтай,
Атиргул бўлмаса, бу жонни нетай,
Тонг менга қайтсину, мен тонгга қайтай,
Ў, атиргулим-а, ўпгил Дилимдан,
Ўзинг асраб қолгил, мени ўлимдан.

ТЕРМУЛАМИЗ

**Йўлларимиз учраштирди ғам,
Ва кетмади... қолди ўзи ҳам,
Ширин ғамда сирлидир олам...
Термуламиз бир-бирларимизга.**

**Кўнглимизда муҳаббат шоён,
Кўзимизда кўнглимиз аён,
Сен пайдосан қарасам қаён,
Термуламиз бир-бирларимизга.**

**Осмонда ой боқар ҳаёли,
Ҳар бир булут ойнинг рўмоли,
Олтоқ қушлар ишқининг хаёли,
Термуламиз бир-бирларимизга.**

**Муҳаббатнинг сойлари тилол,
Муҳаббатнинг гулбарглари ол,
Гулбаргларнинг шабнамида бол,
Термуламиз бир-биримизга.**

АЙРОЛИҒ

Бу азал қисматда бор,
На сен, на мен гуноҳкор,
Йиғлаймиз тунлар бедор,
Айролиғ оғир-оғир...

Шўх дарё... қуриб ётар,
Қирғоқлар ғариб ётар,
Тош... даврон суриб ётар,
Айролиғ оғир-оғир...

Сукутда сўтрав юрак,
Айланар чарху фалак,
Оқдушнинг жони ҳалак,
Айролиғ оғир-оғир...

Атиргул сўлғин-сўлғин,
Дунёлар дилхун-дилхун,
Най йиғлар маҳзун-маҳзун,
Айролиғ оғир-оғир...

ТОҲИРНИНГ ФАРЁДИ

Шамолдай еламиз, жоним, Зухражон,
Сайронлар ҳайрондир бу сиримизга:
Икки дунё ўтди, айро-айро жон...
Етиб боролмаймиз бир-биримизга.

... ВА ЛЕКИН

Сени бахтли қилғум келар ва лекин
Йўл бермас гулзорлар, қушлар, оламлар.
Улардан бекиниб жўнайман секин,
Изимдан эргашар не-не Аламлар...

Кўнглимнинг йўлини пойлайди Гуноҳ,
Ўйимда.. бўйимда мажнунтол қўли.
Шундай яратганки, оламини Оллоҳ,
Гоҳо бахтсизликда гуллар бахт гули...

Юлдузлар соғинчзор бўлиб боради,
Кўзлари кўзимда ўша Оҳунинг.
Азобларим ойдай тўлиб боради,
Жонима жодуси тушмиш Қайғунинг...

Сени бахтли қилғум келар... ва лекин
Йўл бермас гулзорлар, қушлар, оламлар...

МУҲАББАТ...

Бир келсалар, моҳим, нетгайдир?!
Вале, моҳга оҳим етмайдир.
Қуёш ҳамон Нур ила ювар,
Юракдаги доғим кетмайдир.

КЎЗЛАРИМ АЙЛАНИБ ҚОЛДИЛАР НАЙГА...

Суюкли севгининг бўйи-бастида,
Бизни топиштирди ҳилолнинг ўзи.
Муҳаббат гулининг майи-мастида,
Бизни қовуштирди висолнинг ўзи.

“Бу ширин туш эрур, бу бари алдов...”
Нозланиб-нозланиб, елдай қочдинг сен.
Анордай юзларинг гуллаган олов...
Шамолдайин ўйнаб, бўйлар сочдинг сен.

Сўзларинг сеҳрли... сўзларинг жоду:
“Кўзингизни юминг...” Жоним бўлди маст.
Ногаҳон еллар жим... Кўнглимда гулу,
Кўзимни очаман: гул дунё-абас.

Сен йўқсан. Сен йўқсан. Ў, кетдинг қайга?!
Қанчалар йиғладим барчаси бекор.
Кўзларим айланиб қолдилар найга...
Кўзларим кўйингда абадий бедор.

КЕЛУР

Атиргулнинг алвонидин нола келур,
Баҳорларнинг жавлонидин жола келур.

Жоним бошин олиб кетган деб алдасам,
Қаро-қаро кўзи жоним ола келур.

Ҳар қайғунинг минг тоши бор, минг ниши бор,
Ҳар қайғуда минг офати бало келур.

Нажот йўқдир жонга ҳижрон жазосидин,
Нажот топдим деган дамда, яно келур.

Фано йўқдур, бақо йўқдур, ишқ ўлмаса,
Ҳар не келса, бўл мубтало жоно келур.

Ишқда мастсан, шомдин асло, қутулмассан,
Гарчи тонгдек, тўрт томонинг қибло келур.

Мужгонлари бир жонима минг тийғ отмиш,
Зулфларидин бошима минг ҳийло келур.

Сийрати-сир, сурати-сир, не малак бу,
Менгноро боқ, моҳ юзинда ҳулло келур.

КЕТАМАН-КЕЛАМАН...

Гоҳ Қайгу, гоҳ Гулрӯ кӯрсатади бӯй,
Бўйингла мастдирман эй, гули хушбӯй,
Хушбӯйингдан кўнгил навоси бӯй-бӯй...
Саргардон кетаман... келаман қайтиб...

Девона ел каби еламан дайдиб...
Тоғни ташлаб қайга кетиб борар сой?!
Айт, нечун ёлғизсан сўлим, тўлин ой?!
Айролиғ асрорин сўйласанг-чи, най?!

Саргардон кетаман... келаман қайтиб...
Девона ел каби еламан дайдиб...
Юлдузга термулиб кўзларим толғон.
Келганим ҳақ эрур, кетганим ёлғон.

Куйиб-куйиб... сабр косаим тўлғон...
Саргардон кетаман... келаман қайтиб...
Девона ел каби еламан дайдиб...
Осмон туманланиб зорима чўқар.

Тўрт томонга бошим ураман... бекор,
Мени қучиб йиғлар дунёи бедор,
Саргардон кетаман... келаман қайтиб...
Девона ел каби еламан дайдиб...

АЙ, ИШҚ...

Илонлар кўзни тикмиш опима,
Қирқта ит қалбимни қилади талош.
Тунли-тунли кунлар қўнмиш бошима,
Шамолнинг қўйнида совуқ-совуқ тош.

Қўрқувда қайрайман маъюс ва ожиз,
Сукунат зимнида мунгаяр қаддим.
Шайтоннинг пойига жим чукаман тиз,
Эгилар, тўкилар қайғудан қаддим...

Ай, Ишқ! Оташ солғил ўзинг юракка,
Мени халос айла зулумотлардан.
Ай, Ишқ! Ўзинг олиб чиққил фалакка,
Тўйиб, адо бўлдим залолатлардан.

Ай, Ишқ... ай, Ишқ...

ТЎРТЛИК

Муҳаббатсиз ҳаёт саробдир холос,
Париваш дунёнинг кўзлари чарос.
Оташ-оташ ишқдан бошқаси ёлгон,
Эй Ишқ, ўзинг айла, Кўнглим сарафроз.

ОЙ ОСМОННИ КЕЗИБ БОРАР

Ой осмонни кезиб борар,
Гойиб-гойиб, балқиб-балқиб.
Олма сувда сузиб борар,
Чўкиб-чўкиб, қалқиб-қалқиб.

Тўрт фаслни бир-бир ҳатлар,
Йўлда слар минг-минг дарахт.
Қушлар каби учар хатлар,
Бир ён қайғу, бир ён фараҳ.

Жон чил-чилдир, гоҳо Ордан,
Тишларида тишлаб армон.
Чучумома қаро ердан,
Униб чиқар чин наъфармон.

Гоҳ учгайман қанотим бор:
Айланаман осмонларга.
Гоҳ учгайман баргдай зор-зор,
Айланаман хазонларга...

Ой осмонни кезиб борар...
Гойиб-гойиб, балқиб-балқиб...

НАЙЛИ НАВОЛАРДА...

Ажаб, юзинг қуёш, сочинг зулумот,
Бу не: залолатли ва ё малоҳат?!
Бол сўрсам, бошимга ёғди маломат,
Найли наволарда найлай, муҳаббат!

Карбало даштида карвоним йиғлар,
Ранглари сарғайиб сарбоним йиғлар,
Йилларим, ойларим, ҳар оним йиғлар,
Найли наволарда найлай, муҳаббат!

Боғу баҳорингни била олмадим,
Моҳи анворингни била олмадим,
Чархи давворингни била олмадим,
Найли наволарда найлай, муҳаббат!

Бир ҳазон санчилди икки кўнгулға,
Кўнгулни садаға қилдик сунбулға,
Ишқ қуши кўз ёшин сочди довулға,
Найли наволарда найлай, муҳаббат!

Юзингни очдинг тўрт томон ғойибдир,
Насими буйингдин имон ғойибдир,
Жамолинг зоҳиру жаҳон ғойибдир,
Найли наволарда найлай, муҳаббат!

АЙ, ДИЛ

Қуёш ишқда куйди... кун ёниб битди,
Осмонда... чақмоқда жон синиб кетди.
Ғарқ ўлдим, кўзимдан оққан ёша мен,
Зор юлдуз бўзлайди... балки, ўша мен.

Тошларга тўқнашди тошқинли шаптим,
Фалакда-юракда вайронадурман.
Боғи Эрам аро наҳот, адашдим,
Дайрона давронда ҳайронадурман.

Тоғнинг томирида ўтсўз “уҳ” лайди,
Ошиғу оташлик аламин тортиб.
Сойнинг сувларида юлдуз йиғлайди,
Хазон япроқларин кўзига суртиб.

Кўнглим, муҳаббатда йиғла ва тўғон,
Карбало даштида девона сл бўл...
Ким, қачон қисматдан қочиб қутулғон,
Ай, Дил, куйиб-куйиб, бир ҳовуч кул бўл!

ОЙ ҒОЙИБ...

Куйиб-куйиб кетдинг... сасларинг сим-сим...
Саҳрон саробда харобсан, ёҳу!
Соғинч самумида сарғайдим, жим-жим,
Зулфинг зулматидай тулғанур қайғу..

Оқшомнинг заҳролуд майини ичдим,
Ҳилоля болларинг этмади насиб.
Жавҳари жонимви жаҳона сочдим,
Кундузлар юлдуздай кетдилар тўзиб.

Бир дунё ишқ эрур, бир дунё фироқ...
Атиргулда гулхун юрак йиғлайди.
Ялдон кечалар аччиқ ва узоқ,
Кўз ёшнинг кўксига... қуёш сиғмайди.

Ҳайҳот!.. Гул самода ул ҳилол пайдо!
Хокдан қуёшгача улғаяман мен...
“Сен қайда, мен қайда, муҳаббат қайда?!”
Ой ғойиб... тош ичра мунғаяман мен...

СЕН ҲАМ ЖИМ... МЕН ҲАМ ЖИМ...

Сўнгсиз сирлар аро тонглар отмагай,
Минг йиллаб ҳайқиргил, баҳор қайтмагай,
Мангу ётган тошлар бир сўз айтмагай...
Сен ҳам жим... мен ҳам жим... сукунат сим-сим...

Ногоҳ совуқ келди, музлаб боғ тўнди,
Алвон-алвон гулга қаро зоғ қўнди,
Шодликнинг шоҳлари қайрилиб синди...
Сен ҳам жим... мен ҳам жим... сукунат сим-сим...

Саргайиб сорилди осмоннинг моҳи,
Қайғуда кул бўлди муҳаббат оҳи,
Хокда олов гоҳи, кўкда ўт гоҳи...
Сен ҳам жим... мен ҳам жим... сукунат сим-сим...

ИШҚНИНГ ОТАШИДА...

Ишқнинг оташида Қақнус адашди...
Ранглар адашдилар суманларимда.
Ёрдин ағёргача бари – алдашди,
Ёсуман солланар чаманларимда.

Ҳаёт деганлари узи нимадир?!
Игнанинг кўзидан ўтиб бораман.
Йиллар елларида тушаман садо,
Билмайман, қайларга кетиб бораман.

Ноладай найланиб учар мезонлар,
Кўзлар кўз ёшлари билан тошлайди,
Кафтларимни тутсам, тунли осмонлар,
Кўзларимга сўнган юлдуз ташлайди.

Атиргул кўнглида кўнглим зимистон,
Алдо нидосида гўё сўнгсизлик.
Сукутда дилистон... гуллар гулистон...
Боғда... суйиб қолмиш мени... ёлғизлик...

СОҒИНЧ

Олпоқ бир ... Қуш келиб кўнди юракка,
Кейин учиб кетди. Жоним қолди лол.
Ҳайратнинг кўзидан боқдим фалакка
Бу қандай мўъжиза, бу қандайин ҳол?!...

Намозшомгул гуллар. Тушиб борар кеч,
Мангулик ортига ботади қуёш.
Нигоҳим соғинчдир, нафасим соғинч...
Энди қачон қайтиб келади у Қуш?!...

ОСМОНДА МЕЗОНДАЙ...

Осмонда мезондай беун учаман,
Сарғайган боғларда кезаман маҳзун.
Ҳазоний баргларда зардоб ичаман,
Куз насимларида тўзаман ҳазин.

Мажнунтол шоҳида қолди рўмолинг...
Қолди қўлларимда оташин мактуб.
Қолди кўзларимда ойдай жамолинг...
Сен бугун қайдасан? Жимжит тўрт қутб.

Ҳаволарда ҳолсиз ҳилол фалагим,
Бошимда қисмат қоним етгандай.
Бўзлайман, излайман... гўё юрагим
Ўн саккиз ёшимда қолиб кетгандай.

Нурлар симирардим ҳаттоки, тундан,
Покиза гул эдинг, гули малоҳат.
Насим насиб этдинг... ва яна мандан,
Олис-олисларга кетдинг муҳаббат.

Осмонда мезондай беун учаман...

СЕН ЭНДИ УЗОҚДА...

Ўн саккиз ёшим тонг нури-ла тўла,
Ширин тушларимда сўрайман ўпич...
Мен тинч эдим... дунё эди ғулғула,
Бугун мен девона, дунё эса тинч.

Ҳарир булутларга шайланиб кетдинг,
Гул эдинг... айланиб кетдинг сен ойга.
Ойга қараб бошим айланиб кетди,
Фасли хазон мисол тўкилдим сойга.

Сен энди узоқда чақнаган чақмоқ,
Яшин тушган дарахт ёнади бунда.
Сен тўйиб ичасан тонгларни оппоқ...
Мен куйиб ичаман ғамларни Тунда.

Кўзимда эрур айб, ўзимдадур айб...
Юзимда сизади кўз ёшим сим-сим.
Кўкси доғли боғлар турар мунғайиб...
Ишқ қошида эгдим бу бошим жим... жим...

УЗУКНИНГ КЎЗИ

Тўфонда тўкилди бодомнинг гули,
Саробда сўкилди ҳилолнинг дили,
Кин ила кесилди булбулнинг тили...
Узук кўзи тўзди учган юлдуздай.

Қаро тун майхона, юлдуз зебона,
Ғайрона-ғайрона келди девона.
Сирқираб-сирқираб синди тўвдона...
Узук кўзи тўзди учган юлдуздай.

Не тоғлар хокларга зил бўлиб инди,
Сабрнинг санглари ел бўлиб елди,
Алдовнинг олови сел бўлиб келди...
Узук кўзи тўзди учган юлдуздай.

Йиглайсан Ойсанам, санго на бўлди?!
Юзим ғам, кўзим нам, манго на бўлди?!
Сўйла, эй дунён фано, на бўлди!!!
Узук кўзи тўзди учган юлдуздай.

ТЎРТЛИК

Гўзал ишқ қушига қанот берди у,
Бу қушнинг қанотин ўзи қайирди.
Қисмат иккимизни қилди рўпарў...
О, бизни қисматнинг ўзи айирди.

**КЎЗ ЁШИМ СИЗИЛДИ
ЖИМГИНА...**

Кўз ёшим сизилди жимгина,
Жимирлаб тизилди юзима.
Бир япроқ узилди жимгина,
Симиллаб босилди кўксима.

Кузларнинг кўзини ёритдинг,
Қорларда қолдилар ол гулим.
Саҳрода саробни ёр этдинг,
Бир Дилим минг тилим... минг тилим...

“Сен кимни излайсан девона,
Ў, яна бўзлайсан бемаҳал.
Гулқизни об кетди бегона.
Қайларда юргандинг сен аввал...”

На ишқ бор, на ёр бор, на дил бор...
Найланиб-найланиб ботгай ой.
Ғамзорга кўнадир минг-минг зор,
Ҳар бирин лабида ҳазин най.

Кўз ёшим сизилди жимгина...

ДЕВОНАМАН...

Девона ошиқман, мен бир девона

М. Юсуф

Дунёларим дайронадир, дийрона,
Ишқ майида сайронаман, сайрона.
Манам Мажнун, манам далли девона...
Девонаман, девонаман, девона.

Оппоқ тонгни қора шомга қораман,
Билмайдирман, қаён кетиб бораман,
Жовдирайман, хазон гулшан аро ман,
Девонаман, девонаман, девона.

Хок буб ётар чил-чил синган осмоним,
Қуюнларда хас буб учар хазоним,
Пойларингда рангу рўйи сомоним,
Девонаман, девонаман, девона.

Оташингда куйиб-куйиб йигладим,
Кўз ёшимда тўйиб-тўйиб йигладим,
Ишқ тошига бошим қўйиб, йигладим,
Девонаман, девонаман, девона...

ОҲУ КЕТДИ ОЙЛАНИБ...

Омон-омон омона,
Тоғ бойланди осмона...
Боғ айланди хазона,
Оҳу кетди ойланиб,
Қайғу келди найланиб.

Тун фалакни қучди-сй,
Кўршапалак учди-сй.
Кеча кўз ёш ичди-сй,
Оҳу кетди ойланиб,
Қайғу келди найланиб.

Гавҳар эрур ким хокда,
Ким юлдузлар афлокда,
Ошён қурмиш ишқ “оҳ” да...
Оҳу кетди ойланиб,
Қайғу келди найланиб.

Куз елида тўзди гул,
Хазонларда дунё зил,
Зил дунёлар бўлди-гил...
Оҳу кетди ойланиб,
Қайғу келди найланиб.

ФАҚАТ МУҲАББАТ БОР...

Саҳронинг жодуси – сароб нимадир?!
Боғларнинг оҳуси – шароб нимадир?!
Икки дун қайғуси – азоб нимадир?!
Фақат муҳаббат бор, бошқаси ёлғон...

Юзингни нигоҳдан олиб қочгайсан,
Кўзингни дилоҳдин олиб қочгайсан,
Ўзингни дилхоҳдин олиб қочгайсан...
Фақат муҳаббат бор, бошқаси ёлғон...

Бойчечак кўнглини англасин қуёш,
Қуёшнинг ҳайратин тингласин кўз ёш,
Ишққа бошин қўйиб, йиғласин Оташ,
Фақат муҳаббат бор, бошқаси ёлғон...

Тиконлар тигида елдай сламан,
Далли девонаман селдай тўламан.
Ўлсам мен очилган гулдай ўламан,
Фақат муҳаббат бор, бошқаси ёлғон...

Дарахтдай, хокларга баргимни сочдим,
Кузларга юзимдан зардимни сочдим,
Йиғлай-йиғлай охир, дардимни очдим,
Фақат муҳаббат бор, бошқаси ёлғон...

МЕНИ СЕНДАН АЙИРДИЛАР

Севмакка гул элтди ҳаёт...
Жонни чил-чил этди ҳаёт,
Куймакка дил тутди ҳаёт,
Мени сендан айирдилар.

Энди хаёл ял-ял чоғлар...
Соғинчларга тўлди боғлар,
Жим эгилиб, синди шохлар,
Мени сендан айирдилар.

Қайга ботди у тулин ой,
Қайга ғойиб бўлди ҳумой,
Мажнунтол ҳам қилмас парвой,
Мени сендан айирдилар.

Юлдузлардай мангу бедор.
Наво айлар мунгли дутор,
Хазон ўлди фасли дийдор,
Мени сендан айирдилар.

**НАЙЛАЙИН, КҮНГЛИМДА
ОЧИЛМАДИ ГУЛ...**

Жон қўшиб, тошда гул ундирди меъмор,
Излай-излай топди ҳаётни бемор,
Лайлатулқадрга етди ҳар бедор...
Найлайн, кўнглимда очилмади гул...

Кўнглини пуллаган пастлар гуллади,
Гулшанни топтаган каслар гуллади,
Ҳатто кўзга тушган хаслар гуллади...
Найлайн, кўнглимда очилмади гул...

Зорларда инграган найларим жимдир,
Кўнгли ярим-ярим ойларим жимдир,
Тошларга бош урган сойларим жимдир,
Найлайн, кўнглимда очилмади гул...

Ким айтади бизнинг Оллоҳимиз йўқ?!
Оллоҳнинг қошида гуноҳимиз йўқ,
Ва ё айбимиздан огоҳимиз йўқ...
Найлайн, кўнглимда очилмади гул...

ЙИГЛАЙСАН...

Қарғиши урдими худонинг,
Ё тоши тегдими гадонинг,
Захими ва ёки хатонинг...
Йиглайсан...

Қарайсан кўзларинг тинадир,
Билмайсан, бу дунё нимадир,
Кўнглингда гавҳарлар синадир...
Йиглайсан...

Бош олиб кетдилар вафолар,
Келдилар илонлар – афъолар,
Жонингга санчилар жафолар...
Йиглайсан...

Мунгайиб жовдирар дилоҳинг,
Ҳеч қайда йўқ эрур паноҳинг,
Тикилиб турибди гуноҳинг...
Йиглайсан...

ҚАЙЛАРДА ВОЛА ТЕРИБ...

Боғимдан олма тутдим, олмани лойга отдинг,
Кўнглимдан гавҳар тутдим, тош бу, деб сойга отдинг.
Гуноҳим нима эди, жонимни найга отдинг...
Қайларда вола териб юрибсан Қора Кўзим?!

Синиб-синиб тўкилган ҳар қадрда йиғладим,
Тоҳир-Зухра кўмилган ҳар қабрда йиғладим.
Ишқ юраги сўтилган ҳар садрда йиғладим...
Қайларда вола териб юрибсан Қора Кўзим?!

Самодан бало ёғди, дов-дарахтлар синдилар,
Қоп-қора жола ёғди, оппоқ бахтлар сўндилар.
Қайғу-ю нола ёғди, тожу тахтлар ёндилар...
Қайларда вола териб юрибсан Қора Кўзим?!

Тўлиб ойни йўқотган тунлардан ўтиб келдим,
Хазонда жим йиғлаган унлардан ўтиб келдим.
Ишқда хок бўлган дили хунлардан ўтиб келдим...
Қайларда вола териб юрибсан Қора Кўзим?!

ЙИҒЛАГИЛ, ЖОНИМ ЙИҒЛА

Шабнамда гул-покланур,
Тонг юзи ол-покланур,
Йиғидан дил покланур,
Йиғлагил, жоним йиғла.

Суймаган жон – жон эмас,
Тоймаган жон – жон эмас,
Куймаган жон – жон эмас,
Йиғлагил, жоним йиғла.

Шодликлар бошин ийсин,
Қўшилиб, ишқда куйсин,
Азобнинг заҳрин туйсин,
Йиғлагил, жоним йиғла.

Кўзингдан дард аригай,
Кўнглингдан дод аригай,
Юзингдан гард аригай,
Йиғлагил, жоним йиғла.

Кўз ёшинг маржон-маржон...
Силкиниб ларзон-ларзон,
Софлансин сасли осмон,
Йиғлагил, жоним йиғла.

**ҲАМОН СЕН ОЙ КАБИ
ТЎЛИН ВА ЙИРОҚ...**

Ҳамон сен ой каби тўлин ва йироқ,
Ҳамон сийратимда соғинч ва ғулув.
Ҳамон хаёлимда малол ва сўроқ,
“Қай гулзорда зордир, мен суйган сулув?”

Баҳорлар шарори оний чақиндай,
Найли наволарда товланар дунё.
Кўзимга кўринар юлдуз яқиндай,
Қўлимни узатсам етгудай, гўё.

Бироқ жуда йироқ бизнинг орамиз,
Висол насиб этмас бизга ҳеч қачон.
Ёлғизоёқ йўлда ёлғиз борамиз,
Қатрада қалб ёнар... лим-лим ҳаяжон.

Қуёш шом қошида маънос ва танҳо,
Соғиниб-соғиниб сарғаяр кўнгул.
Фарёд чекар эдим маҳшаргача то,
Магарки, кўз ёшдан кўкарса сунбул.

Ҳамон сен ой каби тўлин ва йироқ...

ИШҚ ТҰЛА ҚАДАХИНГ ҚАЙДА, Ё ОЛЛОҲ

**Ким севгида ёниб, ким сўниб борар,
Ким ойдаин тўлиб, ким тўниб борар,
Ким гулдаин кулиб, ким сўлиб борар...
Ишқ тўла қадаҳинг қайда, ё Оллоҳ?!**

**Суйиб-суйиб... куйдим... тўйдим оламдан,
Тошларга бошимни урдим аламдан,
Қуёш тоғни ёриб чиқди ноламдан...
Ишқ тўла қадаҳинг қайда, ё Оллоҳ?!**

**Вафо хиёнатдан олгайми қасдин?!
Девгида хас устун, марварид остин,
Баҳор ҳақми ё куз, ким сўйлар ростин?!
Ишқ тўла қадаҳинг қайда, ё Оллоҳ?!**

**Саславиб сингранар сим-сим сукутлар,
Нилий осмон аро қаро булутлар,
Бунда оташ ўтлар, анда тобутлар,
Ишқ тўла қадаҳинг қайда, ё Оллоҳ?!**

**Залолат ичинда бўзлайман нолон,
Зулумот ичинда излайман омон,
Маломат ичинда тўзгайман чунон...
Ишқ тўла қадаҳинг қайда, ё Оллоҳ?!**

**Барглар шўх ўйнаюр, барглар саргаюр,
Қайгулар улгаюр, шодлик мунгаюр,
Йиллар гоҳ алқаюр, гоҳо қаргаюр...
Ишқ тўла қадаҳинг қайда, ё Оллоҳ?!**

ҲАМОН ЙЎЛЛАРИМДА...

Ҳамон йўлларимда бозиллар чўғлар,
Севгида ловуллаб ҳайқирар дунё.
Ҳамон бир Жонимни қирқ кокил тиғлар,
Ёниқ кўзларимда айқирар дарё...

Кўзларинг кўксимга азоб экади,
Вайрон Юрагимда зилзила-зил-зил.
Қуёш тоғ ортига ҳар шом чўкади...
Олабий ойна синади чил-чил.

Ҳамон йўлларимда бозиллар чўғлар...

ҚЎЛИМДА БИР ПАР...

Қанотингни силаб бўзлайман қушчам,
Кўзимга боқасан сукутда ҳайрон...
На ой бор, на юлдуз... зулматдир кечам,
Шодликнинг шомида кўнглимдир вайрон.

Кўзимни очаман... қўлимда бир Пар...
Қушма йўқ... ҳувиллар кўкрак қафасим.
Босиб келар алам... лабим пирпирар,
Борлигим куйдириб борар нафасим.

Севгига айланиб, Ишққа айланиб,
Минг йилнинг ғамидан ўтиб келдим мен.
Гулда қуёшланиб, дилда Ойланиб,
Муҳаббат, қошингга етиб келдим мен.

Сен кўнгил... ай, йўқдирсан,
Ғойиблик дайрида нурсан саросар.
Ишқсизлар боқсалар, менда, йўқдирман...
Фақат руҳим кезар нафаслари зар.

Баҳорий боғларда шабнамсан гўзал,
Тиниқсан, шаффофсан... нурдай бокира.
Тонгда кулган гулсан, лабингда асал,
Насимий ҳавонгга тўймайман сира.

Муҳаббат кўнглида насибам дийдор
Сасимиз хушбўйдир... дилимиз масрур...
Фақат иккимизга аён бу асрор.
Қовушиб тургандай гўё икки нур.

ҚАЙҒУЛАРНИНГ ШОМИДА ЖОНИМ

Ошиқ дилни не адо қилди,
Гулдан гулни не жудо қилди,
Учган қолдуз не нидо қилди...
Қайғуларнинг шомида жоним.

Қанотларим қайрилиб қолди,
Сўм суюгим сийрилиб қолди,
Нурдан ҳурдай айрилиб қолдим...
Қайғуларнинг шомида жоним.

Атиргулнинг шабнами чил-чил,
Баҳорнинг да куз кезар зил... зил...
Сен қайдасан, ай, дил-а... ай, Дил...
Қайғуларнинг шомида жоним.

Кин айлади пинҳона анжум,
Қоронғулик ялмоғиздай шум,
Жим боқаман... жим боқаман... жим...
Қайғуларнинг шомида жоним.

НЕ ГИЙБАТ – КИНЛАРГА ҚОЛДИК БИЗ

Не гийбат – кинларга қолдик биз,
Не зулмат тунларга қолдик биз,
Маломат кунларга қолдик биз...
Чақмоқлар чаққанда топишиб.

Ой – гулни қора шом ғашлайди,
Файрлар кўнглимиз тошлайди.
Кечалар юзимиз ёш чайди,
Еру кўк келади қапишиб.

Нидолар қайтади, “Хато бу!”
Куйганлар айтади, “Адо бу!”
“Оллоҳим айлаган ато бу”
Юпанча дил борар ёришиб.

Юраklar майхона ичинда,
Тилаклар вайрона ичинда,
Фалаклар ғамхона ичинда,
Ҳаволар туманга қоришиб...

ҲОЛИ НА БЎЛҒАЙ

**Юракка ғарқ бўлдик, хун ичра қолдик,
Ўрмонда адашдик тун ичра қолдик,
Найларни бўзлатган мунг ичра қолдик,
Йўлсиз оҳуларнинг ҳоли на бўлғай?!**

**Оғим остида борар қора гўр,
Найлай, кўнглимнинг кўзларидир кўр,
Ҳар кун кўзгу синар... ҳар кўзгуким Дур,
Синган кўзгуларнинг ҳоли на бўлғай.**

**Муҳаббатнинг оғи тўлганмидир ҳеч,
Ғуноҳлар майидан тўйиб-тўйиб ич,
Дунёмиз ёришди тушганида кеч...
Мунгли орзуларнинг ҳоли на бўлғай.**

**Бош оққан ёқларга кетиб борамиз,
Рухимиз исёнин ютиб борамиз,
Ишқ қуёши бирла ботиб борамиз,
Кузги севгиларнинг ҳоли на бўлғай?!**

КЎЗЛАРИНГДАДУР

Қора кўзлар тўлқин-тўлқин кўринур,
Юлдузлар ярқираб, яқин кўринур,
Бошингда баҳорий чақин кўринур...
Қуёшлар... зулматлар кўзларингдадур.

Бўйнимда минг гуноҳ, неча минг гуноҳ,
Кўнглингдан кўксим тоғ... нигоҳингдир чоҳ,
Тонгларинг ҳарир боғ, шомларинг, ногоҳ,
Дўзахлар... жаннатлар кўзларингдадур.

Ул не Нуҳким, эгик бошни кўтармиш,
Ул не руҳким дилдан гашни кўтармиш,
Бойчечак нафис қўл тошни кўтармиш,
Ҳайратлар... ҳикматлар кўзларингдадур.

Кўнглим ҳавосини елдай елдурур,
Гоҳи қон йиғлатур, гоҳи кулдурур,
Мени тирилтирур, мени ўлдирур,
Зулмлар... шафқатлар кўзларингдадур.

ГУЛҚАЙҒУ...

Кўнгилнинг кўйида ойдай ойдин ғам,
Минг дардли гулбаргнинг кўзларида нам,
Мажнун жунунида афсунли алам...
Жоним садқа бўлсин, сенга, Гулқайғу!

“Муҳаббат, мен келдим, сен қайдасан, айт?”
Ваҳийдан сўз тушди, ўт Ишқдан шу пайт:
“Дардлар дунёси бу, Дил, йўлингдан қайт!...”
Жоним садқа бўлсин, сенга, Гулқайғу!

Ишқ қуёши қирчинидан қийилди,
Барчинининг кўздан ёши қуйилди,
Алпомиш “оҳ” тортди, дунё ўйилди...
Жоним садқа бўлсин, сенга, Гулқайғу!

Боботоғ бошида қорми, дунё жим,
Ошиқлар ҳамиша хорми, дунё жим,
Кенг олам шунчалар торми, дунё жим...
Жоним садқа бўлсин, сенга, Гулқайғу!

УЛОЙНИ КЎРМАДИНГМИ, АЙТ

Жавлон-жавлон бу Дил жунунда қолди,
Алвон-алвон у Гул не хунда қолди,
Сўзон-сўзон сунбул қай тунда қолди...
Эй, Осмон, ул ойни кўрмадингми, айт?!

Кўнглимнинг кўйида ул куйи Наво,
Сабоси ҳавода айлайди ҳаво,
Жамоли жаҳоним жонига даво...
Эй, Сайрон, ул ойни кўрмадингми, айт?!

Юзимни босаман туннинг тигина,
Кўз ёшим сургайман куксим доғина,
Оҳу кетди қайси қайғу тоғина?
Эй, Найсон, ул ойни кўрмадингми, айт?!

Булутлар бўридай увлайди дайдиб,
Қирларга турналар келгайлар қайтиб,
Баҳорлар боради асрорлар айтиб...
Эй, Жайрон, ул ойни кўрмадингми, айт?!

ЮРАГИМ АТИРГУЛ...

Узукнинг кўзида... тошлар алдади,
Бир сарин, бир ширин тушлар алдади,
Балиқлар алдади, қушлар алдади...
Юрагим атиргул... олов атиргул...

Сарвгулнинг раънои рўйига зорман,
Рагъия райҳонларнинг бўйига зорман,
Сойларнинг ой кулган сўйига зорман,
Юрагим атиргул... олов атиргул...

Йиллар йироқларга қолиб отгайдир,
Даврон довуллари олиб кетгайдир,
Қуёшлар кўнглима келиб ботгайдир,
Юрагим атиргул... олов атиргул...

Баҳордан бозорга учар зарларим,
Қайғу оғусини ичар зорларим,
Ичкин-ячкин кечни кечар сорларим...
Юрагим атиргул... олов атиргул...

СЕН АСЛО ҚАЙГУРМА...

Ошиқлар қуёшдай ёниб оқ бўлмиш,
Ишқ аро дунёдан тониб шоҳ бўлмиш,
Кўз сўйига тўйиб, қониб моҳ бўлмиш,
Сен асло қайгурма, бу ҳолга боқ жим.

Шоирлар йўқликни йўқлаб борарлар,
Тополмай самони чўглаб борарлар,
Далли девонадай йиғлаб борарлар...
Сен асло қайгурма, бу ҳолга боқ жим.

Не шоҳ гуллаб, не шоҳ куйиб сахт ўтмиш,
Бирн нуршаҳд, бирн кўр-караҳт ўтмиш,
Давронлар айланмиш, тожу тахт ўтмиш,
Сен асло қайгурма, бу ҳолга боқ жим.

Бақодур, саходур ва танҳодур Ҳақ,
Азалдан тоабад қуёшдир барҳақ,
“Бу Ватан абадий, абадийдир халқ...”*
Сен асло қайгурма, бу ҳолга боқ жим.

* А.Орипов сатри

ИШҚ ГУЛИ

Баҳорим кузларда... маҳзуну маҳзун,
Тирамоҳ тунлари узуну узун,
Мезонлар кезади ҳазину ҳазин...
Ўзинг баҳор бўлиб келгил, Ишқ гули.

Бошимни тошдайин дорга урмишам,
Селоби саробим хорга қормишам,
Ҳар сори сорилиб, зорда ўлмишам...
Ўзинг дийдор бўлиб келгил, Ишқ гули.

Шомлар шобнларни ёқиб... ботдилар,
Ойлар дунёларга боқиб ўтдилар,
Йиллар дарёларда оқиб кетдилар...
Ўзинг тумор бўлиб келгил, Ишқ гули.

Ўт Дилдай гул боғда зуҳур истарам,
Хокману, хорману гурур истарам,
Ялдо адосида бир нур истарам...
Ўзинг шарор бўлиб келгил, Ишқ гули.

ОТАШИН ОШИҒМАН...

Насимлар найланди қошларингда, ҳай,
Гулғунча шайланди шохларингда, ҳай,
Қуёшлар айланди бошларингда, ҳай...
Оташин ошиғмен... ишқингда ай, гул.

Кўнглимизга қўнган хумой муборак,
Санга ошиқ, манга гул ой муборак,
Қалбимизга сирли сарой муборак...
Оташин ошиғмен... ишқингда ай, гул.

Лаъли висолингдан қадар уялғай,
Боли зулолингдан шакар уялғай,
Гули ҳилолингдан қамар уялғай...
Оташин ошиғмен... ишқингда ай, гул.

Чашмаи гулобни тош-тоғ ичгайдир,
Хушбўйи шаробинг хуш боғ ичгайдир,
Кўнглингдаин кўнглим май нўш чоғ ичгайдир...
Оташин ошиғмен... ишқингда ай, гул.

СҮЙЛА НАЙ, МЕН НАЙЛАЙ...

Дардлар дарёсида оқаман сасдай,
Гулни ўтин қилиб ёқаман хасдай,
Йиғлайман ва хандон отаман мастдай...
Сўйла най, мен найлай, девона бўлмай?

Гуноҳлар зил кетди, фарқ бўлди иймон,
Гулбоғлар сил бўлди, тўзди беомон,
Тоғларни сел олди, қорайди осмон...
Сўйла най, мен найлай, девона бўлмай?

Оташим сўндирди қисмат заволя,
Қошимга шер каби келар чумоли,
Бошимда айланар шомнинг шамоли,
Сўйла най, мен найлай, девона бўлмай?

Ўзим ўз ёзуғим саҳв этдим бу кун,
Хоку гилга Дилим дафн этдим бу кун,
Кўнглимнинг кўйини маҳв этдим бу кун,
Сўйла най, мен найлай, девона бўлмай?

ГУЛ-ОЛОВНИНГ КҮЙИДА КУЙДИМ...

Сарбадордай қайғуни суйдим,
Саросарда ёҳуни суйдим,
Юлдуззорда оҳуни суйдим...
Гул-оловнинг кўйида куйдим.

Севги-найнинг кузидаги ёш,
Юлдуз-ойнинг юзидаги ёш,
Булоқ оҳу бўғзидаги ёш...
Гул-оловнинг кўйида куйдим.

Ҳар ён юрсам вайроналардир,
Вайронада сайроналардир,
Ўз-ўзига ҳайроналардир...
Гул-оловнинг кўйида куйдим.

Тошқин ичра сокин бўлиб мен,
Жўшқин ичра ботин бўлиб мен,
Хазон ичра олтин бўлиб мен...
Гул-оловнинг кўйида куйдим.

ТОНГ ЭДИ... ШОМ ЭДИ...

Севгидай суяди дунёлар мени,
Сийратим софлайди тонглари билан.
Сийлайди сарафроз дарёлар мени,
Сув уза ойларнинг ранглари билан...

...Музлаб-музлаб кезар заҳру маломат...
...Дайролар вайрондир, сайҳонлар пайҳон...
...Залолат зулмида сўнгсиз зулумот...
...Баҳорнинг бағрида йиғлайди найсон...

Тонг эди... шабнамда қуёш кўринди,
Шом эди... шабнамда кўз ёш кўринди...

НЕЛАР КЕЧАЁТИР...

Йиғлайман: “бу чўғни музлат, худойим,
Бу оташ ишқ кетсин абадий йвроқ”,
Найлайин, қандайин қиёмат қоим,
Оллоҳим оҳимни барқ айлар кўпроқ.

Маҳзун-маҳзун унлар кўйида сен... сен...
Ишқ сири атиргул мисоли қат-қат.
Узун-узун тунлар ўйида мен... мен...
Ишқнинг навосида наволар наввот.

Нелар кечаётир бу чархи дунда...
Нелар кечаётир бу чархи дунда?!

ФАҚАТ СЕН ЙЎҚ...

Тошқасрда тошчайнар юрак,
Ёрилтошни ёрди ҳур фалак,
Муродига етди бу эртақ...
Фақат сен йўқ. Сукунатдир-тун...

Зулмат синди... гуллади зиё,
Оғир-оғир тўлғонди дунё,
Тошқин-тошқин оққушлар – дарё...
Фақат сен йўқ. Сукунатдир – тун...

Муз тигида туғилди баҳор,
Юрак юлдуз мисоли бедор,
Саноларда сабуҳий лийдор...
Фақат сен йўқ. Сукунатдир – тун...

Сой сувидай кулар суюнчак,
Қалдирғочлар учар ҳалинчак,
Қизғалдоқдир ҳарир келинчак...
Фақат сен йўқ. Сукунатдир – тун...

АСРОРБОҒ

Асрорбоғ... Асрорбоғ... барглари хазон...
Тирамоҳ титрайди, ингранар ҳаво.
Маҳзун мезонларда нолаи сўзон,
Сўлгин япроқларда сингранар наво.

Жим ёнди. Ишқ дарди.. ул боғ сарғарди,
Суйиб-суйиб куйган баҳор шитирлар.
Сасимда куз барги... юзимнинг зарди
Кўнглимга бош қўйиб мунгли шивирлар.

Севги яловрангки... севги оловранг,
Ў, кўнгил ишқда Гул, кўнгил ишқда Кул.
Баҳору хазонрез мангу айлар жанг,
Шонида сунбулу... шонида мушкул.

Асрорбоғ... Асрорбоғ... барглари хазон...

СЎНГСИЗ ОЛИС КЕТДИМ...

Севгидан солланиб сўзлаган пайтим,
Сен Дилга айланиб гуллардинг, гулим.
Сўнгсиз олис кетдим. Ва яна қайтдим,
Не ҳол бу, не сир бу: ҳамон ой тўлин...

Бунда мен йўқдирман... сен ҳам йўқдирсан...
Бунда нурдай яшар абадий хаёл...
Балки сен қайдадир сўнган чўғдирсан,
Балки мен қайдадир хазонман, алҳол.

Келамиз иккимиз... бу не билмайман...
Кўзларинг ёнади... кўзларим бедор.
Мен сени излайман топа олмайман,
Сен мени излайсан беҳуда, бекор...

Хаёлнинг майдан қанча тотмайин,
Шамолдай учириб кетади Ҳаёт.
Руҳимдан қанчалар олис кетмайин,
Руҳимга қайтариб келар муҳаббат...

Сўнгсиз олис кетдим... Ва яна қайтдим...

НЕГА СЕВИБ ҚОЛДИМ ҚАЙҒУ-АЛАМНИ

Ногоҳ ато этди бизга шоҳликлар,
Ногаҳон гуллади қоронғу олам.
Ойдаин юзини очди Шодликлар...
Ва лекин, лабимдан ўлади Алам.

Сукунат кўргонин қулфлари катта,
Дардим дарвозани оча олмайди.
Жонимда жаҳоним – оҳу фарёдда...
Жаҳоним жононим қуча олмайди.

Юҳонинг комидай гирдобнинг ҳадди,
Йиқилиб... тукилиб йиғлайман ожиз.
Эгилмиш, букилмиш осмоним қадди
Шомда мунғаяман маънос ва ёлғиз.

Ногоҳон уйғониб қиламан тавба,
Тушимда қучмишам илон-санамни.
Мен қандай девона, мен қандай телба?!
Нега севиб қолдим қайғу-аламни?!

Нега севиб қолдим қайғу-аламни?!

**КҮНГЛИМ,
ҚОШИНГГА КЕЛДИМ**

Бир илоҳий нафас чўғ...
Бир сабуҳий ҳавас шўх...
Бори ғойиб... бир сас йўқ...
Кўнглим, қошингга келдим.

Жоми ғам тўла-тўла,
Жон ўлмас ўла-ўла,
Айланиб нола гула,
Кўнглим, қошингга келдим.

Жон хокқа қорилмасму?
Ёрилтош ёрилмасму?
Ишқда гул тирилмасму?
Кўнглим, қошингга келдим.

Ҳар оҳу-ғулу ила,
Ҳар кулгу-қайғу ила,
Ҳар ёҳу-ёҳу ила,
Кўнглим, қошингга келдим.

Ибтидо не, не поён?
Не мавҳуму, не аён?
Тонг қаёну, шом қаён?
Кўнглим, қошингга келдим.

ОҲЛАРИМ МОҲИМА ЕТМАГАЙ, НАЙЛАЙ

Афсун мажнунида сирли бир рӯё...
Ҳар юлдуз гӯёки булбулигӯё,
Оташ-оташ ишқда бўйланар дунё...
Оҳларим моҳима етмагай, найлай?!

Ул сулув оҳунинг нигоҳи ғулув,
Шарорли баҳорнинг кўз ёши дув-дув,
Қалбимда қайғу-ю, кўнглимда ё-ҳув...
Оҳларим моҳима етмагай, найлай?!

Гулшанининг шаънида жўшиб келди ишқ,
Жонгулнинг жомида тошиб келди ишқ,
Аламли оламни ошиб келди ишқ...
Оҳларим моҳима етмагай, найлай?!

Қоришиб ётмишдир наво-ю нидо,
Ҳуллаи Дил-адо, сўнгагим-сато,
Дунё тўрт устунли, биттаси – хато...
Оҳларим моҳима етмагай, найлай?!

АДАШГАН ОТАШДАЙ УЧРАШДИК ЖОНИМ

Сойлар адашдилар, еллар адашди,
Ойлар адашдилар, йиллар адашди,
Ўйлар адашдилар, йўллар адашди,
Адашган оташдай учрашдик, жоним.

Тонг сабосида дун-дунга туташмиш,
Ишқ сафосида жон-хунга туташмиш,
Шом саҳосида кун-тунга туташмиш,
Адашган оташдай учрашдик, жоним.

Хато атоларни пок этар хаёл,
Шўр қисматга ширин об элтар хаёл,
Олис-олисларга обкетар хаёл,
Адашган оташдай учрашдик, жоним.

Узун хаёлларнинг ҳайрон йўлида,
Маҳзун хазонларнинг найсон йўлида,
Мажнун юлдузларнинг сомон йўлида,
Адашган оташдай учрашдик, жоним.

ВИДО

Ғойиб бўлиб боради оққуш,
Сингиб само сафоларига.
Кўзларидан юмалайди ёш,
Севгиларнинг саҳоларига.

Шомга ботган ул қуешгулдай,
Баҳор кетди, абадий, инон.
Юлдузларни сочса ҳам Дилдай,
Қайтаролмас оққушни осмон.

Умидимни узганман мен ҳам,
Жовдираган жонимда видо.
Жудоликка излайман малҳам,
Нигоҳимда мунғайган нидо.

Ёлуғимда заҳр ила оғу,
Оташ шоним тошдай қайғуда.
Излаб-излаб бўзлайман, ёҳу,
Жоним, шоним... бари беҳуда.

СОЙДА ОЙ ҰЙНАЙДИ...

Сойда ой ўйнайди... У ойми ё сен?!
Фаслингда фусуну, васлингда афсун...
Солланган сунбуллар саносисан сен,
Сархуш хаёлимнинг раъносисан сен.

Кўнглимни қучаман... қушдай учаман...
Ўйларингни ўпсам хушбўйдир ҳаво.
Осмон косасидан юлдуз ичаман,
Сабухий-сабуҳий насимлар ҳалво.

Гоҳо ишқ тўфони, ҳижрон қуюни,
Ҳасдаин учириб кетар самога.
Гоҳида сасимда соғинч ойини,
Саргайиб сўйлайман сарин сабога.

Куз мунгайиб сизар, сўзсиз.. фироқда,
Ва лекин, нафасинг юзимда гуллар.
Сен ойдай йироқда... сўнгсиз йироқда...
Ва лекин, бўйларинг кўзимда гуллар...

Сойда ой ўйнайди... У ойми ё сен?!
Фаслингда фусуну васлингда афсун...

МЕН ҚОЛДИМ ЧҰҢГ ТОҒНИНГ МУЗ ТОМОНИДА

Узилди толенинг томири зирқираб,
Гуллар сим-сим сўлди, жони сирқираб,
Гунчаю чечаклар қолди чирқираб...
Мен қолдим чўнг тоғнинг муз томонида,
Сен қолдинг, гунг тоғнинг куз томонида.

Булбулларнинг тили кесилмиш токим,
Боғи Эрам аро Қорахон ҳоким,
Тақдирнинг таъбирин ким айтади, ким?!
Мен қолдим, чўнг тоғнинг муз томонида,
Сен қолдинг, гунг тоғнинг куз томонида.

Ногоҳ ғойиб-ғойиб қушлар чорлайди,
Уйғониб-уйғониб тушлар зорлайди,
Илқи оққуш қолмиш беошён, дайди...
Мен қолдим, чўнг тоғнинг муз томонида,
Сен қолдинг, гунг тоғнинг куз томонида.

Гулишқ шарорига шом айлади қасд,
Сароб шаробида йнглайдирман маст,
Бўстон ларобида бўзлайман абас...
Мен қолдим, чўнг тоғнинг муз томонида,
Сен қолдинг, гунг тоғнинг куз томонида.

ТҮЛИН ОЙДАЙ ГУЛЛАМАДИНГ СЕН

**Чўғ қувладим шўх қувнаб қочдинг,
Лабларингдан инжулар сочдинг...
Ногоҳ тунга айланди сочинг...
Тўлин ойдай гулламадинг сен.**

**Бир олланиб йўллар боради,
Юз солланиб еллар боради,
Минг товланиб йиллар боради,
Тўлин ойдай гулламадинг сен.**

**Қуёш бўллар, “ишқида ён”, деб,
Жон бўғзима келади жон, деб,
Гоҳ юлдузга сўзлайман сан, деб...
Тўлин ойдай гулламадинг сен.**

**Ё, найсонга айланиб кетдинг,
Ё, сўзонда найланиб кетдинг,
Ё, мезонга бойланиб кетдинг...
Тўлин ойдай гулламадинг сен.**

**Тушда лаълинг гулуда ўпдим,
Тонгда ўзим қайғуда топдим,
Дил дайрида беҳуда чопдим,
Тўлин ойдай гулламадинг сен.**

УЛОЙ ЙИРОҚЛАБ КЕТДИ...

Э, вой... ул ой йироқлаб кетди,
Рўёларда қолди бу дунё.
Фараҳ жоним фироқлаб кетди,
Қани ўша сочлари дарё?!

Мен билмайман қайси си ёлғон,
Мен билмайман қайси асил.
На баҳор бор, на бордир хазон,
Ғойиб бўлди рангин тўрт фасл.

Оёғимнинг остида ер йўқ,
Кўкрагимда руҳлар безовта.
Тун-бошимдан қуйилади чўғ,
Хато, кўксим топар бехато.

Кўзларимда бўзлаган нидо,
Кўкка сачрар, оҳ-Намозшомгул,
Қайтиб келар на аксу садо,
На кўрингай у сулув жонгул!

Чўгликларда инграр мунгли куй,
Йўқликларда излайман илинж,
Самоларда синграр сўнгсиз ўй...
Сасларимда умид ва ўкинч.

Э, вой, ул ой йироқлаб кетди...

ҲАЙРОН САЙРАМАДИМ...

Мажнунтолнинг яшил қонлари жўшган,
Юлдузлар дарёси айқириб тошган.
Ҳайрон сайрамадим найсонда ёниб,
Атиргул сувидан ичмадим қониб.

Фалак юрагимга олма отгайдир,
Жаҳон жилоланган жомдай кўринар,
Қуёш қайдан чиқиб, қайга ботгайдир,
Тонгларим товланган шомдай кўринар.

Анорнинг гуллари очилар ял-ял,
Ногоҳон тўкилар ерга дувуллаб.
Совуқ-совуқ тошга тегиб синар лаъл,
Оғоч эмас, дутор ёнар ловуллаб.

Вале, наволар жим... ҳаволар сим-сим...
Ҳайқираман мен бор овозим ила.
Армонга айланар Ғам ичган насим,
Лоланинг лабида найланар нола...

Ҳайрон сайрамадим найсонга ёниб,
Атиргул сувидан ичмадим қониб.

“ЮР, ЗУХРАЖОН, БОҒ САЙЛИНА КЕТАЙЛИК”

“Тоҳир ва Зухра” достонидан

Ўйнаб-ўйнаб ол олмалар отайлик,
Найли-найли озорларда нетайлик,
Лайли-лайли баҳорлара етайлик,
Юр, Зухражон, боғ сайлина кетайлик.

Раҳм айламас ой-у йиллар тош бағир,
Тобонимиз тилиб борар тош чағир,
Ишқ кўйида ҳар маломат тош оғир...
Юр, Зухражон, боғ сайлина кетайлик.

Осмонлара айлансин-о, оқдушлар,
Найсонлара бойлансин-о, кўшиқлар,
Соғинмасми, сайри боғни ошиқлар...
Юр, Зухражон, боғ сайлина кетайлик.

Жилғаларнинг жилосида садолар,
Ҳаволарнинг сафосида саболар,
Найланади новвот-новвот наволар...
Юр, Зухражон, боғ сайлина кетайлик.

О, тўли оё, фарзонаи фарзим шу,
Жон-жонимда зорим шу-ю, арзим шу,
Қуеш ҳаққи, сенга айтар сўзим шу,
Юр, Зухражон, боғ сайлина кетайлик...

МЕН КУЙГАН КҮНГЛИМНИНГ КҮЙИДА ГАДО

Юрагим Зайнабнинг заҳрида сўнди,
Бўғзимга бўғилар найланган нафас.
Гулрўйи равонлар рўёга дўнди,
Қуюндай айланар дунёи абас.

Тўлин ой сасланар сўнгсиз афсунда...
Гўёки аждаҳо қоп-қора булут.
Атиргул гулгун ўн саккиз ёшинда,
Бошида нобуду, қошида тобут.

Йироқ-йироқларга кетайин дейман,
Не учун қийнайсан тақдир тахир?!
Қайгу ноласида найланган найман,
Қисматим қаттиқдир найлайин, ахир?!

Сайрон ҳам ўзимман, ҳайрон ҳам ўзим,
Найсон ҳам ўзимман, вайрон ҳам ўзим.
Мен куйган кўнглимнинг кўйида гадо,
Мен жимжит Бўзимнинг ўйида адо...

ТУНЛАР МАҲЗУН-МАҲЗУН...

Тоғларни қор босди... боғни қор босди,
Гуллаган гулзорни минг озор босди,
Тунни юлдуз эмас, сўнгсиз зор босди.
Тунлар маҳзун-маҳзун... руҳимдир Мажнун...

Қуёшим шомланиб, тушиб борар кеч,
Кўнглингдан кўнглимни узолмайман ҳеч,
Тўкилиб-тўкилиб тикилар Ўкинч...
Тунлар маҳзун-маҳзун... руҳимдир Мажнун...

Бошим узра бу сас ногоҳ елдимми?!
Ё, учган юлдуз бир огоҳ эдимми?!
Жоним сўраб жоду гуноҳ келдимми?!
Тунлар маҳзун-маҳзун... руҳимдир Мажнун...

Баҳорлар қайларда қолиб кетдилар,
Юраклар фалақдан нолиб кетдилар,
Афрўзни афсунлар олиб кетдилар,
Тунлар маҳзун-маҳзун... руҳимдир Мажнун...

Ибтидо бир, вале, ўлмак неча бор,
Ҳар Ишқнинг бошида минг бир кеча бор,
Тоғлар жимжит йиғлар, дарди анча бор,
Тунлар маҳзун-маҳзун... руҳимдир Мажнун...

ИШҚ...

Бу сирли бўстонми, ё соҳир осмон,
Бунда шарқ ғойибдир, ғойиб эрур ғарб.
Оловли ҳоврига олар беомон,
Қуёшдай ёнаман бўлган сари ғарқ...

Ул моҳим, Дилоҳим тўлишган куни,
Мени сўзонлардан айлайди ҳалос.
Қирчиллама қишнинг музлаган туни,
Лабимга босади оташин гялос.

Ойланиб-ойланиб ўпади фақат,
Дилим зулойдан бу гулираъно.
Бу не ҳарорату, бу не зарофат,
Бу не малоҳату, бу не сир, жоно?!

Баҳор шароридай гуллади юзим,
Атиргул рангига кетдим қоришиб.
Тонгнинг ҳавосида наволи насим –
Қоронгу дунсим борар ёришиб...

Бу сир бўстонми, ё соҳир осмон?!

ЎН ЕТТИ ЁШИМГА ҚАЙТИБ КЕЛДИМ МЕН...

3...га

Хаёлнинг хуллаи қанотларида,
Ўн етти ёшимга қайтиб келдим мен.
Кўнгилнинг ишқ тўла баётларида,
Оташ қўшиқлари айтиб елдим мен.

Хулвои ҳилолга ошино этдинг,
Оппоқ осмонларни қучдим суюниб.
Ва, ногоҳ, фалакдан хоклара отдинг...
Ерни ёриб чиқдим, лоладай ёниб...

Севгим сафосида сарафроз гавҳар,
Сени ибтидодан бери асрайман.
Балолардан омон қолсам ҳар сафар,
Жавҳари жони Ишқ сиррин сўрайман.

Наволи ҳавони ичаман тўймай,
Юзини юваман покдомон сойга.
Бойчечак баргига узатасан май,
Қизғалдоқ қалбида айланиб Ойга...

Хаёлнинг хуллаи қанотларида
Ўн етти ёшимга қайтиб келдим мен...

**ОҚҚАЙИН, ОҚҚАЙИН... АЙТ,
МЕН, НАЙЛАЙИН...**

Гулзорда ул ёрнинг зорида қолдим,
Гулгул атиргулнинг хорида қолдим,
Ялдо туннинг қаро қорида қолдим,
Оққайин, Оққайин... айт, мен найлайин?!

Кузларда боғларнинг ҳазин дардлари,
Қуш ўли ишқларнинг хазон барглари,
Тушимда йиғлайди маҳзун гулпари,
Оққайин, Оққайин... айт, мен найлайин?!

Тушлар алдовидан юрагим хаста,
Толсим титранар бир мунгли сасда,
Қирқ йилим тебранар ўтли нафасда,
Оққайин, Оққайин.. айт, мен найлайин?!

Кўнглим ишқда талқон-талқон оқадир,
Муҳаббат гўёки вулқон-оқадир,
Юрагим дарёси қон-қон оқадир,
Оққайин, Оққайин... айт мен найлайин?!

Ялдо туннинг қаро қорида қолдим,
Оққайин, Оққайин.. айт, мен найлайин?!

ҚАНДАЙ ГУЛ У, ИФОРИ ЙЎҚ

Қандай гул у, ифори йўқ,
Қандай дил у, дилдори йўқ.

На суйгандир, на куйгайдир,
Не кўнгил у, тумори йўқ.

Қатра сув йўқ... тошлар тошар,
Қандай Нил у, канори йўқ.

Тўрт томонда саросардур,
Нечук ел у, қарори йўқ.

Сайраб-сайраб сочилгайдир,
Нечук тил у, асрори йўқ.

Елар афсус шамоллари,
Не ҳосил у, барори йўқ.

Ойни кучар қоронғулик,
Не висол у, шарори йўқ.

Кузи зор-зор, қиши хор-хор,
Нечук йил у, баҳори йўқ.

Ҳар заволга куйма, Менгнор.
Не асил у, гавҳари йўқ.

КҮНГЛИМ НЕ КҮЙГА СОЛДИНГ

Сатоларда садолар бўлдим,
Савдоларда гадолар бўлдим,
Хатоларда адолар бўлдим,
Гулим, кўнглим не кўйга солдинг?

Ёндирувчи ёлғонинг ширин,
Ишқ ўтига солғонинг ширин,
Ҳатто, жонни олғонинг ширин,
Гулим, кўнглим не кўйга солдинг?

Оловингда қақнусман, жонон,
Афсунларда хазинам толон,
Мажнун каби куяман нолон,
Гулим, кўнглим не кўйга солдинг?

Мен ўзимга келгайман қачон?!
Қачон кетгай оташ ҳаяжон?!
Қачон кўкда хокка тушгай жон?!
Гулим, кўнглим не кўйга солдинг?

ХАЗОН ИШҚ

Жовдираб боқаман осмон тоқига,
Оппоқ булутлардан сўрайман ҳаёт.
Хизр назар солмас жоним оҳига,
Қанотим қайрилган... айлайман фарёд.

Севги саройида эдинг танҳо шоҳ...
Умиднинг гулини излаб изғир куз,
Дардли-дардли барглар сарғаяр нолон,
Мени жоду этар, бу эврилган из.

Кўзларида сеҳр... аврайди илон.
Севги саройида эдинг танҳо шоҳ...

СЕВГИМИЗ САРАФРОЗ САБОЛАРДАДУР

Ул ҳумойи ойнинг гулишган пайти,
Юлдузлар кўзимга кўшиқлар айтди...
Ҳайратда яйратдинг, о, кўнгил сайди...
Севгимиз сарафроз саболардадур.

Севги, суюнчи бер, отди жон тонги,
Саҳар сафосида атиргул ранги,
Севинч садосида нурлар жаранги...
Севгимиз сарафроз саболардадур.

Ғойиб-ғойиб руҳлар зоҳир кўринди,
Кўзимга кўзларинг соҳир кўринди,
Ишқнинг хушбўйида сеҳр кўринди...
Севгимиз сарафроз саболардадур.

Оташ ичра ишқи азалга етдик,
Шўри савдо аро асалга етдик,
Бугун гулгун-гулгун висолга етдик,
Севгимиз сарафроз саболардадур.

...БОҒДА СЕН ЙЎҚСАН

Соғинч дунёсида нафасдай елдим,
Қушнинг кўзларида ҳавасдай елдим,
Сафои сабода бир сасдай келдим...
Найлайн, ой-Гулим, боғда сан йўқсан.

Хувиллар сукунат, ҳувиллар қаср,
Увиллар зулумот-қаро тун басир,
Шувиллар шомларнинг шамолида Сир...
Найлайн, ой-Гулим, боғда сан йўқсан.

Ёрижон, ёғочин ёндирдим дорнинг,
Ўтдим қирқ бошини кесиб аждарнинг,
Ваҳ, Дилимни тилди тиғи наштарнинг,
Найлайн, ой-Гулим, боғда сан йўқсан.

Ишқ ўтида ғамни айлаюб ўтин,
Ёндириб келсам мен дунёни бутун,
Гулзоримни кулзор этмиш чархи дун...
Найлайн, ой-Гулим, боғда сан йўқсан.

АЙРО-АЙРОЛИҒДА...

Севгизорда кезар икки сарсон руҳ,
Тўкилиб-тўкилиб тўзғир хазон туғ,
Сен тўлим ой эдинг, сой эдим мен шўх...
Айро-айролиғда юрагимиз чўғ.

Севги саболари славеради,
Бойчотак ҳар йили гуллайверади,
Баҳор хаёл каби келаверади...
Айро-айролиғда юрагимиз чўғ.

Соғинчада сарғайиб мўлтирар дарахт,
Қайғунинг қаҳрида қалтирар дарахт,
Тишида тивлаб гул келтирар дарахт...
Айро-айролиғда юрагимиз чўғ.

Музлайди ҳур осмон, ғойибдир оққуш,
Бўзлайди бул бўстон-отагин оғуш,
Боғ аро ғарибдир ширин-ширин туш...
Айро-айролиғда юрагимиз чўғ.

СЕН КАБИ ГЎЗАЛ ҚИЗ...

Сенинг ўт кўзларингдек, кўзлар борми оламда?
Қуёши бор кўзингни, ёндирди мени ахир,
Оташи бор кўзингни, куйдирди мени ахир.
Олов пуркар нигоҳинг, юраккинам лахча чуғ,
Қалов топар нигоҳинг, ёнмасимга илож йўқ,
Сенинг ўт кўзларингдек, кўзлар борми оламда?

Нозик қарашларингдек қараш борми оламда?!
Кўкка етган бошимни ерга эгилтирдинг-ку,
Кўзгинангга кўзимни мангу тикилтирдинг-ку,
Ҳаётнинг шўх қўшиғин оҳангсиз тинглатдинг сен,
Муҳаббатнинг нелигин бир сўзсиз англадинг сен,
Нозик қарашларингдек, қараш борми оламда?!

Сенинг каби гўзал қиз борми, ўзи оламда?!
Юрагимдан сўрайман, бундай лобар қиз йўқ дер,
Тилгинамдан сўрайман, бундай дилбар қиз йўқ дер.
Минг бир қизга тўқнашган кўзгинамдан сўрайман...
Бизларни қўй, жонгинам, ўзгинангдан сўрайман:
Сенинг каби гўзал қиз борми, ўзи оламда?!

**НА СЕН КЕЛОЛГАЙСАН...
НА МЕН БОРОЛГАЙМАН...**

Риштаи руҳ ила тилим бойланган,
Гулгун гуллар ила қўлим бойланган,
Олис йиллар ила йўлинг бойланган...
На сен келолгайсан, ой каби кулиб,
На мен боролгайман, сой каби тўлиб.

Қушдай учолмаймиз ҳилол шонида,
Ишқни қучолмаймиз хаёл шонида,
Май ҳам ичолмаймиз висол жонида...
На сен келолгайсан, ой каби кулиб,
На мен боролгайман, сой каби тўлиб.

Баҳорий боғлара гулоғоч келди,
Жаҳоннинг жонига қалдирғоч келди,
Бизнинг толелара тақдир каж келди,
На сен келолгайсан, ой каби кулиб,
На мен боролгайман, сой каби тўлиб.

Мажнунтол бўлдинг-о, сен ғайри боғда,
Мажнунвор бўлдим-о, мен дайри доғда,
Биз сим-сим йиғлаймиз бу сайри чўғда...
На сен келолгайсан ой каби кулиб,
На мен боролгайман, сой каби тўлиб.

ГУЛЛАР ГУЛЛАЙВЕРАР... УЧРАШМАГАЙМИЗ

Ишқнинг шарорида ширин титроқмиз,
Ҳаёт дарахтида икки япроқмиз,
Ва лекин бир-бирдин мангу йироқмиз..
Еллар славерар, ой тўлаверар,
Гуллар гуллайверар... учрашмагаймиз.

Оққушдай қўлларинг оловдай иссиқ...
Асалдай лаълларинг алдади аччиқ,
Севгилар сўндилар... орамиз очиқ...
Еллар славерар, ой тўлаверар,
Гуллар гуллайверар... учрашмагаймиз.

Адашмайди ёзуғ ёзганда худо,
Бизга бошқа-бошқа битикдир ато,
Кўнглимиз кўйида кечди не хато...
Еллар славерар, ой тўлаверар,
Гуллар гуллайверар... учрашмагаймиз.

Биз имдод изладик сасу сўзондин,
Ишқ омон қолгаймиз хасу хазондин,
Биз ерга йиқилиб тушдик осмондин...
Еллар славерар, ой тўлаверар,
Гуллар гуллайверар... учрашмагаймиз.

ФАЛАККА ЕТГАНДА МАҲОБАТИМИЗ

Фалакка етганда маҳобатимиз,
Қаро булут босди муҳаббатимиз.

Ногаҳон осмоннинг юраги синди,
Илоҳий жаҳоннинг тилаги сўнди.

Қаҳ-қаҳ отар чақмоқ гулдираклари;
Қаҳ-қаҳ отар ҳасад югурдаклари.

Юлдузларни тун-тун қучар ғайрлар,
Қайғу ёмғирларин ичар дайрлар.

Осмон қулаб борар, титрайди замин,
Қисмат майдек тутар муҳаббат ғамин.

Оҳ, мени отмишлар илонли чоҳга,
Оҳ, сени отмишлар оғули оҳга.

Қоронғу-қоронғу ўрмон ичинда,
Қайғули-қайғули армон ичинда.

Заққум дарахтининг заҳрини тотдим,
Ўзимни йўқотдим... сени йўқотдим...

Фалак дарахтининг заҳрини тотдим,
Қаро булут босди муҳаббатимиз...

БОҒЛАР МАҲЗУН...

Бир пайт сен-ла сайрон юлдузлар,
Бугун дарди дайрон юлдузлар,
Сени излаб ҳайрон юлдузлар...
Боғлар маҳзун... қайдасан, Гулим?!

Мезонларда кезар сирли сас,
Ой тўлади гўзалу абас,
Найлайн, у энди сен эмас,
Боғлар маҳзун... қайдасан, Гулим?!

“Суйган зордир...” Нидо келади,
“Куйган хордир...” Видо келади,
“Дунё дордир”, Адо келади...
Боғлар маҳзун... қайдасан, Гулим?!

Боқдим йилу ойларим ичра,
Оқдим соғинч сойларим ичра,
Оҳим нидо найлари ичра...
Боғлар маҳзун... қайдасан, Гулим?!

**О, ГУЛИМ, ЖИМГИНА
ГУЛЛАЙВЕРАСАН...**

Сарин-сарин сойсан, сен сара майсан,
Илоҳий чиройсан, боғдаги ойсан,
Сен нозни билмайсан, аразламайсан...
О, гулим, жимгина гуллайверасан.

Санамнинг бўйида сязар хуш рўйинг,
Шабнамнинг сўйида сузар хуш бўйинг,
Насимнинг кўйида кезар хуш ўйинг,
О, гулим, жимгина гуллайверасан.

Юлдузга айланар сирли самолар,
Тонгларда товланар ҳуру хумолар,
Хуллаи олингда нури ҳаёлар,
О, гулим, жимгина гуллайверасан.

Ишқнинг хиёнатта божи ичра ҳам,
Ё шоҳнинг қулаган тожи ичра ҳам,
Жонимга жон бўлиб, фоже ичра ҳам,
О, гулим, жимгина гуллайверасан.

3...ГА.

Бугун қайлардасан, қайларда қолдинг.

А. Оршов

Тўлин-тўлин ойларда йўқсан,
Сўлим-сўлим сойларда йўқсан,
Жоним қолган жойларда йўқсан,
Қайлардасан... мунгли муҳаббат?!

Ойбулоқдай зилол эдинг-о,
Осмонимда ҳилол эдинг-о,
Бўстонимда ниҳол эдинг-о,
Қайлардасан... мунгли муҳаббат?!

Савдойингда дунёи зор-зор,
Сабойингда узатдинг озор,
Йиғлаб қолдим... йиғлаб кетдинг ёр,
Қайлардасан... мунгли муҳаббат?!

Бунда мену унда сен ҳайрон,
Не сабабдин ишқ қасри вайрон,
Не саробдин сарғайди найсон,
Қайлардасан... мунгли муҳаббат?!

ГУЛУ ГУЛЗОРИНГГА ЗОРУ ЗОРДИРМАН

Мезонлар фалакка дил илган каби,
Дарахтлар қуёшга интилган каби,
Юраклар Маккага талпинган каби,
Гулу гулзорингга зору зордирман.

Олис висол келди қалбима яқин.
Кўзим осмонида гуллади чақин,
Сарвбўйинг кўйида кўнглимдир оқин:
“Гулу гулзорингга зору зордирман...”

Билолмасман, қайси дамдир асил дам,
Тонглар отар вале, барг кўзида нам,
Ғамзалар истадим... топганимдир ғам...
Гулу гулзорингга зору зордирман.

Сен шавқи шарора бўстон ичинда,
Сен сирли ситора осмон ичинда,
Сен гули баҳора найсон ичинда...
Гулу гулзорингга зору зордирман.

ИШҚ ҚУШИ

Оҳим учиб борар оташ қуш бўлиб,
Зор-зор бўйланади қошингда сенинг.
Моҳинг учиб келар, қуши ишқ бўлиб,
Зор-зор айланади бошимда менинг.

Юлдузлар, қасдида севгидир абас,
Юлдузлар қасдида бахти қаролиғ.
Тонглар бир-бири-ла учраша оямас,
Қаро тунни кийиб кезар айролиғ.

Фалакда кўринмас бирон-бир оққуш,
Фалакни булутдай қоплайди рўё.
Фалакни ёндириб учади оҳ, қуш...
Қайғуда қорилиб боради дунё.

Моҳинг учиб келар, қуши ишқ бўлиб,
Оҳим учиб борар, оташ қуш бўлиб...

ТҶРТЛИК

Дунёга дилимни тутдим, таваккал,
Бу дунё дилимни хок этди, бешак.
Бойчечакдай униб чиқсам бир маҳал,
Кўксимга туёгин қўйди бир эшак.

АЙ, ГУЛ...

Ай, гул, яноғингда олмалар ёниқ,
Ой юзингни кўриб, ой кўнгли синиқ.

Оҳим нигоҳиндан сўрайди шафқат,
Қуёшнинг оташи ишқдандир фақат.

Йилларда елдирим елдай югурдим,
Соғинч саҳросида сароб смирдим.

Сўнгсиз зорларимда армон ва ўкинч,
Умид Зухросидан излайман илинж.

Руҳи равонимда нури малоҳат,
Жону жаҳонимда сирли маломат.

Ол гуллар отаман... сизга етмайди,
Ишқ боғидан хазон мангу кетмайди...

Ай гул, яноғингда олмалар ёниқ.

ЁРДАН НИШОН ЙЎҚ

Қалдирғоч ҳавода учиб ўйнар шўх,
Баҳордан нишон бор, ёрдан нишон йўқ.

Олам юзин очди, субҳидам тоза,
Наҳордан нишон бор, ёрдан нишон йўқ.

Оқ тонглар гуллади орзуларимда,
Гулзордан нишон бор, ёрдан нишон йўқ.

Қанотлари синган бир турна бўзлар,
Абгордан нишон бор, ёрдан нишон йўқ.

Мажнунтол қўлларин солар бўйнима,
Чўнг дордан нишон бор, ёрдан нишон йўқ.

Баҳорда баҳорсиз, ўтда ёнар ўт,
Менгнордан нишон бор, ёрдан нишон йўқ.

ИЛТИЖО

Мангу қоронғудир фиғонли Кеча,
Нурлар қайда қолди... қайда, у ҳаёт.
Абадий хун борар тун ича-ича,
Сукутни симирар синграган ҳайҳот.

Асалдай висолдан на зилга кетдим,
На боғ бор, на тоғ бор, на мовий осмон.
На қайтдим, на-да бир манзилга етдим,
Кўнглим қайлардадир саргардон ҳамон.

Гулханлар гуллайди, гуллар-оловлар,
Асрорлар аёндир, шоёнларда Сир.
Ҳаққушга дон берар ширин алдовлар,
Кўзларим бўзлайди, кўзларим басир.

Сомон йўли қайда, ишқ гули қайда,
Шубҳалар шовуллар, ловуллар Гумон.
Юрагим адашган... юрагим-найда...
Рухимни ўлдирма... ўлдирма, ниймон...



ЭНДИ МЕН СЎНГСИЗ ҒАМ...

Сайхонлар сарғаймиш, қизғалдоқлар хас,
Кўкда учган юлдуз сўнди беомон.
Ғойибдан мунғайиб келар мунгли сас...
Жим пайдо бўласан, боқсам қай томон.

Бўстоним хазондир... руҳим безовта,
Кўксимда қақшаган севгининг қасди...
Хун туннинг каърида қолурман тавба,
Бўғзимдан бўғади қайғунинг дасти.

Йўқликдан келасан чўғланиб, чиқиб,
Қоп-қора сочларинг тун каби тўзгин.
Дардлар дарёсига кетаман чўкиб...
Рўё дунёсида руҳларим эзгин.

Қайғули муҳаббат абадий бедор,
Дилнинг ҳам, Гулнинг ҳам кўзлари нам.
Тавбанм беҳуда... афсусим бекор...
Энди мен сўнгсиз Ғам... ва чексиз алам...

Жим пайдо бўласан боқсам қай томон...

МУҲАББАТ

Аввал бошлаб кетди оташ муҳаббат...
Кейин ташлаб кетди саркаш муҳаббат.

Кўзим аллақачон совуган нидо,
Мунгли-мунгли боқиб туради видо.

Юрагинг устида бир кўр мусича,
Юрагингни чўқир жоннинг кўзича.

Юлдузсиз, қуёшсиз ранги сомонмиз,
Чақмоқлар жим қотган ҳазин осмонмиз.

Мен ҳам кетолмайман муҳаббат билан,
Сен ҳам кетолмайсан муҳаббат билан.

Ўзимиз, ўзимиз тушиб кетган чоҳ,
Чоҳ тубида ночор излаймиз паноҳ...

Азал издан кетиб боради дунё,
Устимиздан ўтиб боради дунё.

Бугдой донасидур ҳар битта одам,
Ер-тегирмон тоши, айланар мудом...

Мангу ташлаб кетди бизни муҳаббат...

МЕНИ КЕЧИР, ЖОНИМ...

Адаштириб йўлинг сарсонлиғ бўлди,
Ранг-рўйинг саргайиб, сомонлиғ бўлди,
Дил боғинг баҳорда ҳазонлиғ бўлди,
Мени кечир, жоним...

Кечмишимни ҳар кеч қайта кечаман,
Юрак пардасидан қафан бичаман,
Мен ҳам адашганман: дўзах ичраман...
Мени кечир, жоним...

Қувонган қарғалар қилар таятана,
Ичган ўйим ўкинч, нафасим – таъна,
Жимжит тош ҳидига тўлди гулхона...
Мени кечир, жоним...

Тўрт томони ёпиқ дунё экан бу,
Тўрт томони очиқ дунё экан бу,
Асаллари аччиқ дунё экан бу,
Мени кечир, жоним...

ҒОЙИБ БЎЛМОҚЛИККА...

Булоқнинг бошида турибман... илҳақ,
Сувиёғ кўзгусида кўринар юзинг,
Хан жардай келади бир тилло балиқ...
Ғойиб бўлмоқликка сўрайсан изн.

Ўйлаб соғинаман... кўкдаги ой сен,
Ўтган ширин кунлар юракда насим.
Қилич серпай бошлар олисда яшин...
Ғойиб бўлмоқликка сўрайсан изн.

Рўбарў келамиз, энди бир... қайтиб...
Кўзларингда қўрқув, жонингда тўзим.
Биров чақиради отингни айтиб...
Ғойиб бўлмоқликка сўрайсан изн.

Хасл дарахтимнинг синиқ шохида,
Рўмолинг-оқшомдай! Йиғлайсан сим-сим,
Дарахт ёна бошлар дялинг оҳида...
Ғойиб бўлмоқликка сўрайсан изн.

У ҚИЗ ЁЛҒОНЧИДУР...

Алдадинг, турналар ортига қайтди,
Бойчечак йиғлади яйрамоқ пайти,
Қизғалдоқ кўнглимга шивирлаб айтди,
“У қиз ёлғончидур, у қиз ёлғончи”.

Сароб шаробига тўйдинг, нодон гул,
Узукнинг кўзини ўйдинг, ёлғон гул,
Алдов оловида куйдинг, аявон гул...
“У қиз ёлғончидур, у қиз ёлғончи”.

Гуноҳ тўфонлари басма-бас келур,
Муҳаббат қасрига қасдма-қасд келур,
Хазон ой кўзидан мунгли сас келур:
“У қиз ёлғончидур, у қиз ёлғончи”.

Энди бу боғлардан Менгнор, кўнглинг уз,
Баҳор йўлларида дайдиб юрар куз,
Юрагимда кетиб борар алам сўз:
“У қиз ёлғончидур, у қиз ёлғончи”.

ҚУШНИНГ ТУМШУҒИДА КЕТГАН АТИРГУЛ

Зилолага

Карвон билан кетдинг, ҳайёҳу-ҳайт, деб,
Балиқлар ҳайқирди изинга қайт, деб,
Юрагимга гўё сен келдинг қайтиб,
Қушнинг тумшуғида кетган атиргул.

Етти дарё ўтдинг, етти тоғ ўтдинг,
Аччиғнинг устида гулни доғ этдинг,
Фалак манглайига сўнгсиз оҳ битдинг,
Қушнинг тумшуғида кетган атиргул.

Зардоб кеча-кеча, тун ича-ича,
Адабий жим йиғлар мунгли мусича,
Ойлар, йиллар ўтар, тугамас кеча...
Қушнинг тумшуғида кетган атиргул.

“Қайдадир юртини эслаб инграр най”^{*}
Ноланинг қўлидан хаёл ичар май,
Сен жуда ўхшайсан, сен ўвасан – Ой,
Қушнинг тумшуғида кетган атиргул.

* А.Орипов мисраси

МЕН СЕНИ ТОПОЛМАСМАН...

Ўртага ҳижрон тушди,
Гулшанга хазон тушди,
Ўт ичига жон тушди,
Мен сени тополмасман,
Сен мени тополмассан.

Ой ботди – тун қоронғу,
Ғам келди – кун қоронғу,
Ёруғ очун қоронғу,
Мен сени тополмасман,
Сен мени тополмассан.

Адашгирди кўр туман,
Бош урамиз ҳар томон,
Қайда йўл, қайда омон...
Мен сени тополмасман,
Сен мени тополмассан.

Тиниқ осмонлар синди,
Гулдаги қуёш сўнди,
Муҳаббат қайда энди?!
Мен сени тополмасман,
Сен мени тополмассан.

СЕН ҲАЙРОНУ...

Дилни дил чил-чил этди,
Жаннатларга зил кетди,
Ёруғ кунда йўл йитди...
Сен ҳайрону, мен ҳайрон.

Бахт қайдадир? Осмон жим,
Ўтгая минг-минг замон жим,
Титраган тўрт томон жим,
Сен бир ёну, мен бир ён.

Асал эди сўзимиз,
Юлдуз эди кўзимиз...
Эрта келди кузимиз,
Мен хазону, сен хазон.

Қайрилади қошлар-эй,
Қовушади бошлар-эй...
Бизга ёғар тошлар-эй,
Мен гирёну, сен гирён.

Карвон кетиб боради,
Вайрон кетиб боради...
Армон кетиб боради,
Мен армону, сен армон.

АБАДИЙ ҰЙ СУРАР ОШИҚ МАЖНУНТОЛ

**Бошида минг йиллик бало... борадур,
Кўздав жола қуйиб нола борадур,
Хазонларда хазоннома борадур...
Абадий ўй сураар ошиқ мажнунтол.**

**“Кўнглимнинг кўнглини айладим чок-чок,
Хок бўлдим, юз очган гулни этиб хок,
Ўзимнинг ичимда ўзимман ҳалок”...
Абадий ўй сураар ошиқ мажнунтол.**

**Халлар юракни ўғирлайди жим,
Олосда юлдузлар шивирлайди жим,
Ўн саккиз минг олам жимирлайди жим...
Абадий ўй сураар ошиқ мажнунтол.**

**Дунё кўз сувига қачонлар тўяр?
Осмон кўнглим мисли қуёшдай куяр,
Сен Ишқми, десам, ой жилмайиб қўяр...
Абадий ўй сураар ошиқ мажнунтол.**

СЕНГА ГУЛ КЕЛТИРДИМ...

Олисдан қарайман юзларинг иссиқ,
Бармоғингда ёнар бегона узук,
Мастана боқасан, кўзларинг сузук,
Сенга гул келтирдим...

Шом сириш наҳорга айтиб бўлмагай,
Минг афсус баҳорга қайтиб бўлмагай,
Девона юрагим дайдиб, қўймагай,
Сенга гул келтирдим...

Тўлиб, куйиб, сукут бўлиб кетган Ой,
Ғамдан қора булут бўлиб кетган Ой,
Ҳижронда ёниб, ўт бўлиб кетган Ой,
Сенга гул келтирдим...

Дунёларга сиғмай кетиб борасан,
Вайронимни вайрон этиб борасан,
Юрагимни босиб, ўтиб борасан,
Сенга гул келтирдим...

БУ НЕ ИБТИДОДИР, БУ НЕ ОХИРАТ

ЮЛДУЗЛАР ТЎКИЛАР ХОКЛАРА

Қийнайди қутқунинг озори,
Қайнайди гулунинг бозори,
Бўйлайди қайғунинг зор-зори...
Юлдузлар тўкилар хоклара.

Покликда жим ёнган оташсан,
Тош ғамлар тишида талошсан,
Кўз ёш-ла қулаган қуёшсан...
Юлдузлар тўкилар хоклара.

Ёлғон чўғ, шайтон чўғ, иймон йўқ,
Жафои жоҳ аро омон йўқ...
Тўрт томон туманли, осмон йўқ...
Юлдузлар тўкилар хоклара.

О, сим-сим насимми, ўксима,
Ёш тўлди менинг ҳам кўзима,
Бошингни босайин кўксима...
Юлдузлар тўкилар хоклара.

САРИН САМОЛАРГА ОБКЕТ МЕНИ, РУҲ

Қаро алвастилар қайирар дастим,
Қуюнлар қаҳрида сарғаяр сасим,
Қопқир-қопқир итлар галашар жисмим...
Сарин самоларга обкет мени, Руҳ.

Аччиқ ғижирлайди бир қаро оғоч,
Қобирғам қақшатиб тилади омоч,
Қайга кетди оққуш, қани қалдирғоч?!
Сарин самоларга обкет мени, Руҳ.

Жонимни жим босиб, келади ғафлат,
Боғим деворидан мўралар офат,
Қора илон каби сирғалар зулмат...
Сарин самоларга обкет мени, Руҳ.

Шабнамлари ширин, азал сафосен,
Насимлари сирли, асал сабосен,
Нолалари нурли, гўзал навосен,
Сарин самоларга обкет мени, Руҳ...

У ЙЎҚ...

Ёмғир юваётир раҳматлик қабрин...
О, инсон ётибди дунёсиз, хоксор.
Тирикка баҳор кўп... ўлганга қийин...
У йўқ... мозорини айласанг ҳам зар.
У йўқ...

ТЎРТЛИК

Тоғдайин руҳларим гўё абасдай,
Куяман лаълингнинг шарорларида.
Оташман-қуёшни нўш этган мастдай
Девонаман ишқинг асрорларида...

САРГАРДОН БОРАСАН БИР МАВҲУМ ТУНДА...

Асал заҳар билан сирлашмиш бунда,
Алвов гулга илон чирмашмиш бунда,
Тонг қаро шом билан бирлашмиш бунда,
Саргардон борасан бир мавҳум тунда.

Бўйнингга алвасти қўли бойланур,
Жишлар, киялар суюб сени айланур,
Чил-чил синиб-синиб, жонинг найланур...
Саргардон борасан бир мавҳум тунда.

Боғингни баҳордан ўзинг айирдинг,
Нафис қанотингни ўзинг қайирдинг,
Ширин алдовига учдинг ғайирнинг,
Саргардон борасан бир мавҳум тунда.

Бошингдан тош ёғар... дўсту сирдош йўқ,
Жим бўзлаб излайсан, кўкда қуёш йўқ,
Охир йиғлаб бўлдинг, кўзинг да ёш йўқ...
Саргардон борасан бир мавҳум тунда.

ГУЛИНГДА БИР ҚАТРА КЎЗ ЁШДАЙ ШАБНАМ...

Гулингда бир қатра кўз ёшдай шабнам,
Йўлингда қуюндай уйрулар гулу.
Кўнглингни кўринмай пойлайди алам,
Шодлигим қошида бўйланар қайғу.

Гўё яшин тушди, ёнади дарахт,
Қанча қушлар куйиб хокларда ётар,
Ҳилоллар ҳолингга боқади карахт,
Оташин қуёш ҳам оҳларга ботар.

Қайга бош ургайсан дард тўла дарё,
Қандай солланурсан сарғайган япроқ.
Абадий айланиб-айқирар дунё,
Кўнглим гулламайди қайтадан, бироқ.

Тунда ғойиб дунё, тунда ғойиб йўл...
Ой-Дил қулаётир қоронғу чоҳга.
Йиғлайман, йиғлайман, найлайини, ай, Гул,
Сен ботиб борасан сўнгсиз гуноҳга...

АЛДОВ КҮЙИДА

Алдовлар кўйида чайқалар дарё,
Алдовлар кўйида тоғ тушар садр.
Қуёш порлар... аммо, кундуздир қаро,
Умидлар стимдир, орзулар сағир.

Мен ёниб яшайман бир Сасга илҳақ,
Мен ёниб йиғлайман чоҳнинг ичида,
Бу қандай сирли ҳол, ўзинг сўйла, Ҳақ,
Дунё яйраб яшар «оҳ»нинг ичида.

Қаро кун ҳам бахтдир, ширин ҳатто Ғам...
Айландими яна тилимда ёлгон?!
Энди сўзламайман... ичман қасам...
Энди, энди мангу оғзимда талқон.

ЁЛҒОН ДАРАХТЛАРИ

Ёлгон дарахтлари кўкка ташлар шох,
Ёлгон дарахтлари гўёки азиз.
Ёлгон дарахтлари қулагай ногоҳ,
Ва хокка қорилгай ночор ва ожиз.

УМИД

Дарахт шохларида иссиқ-иссиқ нон,
Дарахт шохларида ҳайрат узатмиш.
Бу карахт руҳимга ато этиб жон,
Қуёш баётида ҳаёт узатмиш.

Тупроққа қоришиб ётибди олма,
Олма юзин силаб сим-сим йиғлайман.
О, дарахт ҳолима ҳайрона боқма,
Мен ҳам хокда ётган нолаи найман.

Қанийди, дунёда шовуллаб турган,
Ям-яшил осмоний бир дарахт бўлсам.
Туннинг қаросида ҳувиллаб ётган
Зулумотдан чиқсам, қуёшдай кулсам.

Сасим насим бўлса, саболанса ел,
Жимжит жонимдаги Тўзим гулласа.
Севгимни соғиниб келса сарин гул,
Сўзларим гулласа, кўзим гулласа...

Дарахт шохларида ширин-ширин нон...

УМР БИР УЙДИР

Умр ўзи надир? Умр бир уйдир...
На дўст бор, на ғаним... Жонимга тўйдир,
Ҳамма хона бўм-бўш... бу уйни куйдир.
– Йиглама, о, Менгнор, йигламагин-а,
Ҳувиллаган бўм-бўш бу уй сеники.

Чироқ йўқ, ваҳмдай кезар зулумот,
Қўшиқ ўлиб ётар, йиглар сукунат,
Қочиб кетолмайсан – мавҳум синоат...
– Йиглама, о, Менгнор, йигламагин-а,
Ҳувиллаган бўм-бўш бу уй сеники.

Хонани ёритган ўт йиллар қани?
Нақшлар қани-ю, қандиллар қани?
Дўстлар қайга кетди, у гуллар қани?
– Йиглама, о Менгнор, йигламагин-а,
Ҳувиллаган бўм-бўш бу уй сеники.

У ёқдан қарайман, уй жойида йўқ,
Бу ёқдан қарайман, уй жойида йўқ,
Ҳавода йўқ бўлди отилган бир ўқ...
– Йиглама, о Менгнор, йигламагин-а,
Аввал йўқ, сўнг ҳам йўқ бу уй сеники.

ҚОРОНҒУ ЎРМОНДА

Қоронғу ўрмонда борар бир Одам,
Қўрқувда... қаноти қайрилган қушдай.
Кўзида... саробга айланган олам...
Дили... қабогида турган кўз ёшдай,

Қоронғу ўрмонда борар бир Одам...

ФАРЗАНДАТО ҚИЛ

(Туркум)

Маматраим бахшининг сўзлагани

I

Товман, лекин қайтай, суйган лолам йўқ,
Боврим ҳувиллайди, бир шалолам йўқ,
Олам тўла бола, менинг болам йўқ...
Ў-ў Худо, о-оҳ Худо, фарзанд ато қил!!

Хотиним кичрайиб йўқ бўлиб борар,
Суяги чарсиллаб чўғ бўлиб борар,
Ўй юракка теккан ўқ бўлиб борар...
Ў-ў Худо, о-оҳ Худо, фарзанд ато қил!!

Боласини суйиб қушлар бийрондир,
Полалонлар томчи сувдан сайрондир,
Менинг салтанатим, мулким вайрондир...
Ў-ў Худо, о-оҳ Худо, фарзанд ато қил!!

Кўнглимни овлайди ҳар жонажоним,
Чор тарафга қарар келган меҳмоним,
Қийқириқ, шўхлик йўқ, йўқ менинг жоним...
Ў-ў Худо, о-оҳ Худо, фарзанд ато қил!!

Шунча кенг дунёга кўнглим сигмади,
Мен ўлим истадим, илон чақмади,
Ҳамма дўст, аммо ҳеч бири ёқмади...
Ў-ў Худо, о-оҳ Худо, фарзанд ато қил!!

Билмайман, нимани кўзлаб яшайман,
Ўз ғамим ўзимга сўзлаб яшайман,
Ўзимни ўзим еб, бўзлаб яшайман...
Ў-ў Худо, о-оҳ Худо, фарзанд ато қил!!

Уч юз олтмиш томрим, узил, зирқира,
Дунё, кўзларимдан ситил, сирқира,
Бола бўлолмайсан, сингил дўмбира,
Ў-ў Худо, о-оҳ Худо, фарзанд ато қил!!

II

Зардолиннинг асал мевалари бор,
Туя ўкиради – тевалари бор...
Оҳу мендан бахтли – болалари бор...
Оллоҳим, Оллоҳим, бир ширин тил бер!

Қаро ер устида чархи дун яшар,
Хазон ой кўзида мунгли ун яшар,
Оқ булутга кириб икки тун яшар...
Оллоҳим, Оллоҳим, бир жажжи ул бер!

Мен қурийман, дунё турганда тўлиб,
Тош ичида тошни бораман тилиб,
Фарзандлар дилимда кетганми ўлиб?!
Оллоҳим, Оллоҳим, бир пок кўнгил бер!

Поёнсиз саҳрода ғойибдир Ғирот,
Оёғим остида титрар пулсирот,
Энг сўнгги турнамен, бу не охирот?!
Оллоҳим, Оллоҳим, менга ҳам эл бер!

III

Ўйнаб-қувнаб юрар изи йўқ бола,
Ширин-ширин сўзлар сўзи йўқ бола,
Қайдадир йиғлайди, ўзи йўқ бола...
Қайғу сувин ичиб тўкилар жон-Гул.

Кўзим синигини тераман йиглаб,
Худонинг қошида тураман йиглаб,
Билмайман қаёққа бораман йиглаб...
Қайғу сувин ичиб тўкилар жон-Гул.

Бақирар сукунат тилли ёлғизлик,
Ҳайқирар музлаган ёлли ёлғизлик,
Жон-Гулни никоҳлаб олди ёлғизлик...
Қайғу сувин ичиб тўкилар жон-Гул.

Тумшуғи-ла кафан тўқийди қузғун,
Кечалар қора хат ўқийди қузғун,
Гул кўзини ўйиб, чўқийди қузғун...
Қайғу сувин ичиб тўкилар жон-Гул.

IV

Лойим қорилмишдир кўз ёш нидо-ла,
Илинжим бор на бу, на у дунёда,
Қирқ йилки дил ўтда, тил-илтижода,
Парвардигор, сендан фарзанд сўрайман!

Эй қуёш, бермагил жонимга тўзим,
Қандай қилиб юрай бўлмаса изим,
Юзларимда ўлиб қолган табассум...
Парвардигор, сендан фарзанд сўрайман!

Юрагим тош этиб отдим мен, фалак,
Ўликдай тириклик ахир, не керак,
Тўй эмас, қабрга талпинар юрак...
Парвардигор, сендан фарзанд сўрайман!

Армон, армон бўлма, сеҳрга айлан,
Эй сен, улуғ осмон, меҳрга айлан,
Эй сен, буюк Сахо, зоҳирга айлан,
Парвардигор, сендан фарзанд сўрайман!

ИЧ-ИЧИНГДАН ЙИГЛА, КЎНГЛИНГДАН ЙИГЛА

Жим йигла... қилганинг гуноҳ эшитсин,
Гуноҳинг кечгувчи Оллоҳ эшитсин...
Чирқиллаб юрган ҳар арвоҳ эшитсин,
Ич-ичингдан йигла, кўнглингдан йигла.

Шайтон ноумиддир, Инсон умиддир,
То тирик азоб бор, поклик мавжуддир,
Қуеш томон-қибла, дунё масжиддир,
Ич-ичингдан йигла, кўнглингдан йигла.

Гўдакнинг кўнглида Худо бор, дерлар,
Фалакнинг кўнглида Худо бор, дерлар,
Юракнинг кўнглида Худо бор, дерлар...
Ич-ичингдан йигла, кўнглингдан йигла.

Руҳингнинг кўзида осмон товлансин,
Оҳ десаанг, оҳингда армон товлансин,
Дилинг кўзгусида иймон товлансин,
Ич-ичингдан йигла, кўнглингдан йигла.

Сукутда йигласанг, дунёнг соф бўлар,
Нур-Софлик ичинда офтоб бўлар,
Сўнғоғиз муножотинг мустажоб бўлар,
Ич-ичингдан йигла, кўнглингдан йигла.

РУҲИМНИ ҚАҚШАТАР ҚОПҚИР ҚОРА ИТ...

Руҳимни қақшатди қопқир қора ит...
Тупроққа қорилди шоним гавҳари.
Алвастидай турар бошимда нобуд,
Итнинг тишларида жоним жавҳари.

Руҳимни қақшатди қопқир қора ит...
Қоронғу чангалзор ичра йитгайман.
Ит тишлар, ит ғажир... айлайман фарёд...
Тундан томгга энди қандай етгайман?!

Оллоҳ йўлим этмиш даҳшатли, оғир,
Оллоҳ сени суюб гулгул яратмиш.
Менинг боғларимни айламиш тахир,
Сенинг боғларингда булбул сайратмиш...

Руҳимни қақшатди қопқир қора ит...

Ҳамон тонг отмоқда... ботмоқда ҳамон,
Ҳамон ер айланар чархи давворда.
Мажнун ишқда ёниб ўтмоқда ҳамон,
Ҳам Машраб осиглиқ турибди дорда...

Қандайин яралмиш бу дахил хилқат,
Кунлари зарли-ю, тунлари – зорли.
Юлдузлар кўзида абадий фикрат,
Юлдузлар нигоҳи мангуга сирли.

Хоксор-хоксор жоним хокка бойланган,
Ва лекин осмонни чўғдай ичурман.
Оташ руҳим ҳаққи,
Мангу айланган,
Фалакни Юрак-ла... йиглаб кучурман...

АЙ, ДЕВОНА

Ай, девона, ай девона...
Бозиллаган чўғдайсан-о...
Тоғ-тошларда йўқ дўлона,
Тўйиб-тўйиб йиглайсан-о.
Ай, девона... ай, девона...

Кўз ёшларинг тилло шабнам,
Юлдуз бўлиб кўкка етар.
Сени севар қайғу-алам,
Толеларинг тониб кетар...
Ай, девона... ай, девона...

Қуёш тошдир, ойлар тошдир,
Бошларингда айланадир.
Кунлар тошдир, ойлар тошдир,
Дошларингда бойланадир...
Ай, девона... ай, девона...

Ғойибликка учдинг ногоҳ,
Чинни кўза синганя кеча.
Қаҳ-қаҳ кулар қоп-қора зог...
Потирлайди мунг мусича...
Ай, девона... ай, девона...

НЕЧУН ЖОНИНГ АБГОР...

Ялдо кечасида...

Найлай, бир бошимда минг айб йиғлар,
Қирда оппоқ турна мунғайиб йиғлар,
Дарахтнинг барглари сарғайиб йиғлар,
Қошимда минг дўсту мусойиб йиғлар...
Нечун жонинг абгор, ай, мунгли Менгнор?!

Шомларда қораяр шафақнинг зари,
Кўзларда бўзлайди қуёшнинг нури,
Юзимда сизади кўзимнинг дури,
Кун сайин аччиқдир қисматим шўри...
Нечун жонинг абгор, ай, мунгли Менгнор?!

Отнинг боши эгик, елда учмас ёл,
Ҳаёт юрагимда боқади беҳол,
Бир пайтлар севарди мени мажнунтол,
Осмон пок дўст эди, осмон бугун лол...
Нечун жонинг абгор, ай, мунгли Менгнор?!

Афсус-пушаймоннинг ўчида қолдим,
Қоронғу бу горнинг ичида қолдим,
Адашдим, боши берк кўчада қолдим,
Абадий тонгги йўқ кечада қолдим...
Нечун жонинг абгор, ай, мунгли Менгнор?!

ҚАЧОН КЕТАСАН, ҚҰРҚУВ

Ойдаин Озодлик! Сени кучайин,
Ҳаётдай лазизсан, онадай азиз.
Нурларингдан тўйиб-тўйиб ичайин,
Шовшаган шаънимда шўлалансин файз...

Етти қават ериинг остидан чиқдим,
Олти қават осмон айлар ҳимоя.
Қирқ бошли кузғунинг дастидан чиқдим...
Наҳот... дейман, томуғ топди ниҳоя?!

Гоҳ сенга гумон-ла боқаман Шодлик,
Аврайсан, алдайсан, дорга элтасан.
Гоҳо ато айлаб солланган шоҳлик,
Охири саҳрои зорга элтасан...

Қаро тунлар битди. Оқ тонглар отди,
Лек ҳамон қайдадир изғийди Қутқу.
Алвастилар йитди, шайтонлар кетди...
Энди сен... сен қачон кетасан Қўрқув?!

Энди сен... сен қачон кетасан Қўрқув?!

ТУНГИ ҚЎРҚУВ

Атрофимда ўйнар жинлар ва кинлар,
Шум-шум алвастилар шайланар пинҳон.
Хаёлим хайлида айланар тунлар,
Хаёлим хайлида тийралиғ ниҳон.

Шиддатим йўқ менинг шерлар мисоли,
Қаҳрида қақшадим қаро нобуднинг.
Энди не кечгайдир, Кўнглимнинг ҳоли?!
Шомида шовшайман сирли Сукутнинг.

Юзимни силайди бангидевона,
Ёлғизу ожизмая... йиғлайдирман жим.
Қузғунлар қўзғалган – дунё ғамхона,
Бу ажал комига элтди мени ким?!

Қирқ ялмоғиз кампир, кўзлари муздай,
Ўзини отадир оташ қонима...
Ай, муқаддас Баҳор, Қуръоний сўздай,
Ҳаёт ато айла талош жонима...

Атрофимда кезар Жинлар ва Кинлар...

АНГЛАБ ЕТОЛМАЙМАН ЎЗИМНИ НЕЧУН

Қалбимнинг қошида Алп тоғи надир,
Оташимда йиллар хас каби бормиш.
Фалакнинг чархи-ю чақмоғи надир.
Гиёҳман, тилларим тошларни ёрмиш.

Осмонман-қаро кеч аламравимдир,
Кувдузини сайратдим, тунни мунғайтдим.
Қуёшман, чархи дун қаламравимдир,
Баҳорни сайратдим, кузни сарғайтдим.

Руҳи равонимнинг ҳеч адоғи йўғ...
Гуё изимдадир поёнсиз очув.
Аммо, юрагимни ёндирар бир чўғ,
Англаб етолмайман ўзимни нечун?

МЕН ЎЗИ ҚАЙДАМАН

Тўлин-тўлин ул ой бўйлар олама,
Ва туннинг комига гарқ бўлар ул ой,
Сув юзида ол-ол ўйнайди олма,
Ва олмани ютиб юборади сой...

Сув юзи сайрми, тубими-ғайр?
Не сўзим савоб-у, не сўзим гуноҳ?
Борлиғими дайр, йўқлиғими-дайр?...
Мен ўзи қайдаман, ё, қодир Оллоҳ?

ТҮРГЛИКЛАР

Шамолларни қувиб ўтардинг, кийик...
Сени боғладилар ногаҳон Тошга.
Йўқ бўлиб борасан қайғуда куйиб,
Дунё фарқ кўзингдан оққан қон ёшга...

* * *

Йиғлайман аламли аччиқ армондан:
Нечун чил-чил этдинг мени, ай, Холиқ?
Рўпарамда кулар Тош тегирмондан
Бутун чиққан улкан бир илонбалиқ.

* * *

Жоним тўла Фигон... бир дўст йўқ нетай?
Жаҳон тўла Ёлгон...бир рост йўқ, нетай?
Ҳаёт ҳайронида мендек мунғайган,
Менингдек сарғайган бир хас йўқ, нетай?!

* * *

Барглар шитирлайди кўзларда сўниб...
Дард синиқларига ўхшар дафъатан.
Нурлар шом кўксига сочилар синиб...
Қалб синиқларига ўхшар дафъатан.

БИР ҚҰЛДА ҚАҲҲОР ТУН...

Оташин қуёшсан... ишқсан Ёруғлик,
Бори борлиқ сенинг мурувватингда.
Сени суюб-суюб қучар улуғлик,
Софлик шаффофланар футувватингда.

Ногаҳон Тун келди... кечадир кеча,
Балиқдан қушгача қоронғуликда.
Шомга ботиб борар қон ича-ича,
Минорлар, чинорлар жим Қайғуликда.

Дунёнинг қошида ёришар олам,
Дунёнинг бошига ёғар маломат.
Бунда шодон шодлик ва аччиқ алам,
Бир осмон остида нур ва зулумот.

Қоронғу қиш ичра ловияллар Оташ,
Қоп-қора совуқда оқ, оппоқ бодом.
Бир қўлда қаҳҳор Тун, бир қўлда қуёш...
Сўнгсиз қайғу аро гуллайди одам...

Оташин қуёшсан... ишқсан Ёруғлик...

... Умринг елдек ўтаро.

А. Яссавий

У балки мендурман, балки сандурсан.

Залолат заҳмида йўли тумонат,
Зулумот зулмида жони омонат,
Ва хазон ҳолига қанча маломат...
У балки мендурман, балки сандурсан.

Абад бўронида учар хазон Хас...

Ё ХИЗР БОБОЖОН...

Кўзлари густоҳу ўзлари гумроҳ,
Бузлари алдоғу сўзлари гуноҳ,
Ва яна Оллоҳдан сўрарлар паноҳ...
Ё Хизр бобожон, недан нишон бу?!

Бу қандай тилло деб, Гулни юларлар,
Ёввойи айиқдай болни таларлар,
Юракни тигларлар, Дилни тиларлар...
Ё Хизр бобожон, недан нишон бу?!

Юраги тошларнинг ошиғи олчи,
Ифлосга ихлосдан сўйлайди синчи,
Куйган кўнгилларнинг кўксида ўчи...
Ё Хизр бобожон, недан нишон бу?!

Софлар сўкилдилар, тубанлар мамнун,
Боғлар букилдилар, тўфонлар мамнун,
Тоғлар тўкилдилар туманлар мамнун...
Ё Хизр бобожон, недан нишон бу?!

Осмон ойдан мастдир, хазон майдан маст,
Кўпакдай кўпайди гулни узган даст,
Кўзимга қум сочиб, кия айлади қасд...
Ё Хизр бобожон, недан нишон бу?!

Хоксорни озорлар боради ютиб,
Ҳаётнинг яраси кетмагай битиб,
Елиб-елиб келдик, қасрга етиб?
Ё Хизр бобожон, недан нишон бу?!

Тўймас қузғунларнинг нафси бир мордир,
Кўзи оч, кўксида тилло тумордир,
Гиёҳдан қуёшга қадар бемордир...
Ё Хизр бобожон, недан нишон бу?!

Ай, ҳайратли Ҳаёт абад қайсарсан,
Обод-обод этиб, нобуд айларсан.
Ай, руҳ, жонни бериб озод бўйларсан...
Ё Хизр бобожон, недан нишон бу?!

АЙ, ДЕВОНА...

Ай, девона, сени кўнглим-ла қучай,
Менга сендан ўзга нурли дўст йўқдир.
Жаҳон ғавғосини кўрдим кўп бежой,
Нафси наҳанг кўпдир, дардли сас йўқдир.

Мен ҳам девонаман... ошиқман-ошиқ,
Бир қайгу кўйида кечмишим кечар.
Мени жодуламиш оташин қўшиқ,
Қўшиқ-ки кўзимнинг ёшени ичар.

Карбало даштида сарсон адашдим,
Севги саҳросида қолдим саргардон.
Сароб саросида сарғайди шапгим,
Ҳайқирар юрагим-шербалогардон.

Мен гамдап яралган нолаи найман...
Девона, сен сари кетиб бораман.
Девона, билмайман, мангу билмайман,
Пок қалбингга қачон етиб бораман.

Ай, девона, сени кўнглим-ла қучай,
Менга сендан ўзга содиқ дўст йўқдир...

МАРҲУМ ДЎСТИМ НОРБОЙГА...

Икки бургут парвоз айлар басма-бас,
Ногоҳ юлдуз сўнди... қотдим шул нафас,
Қабристон томондан келар оғир сас...
Учай-учай, дейман... руҳим қанотсиз...

Файзиёб фасллар баҳори сенсиз,
«Ў, қандай дўст эдик?» – мозоринг тилсиз,
Дилнимда сукунат озори, эссиз...
Кўнглим ожиз-ожиз... руҳим имдодсиз.

Вужудим дайдиған елкансиз кема,
Марҳумлик-маҳрумлик... тириклик-таъма,
Жон-жонидан ўтган ҳар лаҳза-таъна...
Қаддим тутай дейман, руҳим-қувватсиз...

Бошингда сукутмен... дунёим оташ,
Оташ бўлиб ёнар дардимдаги Дош...
Ё раб, номинг энди қабринг узра тош...
Мозоринг қучаман... руҳим идроксиз...

УМИДИМ

Сен кетсанг, кетгайман тили забондин,
Сен кетсанг, кетгайман руҳи равондин,
Ў, ўтлуғ Умидим, Юрагимга қайт...
Сен кетсанг, кетгайман рўйи жаҳондин!..

**ҚОРОНҒУ ҰРМОНДА
ҲЕЧ НЕ КҮРИНМАС...**

Фалак дилхун-дилхун... юрак йиғлар хун,
Қайғуларда қолмиш бу дунёи дун,
Тонг отди-ю, вале, ҳамон кезар тун...
Қоронғу ўрмонда ҳеч не кўринмас.

Суви йўқ дарёда қайиқ қалқама?!
Сулувсиз дунёда ҳақиқ балқама?!
Бийрон-бийрон ҳаққуш алдаб, алқама...
Қоронғу ўрмонда ҳеч не кўринмас.

Дарахтларим шайтон-жинга чалинмиш,
Фараҳларим фитна-кинга ялинмиш,
Юрақларим қаро кунга таланмиш...
Қоронғу ўрмонда ҳеч не кўринмас.

Ишқлар кўз ёш ичар, сайрон эрур жим,
Қушлар тошдай учар, осмон эрур жим,
Тошлар қушдай учар, найсон эрур жим...
Қоронғу ўрмонда ҳеч не кўринмас...

**ЛОЙ ТАНИМ ХАЗОНУ...
ОЙ КЎНГЛИМ ОСМОН...**

Оташ-оташ қуёш тунларда вайрон,
Лой вужудям – хазон, ой кўнглим – осмон.
Хокда-ю... кўкка бўй таратар райҳон...
Тупроқ-сукунатда бунчалар сайрон?!

Самода саболар мисоли оқдим,
Кузларда ғарқ бўлдим кўзда ёшима.
Жоним ширин дамлар ўлимдан қўрқдим,
Чумолилар чиқиб олди бошима.

Қайғу қайғулаанар ғам ича-ича,
Тўрт минг фасл жимжит қақшайман.
Тўрт минг фасл ичра мунгли мусича...
Мен ҳам ғамгин қушман, сенга ўхшайман.

Қуёш йиғлар икки дунё кўзича,
Бақо саҳросида фано ўкинчи.
Саной саждаим сим-сим мусиқа,
Ҳаёт абадийдир, ҳаёт ўткинчи...

Оташ-оташ қуёш тунларда вайрон...

ҚУЮНДА АТИРГУЛ УЧАР МИСЛИ ХАС...

Қуюнда атиргул учар мисли хас,
Бўзлаган кўзлари чангларга тўлар.
Қуюнда қайғулар зврилади маст,
Шодликнинг гуллари ғамларда сўлар.

Оқ осмон қайдадир, замин қайдадир,
Оққушлар кетмоқда қайларга учиб.
Бул нидо найдадир, адо найдадир,
Баҳорларинг борар «ёҳу»лар ичиб...

Атиргул, кўксингга тикон санчилган,
Қалбларинг қип-қизил қонларга қориг.
Кўзинингнинг ёшлари тунга сочилган,
Юддузларинг синиқ, равларинг сориг.

Тўлин ой хас эрур... хас эрур булут...
Қуюн қайга элтар сеии билмайман.
Карахт руҳим аро синграйди сукут,
Мен ҳамон ўзимга келя олмайман.

Қуюнда... атиргул учар мисли хас...

ҚАЙҒУЛИ КУН

Қорая бошлайди қуёшнинг юзи,
Юракнинг дошида зили зулумот.
Юмилиб боради дунёнинг кўзи,
Фалакнинг бошида тоши маломат.

Қоронғулик ичра қақшаб яшайман,
Қоронғулик ичра Тун даҳшатлари.
Афсуслар бўзлайди, йиғлар пушаймон,
Очунни парчинлар хун ваҳшатлари...

Қорая бошлайди қуёшнинг юзи...

ОЛМА ВА... ОҲУ

Дарахтга чирмашар солланган илон,
Олманинг қошида заҳарли сеҳр...
Қояда бир оҳу кўзлари нолон,
Қувиб келаётир қоп-қора қаҳр...

Товланиб-товланиб тамшанди илон,
Қип-қизил олмага тиллари етди...
Оҳу энди – ёҳу, ҳаёт беомон,
Оҳу кўнглидаги тўлин ой ботди...

Олмани эврилиб гишлайди илон,
Олманинг кўзлари ёшга тўлмишдир...
Оҳу қулаб борар тубсиз жар томон,
Оҳунинг кўксини тошлар тилмишдир...

Олмани ютоқиб ютадир илон,
Ва шоҳга ўралиб бошин кўтарар...
Қонларга қорилиб оҳу берди жон...
Дунё ўйга чўмиб, жим қараб турар...

Дунё ўйга чўмиб, жим қараб турар...

ТЎРТЛИКЛАР

Умрнинг ўткинчи эканин сўзлаб,
Қабристонда ётар не-не кабирлар.
Лаблари онасин кўксини излаб,
Бунда мангу йиғлар митти қабрлар...

Мен сокин дарёман, кимдир беомон,
Тош отди, дарз пайдо бўлди кўнглимда.
Жим, мағрур оқаман денгизга томон,
Қанча тошлар чўкиб ётар дилимда.

ҲИММАТИНГ ҚАЙДАДИР, ҲИКМАТЛИ ҲАЁТ

Юлдузни осмоний айладинг, ул шод,
Мени хок айладинг, айлайман фарёд,
Кўзим юлдузлари тўкилур, ҳайҳот...
Ҳимматинг қайдадир, ҳикматли ҳаёт?!

Сасману, хасману тун кечинда мен,
Тоғману, хокману хун ичинда мен,
Ҳар кун минг ўлимнинг ўч-ўчинда мен...
Ҳимматинг қайдадир, ҳикматли ҳаёт?!

Жон фано даштида «Ҳайт» деб борадур,
Келган эди, нечун... қайтиб борадур,
Дардли-дардли айтим айтиб борадир...
Ҳимматинг қайдадир, ҳикматли ҳаёт?!

Даврон суриб оққан дунё ҳам одам,
Сувсиз қуриб ётган дарё ҳам одам,
Хок бўб, ғариб ётган адо ҳам одам...
Ҳимматинг қайдадир, ҳикматли ҳаёт?!

ҚУЁШ БОТДИ ЙИҒЛАБ...

Қуёш ботди йиғлаб... мунғайди осмон,
Дунёлар қорайди қайғуда оғир.
Чавандоз йиқилар ногоҳ, беомон,
Чавандоз шом ичра ётар қонбағир.

Чил-чил синиб тушди Юрак-тўлин ой,
Рухимда чқисрлар ой синиқлари.
Кўкдан келиб хокка топталди чирой,
Кўзимда юлдузнинг жим ёниқлари.

Дилларим тилинган, тилим кесилган,
Аччиқ кечмишимни кечиб бораман.
Фараҳ қадаҳларга заҳар сузилган,
Саробни шаробдай ичиб бораман.

Куним Тун ичрадир, ичимда чақин,
Бўғзимга қадалган ўтли гулдурак...
Қуёш куйиб-куйиб ботмоқда сокин,
Очиқ кўзларимда қотмоқда фалак...

Қуёш ботди йиғлаб... мунғайди осмон.

ТОШДА ЭНДИ ГУЛДАЙ ОЧИЛАМАН МЕН...

На илдизи бордир ва на япроги,
На юлдузи бордир ва на титроғи,
Илло, у дарахтдир... наҳот, дарахт у?!
Илло, у дарахтдир... шаксиз карахт у...

Карахт дарахтларга нечун бош эгдим,
Бу қандай кун бўлди кургулигимда.
Не учун Оримни қиморга тикдим,
Бу ғам ҳам бормиди Қайгулигимда.

Бағрима ёғилар қоронғу дунё,
Сийнамни силайди сасланган арвоҳ.
Сеҳру синоатми... жодуми ва ё...
Тун мени қучади... ўпади... эвоҳ.

Суйди мени кузнинг пойидаги хас,
Саробий шаробда суйди тирамоҳ.
Чархнинг чўғ куйида куяман абас,
Хокману бошимда тоғдайин гуноҳ.

Қаро булутларда зулумот тотдим,
Чақмоқ ўтларида сочиламан мен.
Йиғладим... ёғилдим... кўз ёшдай қотдим,
Тошда энди гулдай очиламан мен...

ТОЙИР ПОЛВОН ҚАНИ, БОБОТОҒ

Алпомишдай полвон эди у,
Полвонликда жавлон эди у,
Жавлонликда жаҳон эди у,
Тойир полвон қани, Боботоғ?!

Шум хабарнинг тили ёнғайди...
Алпдан айро эли мунғайди,
Сурхон боғнинг гули сарғайди,
Тойир полвон қани, Боботоғ?!

Ота бўзлар: Нор қайда қолди?
Она излар: Ор қайда қолди?
Зор-зор кўзлар... ёр қайда қолди?
Тойир полвон қани, Боботоғ?

Кураш оташ-оташ олган дам,
Чиқиб келди майдонга мотам,
Кенг даврани жим айланди Ғам...
Тойир полвон қани, Боботоғ?

Тоғ кўтарган ул шон кетмишдир,
Қоя қулаб... ниҳол кетмишдир,
Жаҳондан бир жаҳон кетмишдир...
Тойир полвон қани, Боботоғ?

Путраб-путраб майдон йиғлагай,
Титраб-титраб осмон йиғлагай,
Сўтраб-сўтраб Сурхон йиғлагай,
Тойир полвон қани, Боботоғ?

Жим-жим, сим-сим сукут борадир,
Елкаларда тобут борадир,
Наҳот, наҳот нобуд борадир?!
Тойир полвон қани, Боботоғ?

СҮНГСИЗ ҰЙ КҮЙИДА РАНГ-РҰЙИМ СОМОН...

Дарахтлар қоронғу тунда шовуллар,
Булут зулматида йиғлайди осмон.
Аждардай тўлғонар тўфон-довуллар...
Сўнгсиз ўй кўйида ранг-рўйим сомон.

Даҳшатлар тўқнашар... Чақнайди чақин...
Нафс-нафасим ютмоқ бўлар беомон.
Ўлимлар Дилимга шом каби яқин...
Сўнгсиз ўй кўйида ранг-рўйим сомон.

Дўстларим безовта иймондай бедор,
Қаро қарғалардай қағиллар Гумон.
Найсонда хазондай сингранар дийдор...
Сўнгсиз ўй кўйида ранг-рўйим сомон.

Гулим, гулдай кучгил, зилдай кўнглимни,
Тутдай тўкилмасин бу руҳи равон.
Шайтон олиб кетмиш Сомон йўлимни...
Сўнгсиз ўй кўйида ранг-рўйим сомон.

НАЙЛАЙ

Сирли насим бўлдим, сен сари елдим,
Сени олиб кетди ғойибга тақдир.
Кўнглимга... жим мезон сингари келдим,
Кўнглимда... куз каби тушаман садр.

Вайрона дайронда кўз ёшларим май,
Мангу... дил оловим сўндиролмайман.
Оллоҳим, Оллоҳим, ўзинг айт, найлай,
Тақдирга Кўнглимни кўндиролмайман.

ЯЛДО ТУНИ

Мен ялдо тунда қолдим дарбадар...
Қуёшни ютдими абадий кеча?!
Наҳотки, боргайман маҳшарга қадар,
Ғусса косасида Тун ича-ича...

ЎЙЛАЙМАН УЗОҚ

Қаро тун қаҳрига олди беомон,
Ногаҳон нур пайдо бўлди-ярқироқ.
Нурнинг навосида мен қолдим омон...
Бу қандай ҳидоят? Ўйлайман узоқ.

Сел келди қутуриб... тобояим тойиб,
Йиқилиб чопаман... Қайгадир йироқ.
Нур пайдо бўлару... сел кетар ғойиб...
Бу қандай иноят? Ўйлайман узоқ.

Бир ғорат ғорига жоним тортади,
Қаро қоронғуда изғиган арвоҳ.
Ўшал нур келару қафтда туттади...
Бу қандай синоат? Ўйлайман узоқ.

Тун аро хун эрдим... Нур келди гўзал,
Руҳи равонимдан тўкилди гуноҳ...
Хокдирман... хордирман азалу азал,
Сенга мангу зорман... ай, нури Оллоҳ...

БОЗИНГАР ОЧУН

Жоду-жоду куй бу... афсуни сўнгсиз...
Ҳар гадо ўйнайди, ҳар даҳо ўйнар.
Ғулу-ғулу ўй бу... афсуси сўнгсиз...
Ибтидо ўйнайди, интиҳо ўйнар.

Икки сим сеҳрида эврилар дунё,
Ул баҳо кўйида, бул фано ўйнар...
Бу қандай сяр оё, йиғлайди ҳасё,
Ҳам зино ўйнаюр, ҳам сано ўйнаюр.

Товус либосида нозланар тулки,
Раққоса қиз каби айланар қуюн.
Тонгларнинг ҳолидир шоиларга кулги,
Туғилмак ўйиндир, ўлмақдир ўйин...

Юрак-фалак ичра ҳалок эзур чун,
Ваҳ, ҳазон тўкилур, осмон тўкилур.
Сирли жилмаяди бозингар очун.
Қоришиб яхши-ю ёмон тўкилур.

Жоду-жоду куй бу... афсуни сўнгсиз...

**Ё ОЛЛОҲ, КҮНГЛИМНИНГ
КЎЗИНИ ОЧГИЛ...**

Абсалом акага

Макканинг хокида кўрсатайин бўй,
Сабосида бўлай сафои хушбўй,
Руҳимни нур айлаб, сахога сочгил,
Ё Оллоҳ, кўнглимнинг кўзини очгил!

Эркалайди, найлай, кўр қоронгулик,
Умрим слдай кечар, бу не кўргулик?!
Қисмат қуюнида чинни Дил чил-чил,
Ё Оллоҳ, кўнглимнинг кўзини очгил!

Қаси ибтидо-ю, қаси интиҳо??
Қайсиси юҳо-ю, қайсиси даҳо?!
Жон, жаҳондин кечгил, ҳақ майин ичгил!
Ё Оллоҳ, кўнглимнинг кўзини очгил!

Ниҳон гуноларда шубҳа ва гумон,
Қарайман, тўрт томон мавдумот-гумон...
Мажруҳ руҳ, пок имон пойини қучгил!
Ё Оллоҳ, кўнглимнинг кўзини очгил!

Ё Оллоҳ, кўнглимнинг кўзини очгил!

ДУНЁ МЕНДАН ЎТГАЙ, ИНОН

Дунё мандан ўтгай, инон...
Мен дунёдан ўтгайдирман.
Лолу сайрон... кетгай, инон,
Мен ҳам ҳайрон кетгайдирман.

Таъзим айлаб илонларга,
Ҳар кун ўлиб... ўтаяпман.
Сигмай бори жаҳонларга
Жимжит келиб-кетаяпман.

Кўкка йиглаб дардлиғ-дардлиғ,
Ерга босдим манглайимни.
Ҳокдан кўклар унди тотлиғ,
Кўтардилар танглайимни.

Менман қорда қолган бодом,
Музлаб борар сўзим сям-сим.
Ясавийдир боқий бобом,
Сасларида сирли насим.

Қайғу майин нҷар Дилим,
На туним, на кувдузим бор.
Қўй, йиғлама, шафақ гулим,
Бари бекор, куйма зинҳор.

Гул очилди... сўдди беҳол...
Тонгни шомга кўндирурлар.
Азал-азал, алҳол-алҳол,
Ёндирурлар... сўндирурлар...

Дунё мандан ўтгай, инон,
Мен дунёдан ўтгайдирман.
Лолу сайрон... кетгай, инон,
Мен ҳам ҳайрон кетгайдирман.

ҚАДИМИЙ ҚҰШИҚ

Атиргул рангида анорнинг гули,
Гиеҳнинг баргидай илоннинг тили,
Бошимда айланар аждаҳо йили...
Бу қандай қўшиқдир, сўйла, девона?

Қаро ғордан чиқиб келди юҳолар,
Дунёнинг додида ёнди видолар,
Дарёнинг тубина чўкди нидолар...
Бу қандай қўшиқдир, сўйла, девона?

Сабухий бўйдан олам жаннатдир,
Тонглар паризоддир, шомлар жаллоддир,
Шом қуёшни қучар, бу не ҳаётдир?!
Бу қандай қўшиқдир, сўйла, девона?

Чинорлар осмонни ушлаб турибди,
Қизғалдоқ кўзини ёшлаб турибди,
Ер тишида гулни тишлаб турибди...
Бу қандай қўшиқдир, сўйла девона?

ТҶРТЛИКЛАР

Гоҳида қуш каби сайроғдир Кўнглим,
Самода қуёшга қароғдир Кўнглим,
Гоҳида сарғайган япроғдир Кўнглим,
Гоҳида мунғайган тупроғдир Кўнглим.

Жон истаб жаҳондан мен жон топмадим,
Шон истаб, шоҳ ондан мен шон топмадим,
Бир қўлимда қуёш, бир қўлимда ой,
Мен излаб ўзимдан нишон топмадим.

СОҒИНАР ОНАМ

Хаёлим булбулигўелар билан,
Еламан далли ел дунёлар билан,
Мен тошиб бораман дарелар билан,
Уйда мени сим-сим соғинар онам.

Сирли-сирли имлар соҳир ҳилоллар,
Нозли-нозли ўйнар соҳибжамоллар,
Мени олиб кетар суйиб шамоллар,
Уйда мени сим-сим соғинар онам.

Девона дарвешдай кетиб бораман,
Дардларим кўз ёшдай ютиб бораман,
Шомларга оташдай ботиб бораман,
Уйда мени сим-сим соғинар онам.

Майин-майин бўлиб эсади насим,
Кўксимда симиллаб синар овозим,
Саргаштаи сарсон кезинар сасим,
Уйда мени сим-сим соғинар онам.

Тоғларнинг баҳрида сойдаи еламан,
Тошдайин бағримни найдай тиламан,
Қайларга кетдим мен, қайдан келаман,
Уйда мени сим-сим соғинар онам.

Қуш ҳам ошёнига боргайдир қайтиб,
Мен эса осмонда юрибман дайдиб,
Қуёшдан сўргайдир «қачон келгай» деб,
Уйда мени сим-сим соғинар онам.

РУҲИМНИНГ ЧЎҒИНИ ҒАЖИР ҚОРА ТУН...

Илон оппоқ сутни ҳўплайди нечун?
Қоронгулик Нурни ҳўплайди нечун?
Қуёшни зулумот қоплайди нечун?
Руҳимнинг чўғини ғажир қора тун...

Юлдузлар тунларга отилган тошми?
Юрагим фалақдан қулаган қушми?
Бу алаҳсирашми, ё ёмон тушми?
Руҳимнинг чўғини ғажир қора тун...

Ҳаёттул кўксига тиконлар санчиғ,
Йўлим гулми ва ё бозиллаган чўғ,
Ҳар йилки Дилимни тилган битта тиг,
Руҳимнинг чўғини ғажир қора тун...

Нечун мунгли-мунгли сасланар оят,
Мен адашдимму ё адашди ҳаёт,
Тўрт томон оломон, сел каби ҳайҳот?
Руҳимнинг чўғини ғажир қора тун...

Қорда қолган Дилман, дирдирайман мен,
Унган бойчечакман – довдирайман мен,
Баҳор тўзонда жовдирайман мен,
Руҳимнинг чўғини ғажир қора тун...

МЕН СИМ-СИМ САСДИРМАН...

Ҳарир ҳаволарда оппоқ қушдирсан,
Нилий наволарда ширин тушдирсан,
Сарин саболарда сан сархушдирсан...
Мен сим-сим сасдирман, хокда хасдирман.

Қаро қошларингга қайтдим санобар,
Қаро кўзларингга айтдим санолар,
Қаро қорларингга қолдим саросар...
Мен сим-сим сасдирман, хокда хасдирман.

Сен ерда яралиб, кўкка ноилсан,
Сен ойсан, юлдузли кўшкка ноилсан,
Сен нурсан, илоҳий ишққа ноилсан...
Мен сим-сим сасдирман, хокда хасдирман.

Тайрлар дайрингдан шабоб ичдилар,
Ғайрлар сайрингда шароб ичдилар,
Сайроним ғайрингда сароб ичдилар,
Мен сим-сим сасдирман, хокда хасдирман.

Елдайин еларман: тўрт томон қибла,
Юлдузларни бўйла, имоси ҳийла,
Осмонда ой тилла, юзида ҳулла...
Мен сим-сим сасдирман, хокда хасдирман.



ҲАЁТДИР – БУ...

Бўстон аро шўх-шўх қушлар сайрон-сайрон...
Ногоҳ ўлди нилгун нўшлар вайрон-вайрон,
Фалак боққай ўз ҳолига ҳайрон-ҳайрон...
Бунёддир – бу... барбоддир – бу... ҳаётдир – бу...

Шаффоф шонинг тошга уриб снндирмишлар,
Оташ-оташ қуёшингни сўндирмишлар,
Сен шоҳ эдинг, шўр қулликка кўндирмишлар...
Бунёддир – бу... барбоддир – бу... ҳаётдир – бу...

Оллоҳдандир не оятдур, ҳидоятдур,
Дил боғида гул кўкарса-иноятдур,
Тикон унса зиён захми бағоятдур...
Бунёддир – бу... барбоддир – бу... ҳаётдир – бу...

Шўхингдамен, шомингдамен... ўзингдамен,
Сўзингдамен, юзингдамен, кўзингдамен,
Асрор бўлдим гоҳ баҳор, гоҳ кўзингда мен...
Бунёддир – бу... барбоддир – бу... ҳаётдир – бу...

БЎРОН ЎКИРАДИ...

Сўз учар дарахтнинг сўзонларида:
«Мен нечун фасллар раъйига эрмак?
Қарбало даштининг тўзонларида,
Мен ёлғиз дарахтман... раҳм айла, фалак».

Бўрон ўкиради... ёлғиз дарахтни,
Олгудай томири билан қўпориб,
Иддизлаб... юлдузлаб... гуллаган Тахтни
Тўфонда кўраман... ночор ва ғариб...

Бўзлаган кўзлари тўлади ғамга,
Мағлубда мағзубдир мағрур жуссаси.
Шовуллаган шохлар ботади шомга,
Тўзгин баргларида эзгин гуссаси...

Бўрон ўкиради...

ДУСТ КЕТИБ БОРАР...

Ногаҳон музлади гуллар бодроғи,
Узилди кўнгилнинг гўзал япроғи,
Самони сарғайтди шомнинг титроғи...
Маҳзун ҳаволарим сас ютиб борар,
Япроқдай узилиб... дўст кетиб борар.

Тоғлар қўзғалдилар боқий жойидан,
Булоқлар айролар тушди сойидан,
Осмонлар айрилди тўлин ойидан...
Маҳзун ҳаволарим сас ютиб борар,
Қисмат шўр ёзилиб... дўст кетиб борар.

Дунё уйқусидан сакраб тургайдир,
Чақмоқлар қарёна сачраб тарқайдир,
Кўнгилнинг кўзидан ёш тирқирайдир,
Маҳзун ҳаволарим сас ютиб борар,
Кўз ёшдай сизилиб... дўст кетиб борар.

Жилмайиб қўяди шайтон-шайтанат,
Туманларда қолди юрак-салтанат,
Бир ёнда зулумот, бир ён сукунат...
Маҳзун ҳаволарим сас ютиб борар,
Эзилиб-эзилиб... дўст кетиб борар.

На Дил бор, на ишқ бор... хушларим беҳуш,
Алаҳсиб-алаҳсиб кўраяпман туш,
Не учун осмондан қулаяпсан, куш?!
Маҳзун ҳаволарим сас ютиб борар,
Жон томри кесилиб... дўст кетиб борар.

ТЎРТЛИК

Руҳ олдида надир камалак очун?!
Энг тотли толе ҳам топгай ниҳоя...
Умр қандай ўтди? Жавоби учун –
Кўздаги энг сўнгги бир он кифоя.

СИР

Осмонман... кечиринг хокман, тупроқман,
Менман тошни ёриб чиққан ҳур гиёҳ.
Дарахт илдизиман... йўқ-йўқ, япроқман,
Туннинг юлдузиман – дунём сим-сиёҳ...

Не сир бу, қонталош шомнинг бағрига,
Девона қусишдай кулиб ботаман.
Олам-оламларнинг сўнгсиз қаърига,
Сингиб кетиб... яна тонгдай отаман.

Етти қават ернинг остида уйим,
Вале, ўлим менга мангу бегона.
Абадий Куй ичра бўйлайди ўйим,
Фони-ю боқийлик менга бегона.

Хайҳотдай еламан ҳаётни ичиб,
Қайғуда қулдирман, шодликдаман – шоҳ.
Руҳим сомон йўлда боради учиб...
Жоним, жаҳонимдан эмасдир огоҳ...

Осмонман... кечиринг, хокман, тупроқман...

АФСУС

Хиёнатга жонни берарлар,
Эркалашар қўрқиб шайтонни...
Ҳақ қошига қандай берарлар,
Кўтариб бу зилдай ёлғонни.

«Бунча ширин бўлмаса бу май?!» ...
Ичадилар тун-у кун тўйиб.
Туман тарқар... фиғон айлар най,
Дарахт йиғлар оловда куйиб.

Ёлғон дунё бир хас мисоли
Ёниб кетди... кули тўзғийди.
Изиллайди кузнинг шамоли,
Қора шарпа тунда изғийди.

БУ НЕЧУК ОСМОНДУР...

Бу нечук Осмондур, бу нечук булут?!
Гоҳо гул ёғилар, гоҳ тош ёғилур.
Бу қандай синоат, бу қандай сукут?
Гоҳо нур ёғилур, гоҳ ёш ёғилур.

Не додлар ободдир, не шодлар нобуд,
Гоҳо зар ёғилур, гоҳ Зор ёғилур,
Фалакда қузғунлар, фалакда ҳудҳуд,
Гоҳо зор ёғилур, гоҳ сор ёғилур.

Фарёди қора дуд, бўстони барқут,
Гоҳо барқ ёғилур, гоҳ зард ёғилур.
Йиғлар най, инграр уд, юлдузлар ёқут,
Гоҳо бахт ёғилур, гоҳ дард ёғилур.

Чўғ – руҳнинг равони маълулу масъуд,
Дил чок-чок ёғилур, пок-пок ёғилур.
Билмасман, Азалдин не зрур мақсуд,
Қўзга тоғ ёғилур, сўнг хок ёғилур.

Бу нечук Осмондур, бу нечук булут?!...

ҲАЁТ ВА ЎЛИМ

Оч илигим ғажиб ёйди Тўқ илик,
Сўнгакларим ёниб... чиқар ҳовурлар.
Шовуллайди борлиқ, увиллар йўқлик,
Мени янчиб ўтар динозаврлар.

Қабристон кўксида ўйилган қабр,
Бу ён шаҳодату, у ён мавҳумот.
Яраланган йўлбарс тушади садр,
Ҳўмрайиб қарайди ҳаёт маломат.

Бу азал дунёдир: юраклари санг,
Тушунмоқ даркордир фақат ва фақат.
Ўлимларга бериб қўймайин десанг,
Мени маҳкам қучгил муқаддас ҳаёт!

ШАҲРИ ХАЗОНМИСАН...

Кўксингдаги сахо ботди. Сен жимсан,
Зухрони тун-юҳо ютди. Сен жимсан,
Осмонингни қаро тутди. Сен жимсан.
Шаҳри хазонмисан... хароб шонмисан?!

Девлар олиб кетди сулув дамларни,
Жим сабринг симирар лим аламларни,
Тун босди сийнангга сим-сим ғамларни,
Шаҳри хазонмисан... хароб шонмисан?!

Сукут сўнгсиз фарёд, Тош сўзсиз баёт,
Сени сийламади солланган ҳаёт,
На хокда мадад бор, на кўкда имдод...
Шаҳри хазонмисан... хароб шонмисан?!

Аввал наврўз-наврўз қошингга келдим,
Сўнг бўлиб ҳазин куз, бошингга келдим,
Бугун жим бўзлаб кўз ёшингга келдим...
Шаҳри хазонмисан... хароб шонмисан?!

ҚАЙДАСАН, КЎНГЛИМ

Қайдасан, дили чўғ, тили йўқ кўнглим,
Йўлларда еллардай бўлмишам адо.
Қоришиб кетмишдир ҳаёт ва ўлим,
Қирқ йилдирки, сендан келмайди садо.

Анорнинг гуллари шафақранг қондай,
Кўз ёшман, тошларни ўйиб бораман.
Қирқ йилки, азобда озурда жондай,
Кўнглимнинг кўйида куйиб бораман...

Қайдасан, дили чўғ, тили йўқ, Кўнглим?!

ДЎСТ

Н.Хўжамқуловга

Қайғу, жаҳонимни комингга ютдинг,
Ногоҳ аждаҳога айландинг, очун.
Бойчечакдай жоним оловга отдинг,
Гавҳардай руҳимни этдинг чилпарчин.

Ў, мени қийнайди сўнгсиз-сўнгсиз ўй,
Наҳотки, келмишдир қисмат қойим.
Қайдадир инграйди оғир-оғир куй,
Эҳтимол, шулмикан менинг адоим?!

Дўстим кириб келди, жилмайиб шу пайт,
Ҳайҳот! Қуёш чиқди, тарқади булут.
Ҳавода учамиз қушдай ҳайё-ҳайт,
Осмонлар ҳарирдир, бўстонлар барқут...

УМИДИМНИНГ ЖИМ КЎНГЛИДА СИМ-СИМ ГУЛ

Тилло уйда товланади зар ёлғон,
Зар устида тўлғонади чарх илон,
Кўзларимнинг бўзларида зор-нолон...
Умидимнинг жим кўнглида сим-сим гул.

Армонзорда алам айлар азоб нўш,
Ваҳимларнинг захмлари заҳр ниш,
Қайлардандир келар мунгли сас хониш...
Умидимнинг жим кўнглида сим-сим гул.

Тўлин ойнинг қароғида кўз ёшлар,
Бойчечакнинг титроғида кўз ёшлар,
Тонг гулининг япроғида кўз ёшлар...
Умидимнинг жим кўнглида сим-сим гул.

Султон эдим, мен қул бўлиб букилдим,
Осмон эдим, сил-сил бўлиб тўкилдим,
Юлдуз эдим, чил-чил бўлиб сўтилдим,
Умидимнинг жим кўнглида сим-сим гул.

САРГАРДОНЛИК

Жонга муздай оқ қорлар ботди,
Мени куздай баҳорлар ютди.
Мудом алдар ҳаёт югурик,
Нима топдим елиб-югуриб?!
Қузгун қушлар елар сарсари,
Учиб келар тошлар сингари...
Тонглардадир сабуҳий шамол,
Шомлардадир абадий завол.
Қуш кўзича найсон сўрайман,
Ой юзича осмон сўрайман.
Узлатларда ширин оғулар...
Бўзлатади сирли қайгулар.
Камалакдай дунёлар ёлғон,
Гул малакдай рўёлар ёлғон.
Илон каби аврайдди гўё,
Сароб каби алдайди дунё.
Селлар каби шарқирайман маст,
Еллар каби ярқирайман маст.
Уйғонаман илоҳий сўздан,
Кўкрагимни кўтариб муздан.
Яна ёлғиз қоламан... хунда...
Оғир ўйга толаман тунда,
Фалакларга айланар Ҳаёт,
Юракларда найланар Ҳаёт.
Тирикликнинг тиргаги қайда?
Мангуликнинг йўрғаги қайда?
Қошимга жим келади Нобуд,
Бошимда жим елади тобут!
Шабнам йиғлар мангу мўлтираб,
Дайди еллар елар тентираб.
Қуюн гўё қора гулдаста,
Қайгу қизи абадий хаста.
Ёлғизликда куйдим зор каби,
Ёлғизликни суйдим ёр каби.
Додларимнинг дўсти, ёлғизлик,
Дардларимда ўсди ёлғизлик.
Ҳаёл ила бўйлайдирман гоҳ,

Бегуноҳлик гўёки гуноҳ.
Хок остидан осмон изладим,
Хазон ичра имон изладим...
Мен ўзимча бир гардондурман,
Гардонимда саргардондурман.

ГОҲИДА...

Нокас отар бошима қаро-қаро тошини,
Қуёш бобо силайди бу ўксиган бошимни,
Яширгайман дошима кўзларимни янги ёшини,
Гоҳида осмондирман, гоҳида хазондирман.

Қоплайди қаро булут... гўё дунё қоронғу,
Шаробим қайғу-қайғу, гулобим оғу-оғу...
Ногоҳ ой сочар ёғду, ойми у ва ё оғу...
Гоҳида осмондирман, гоҳида хазондирман.

Бойчечагим, чечагим, кўтарай сени бошга,
Чўғ ҳаётда йўқ эрур илинжим сендан бошқа,
Лойдан пайдо жонимни ошён айладинг Ишққа,
Гоҳида осмондирман, гоҳида хазондирман.

Ҳар тонгда офтоб ила тотгайман суюнч севинч,
Оташин қуёш ила ботгайман мен ҳам ҳар кеч,
Бир юзимда гул ўпич, бир юзимда зил ўкинч,
Гоҳида осмондирман, гоҳида хазондирман.

Ойюздан гул пардани олмагай келинчак-сир,
Бул ойни суйсанг арзир, бул ой деб куйсанг арзир,
Хокману вале, шоҳман... аслида мен бир асир...
Гоҳида осмондирман, гоҳида хазондирман.

ҚАЙТИШ

Шом ютиб... жим ботиб боради қуёш...
Ё Оллоҳ? Офтобнинг аҳволи ёмон.
Сўзону бўзимда базиллар оташ,
Қисматим қийнайди мени беомон.

Хунли-хунли кунлар қаддимни эгди,
Аждаҳолар еди мени ўчида.
Рудимни узатсам юлдузга тегди,
Оёғим узатсам... қабр ичида.

Гул бўлиб ундим мен қабристонда жим,
Қоп-қора қабодай счилди мазор.
Сўзимда сабодай сайради насим,
Ўзимга аёндир асрори гулзор.

Хушбўйлар сочаман... елни қучаман...
Дилимни очаман булбулгуёга.
Хуш куйдай учаман... ойни ичаман...
Ҳайҳот! Нурдай келдим яна Дунёга...

Шом ютиб... жим ботиб боради қуёш...

ҚОРА КУН...

Онамга қайғудан либос тиктирдинг,
Отам жим ёнади дўзах-далада.
Синглим Юрагига Афсус эктирдинг,
Мен абгор ётибман Армон қалъада.

Ай, дунё борасан гулоблар ичиб,
Фарёд, фиғонларинг елдириб менга.
Кетгим келаяпти баридан кечиб,
Ҳаёт, ҳайронларим қолдириб сенга...

О, СИЗ ШИФО ХАЙЛИ...

О, сиз шифо хайли, кетинг бошимдан,
Бемор эканлигим унутаи бир пас.
Азоблар, сизмангиз кўзим ёшиндан,
Бу дунёда мен ҳам Яшай бир нафас.

Тўлғонган турмушнинг талхир савдоси,
Рухимни чирмайди кўринмай, бесас.
Ғойиб бўл, қайғунинг қаро юҳоси,
Бу дунёда мен ҳам Яшай бир нафас.

Қанча ит кўз тиккав парча нонимга
Сўнгги йўқ бул олам гўё тор қафас.
Озор эмас, ором беринг жонимга,
Бу дунёда мен ҳам Яшай бир нафас.

Не учун суйганим-нола чеккан най,
Не учун куйганим, абадий абас.
О, ҳаёт, лабима тутгил ширив май,
Бу дунёда мен ҳам Яшай бир нафас.

О, сиз шифо хайли, кетинг бошимдан,
Бемор эканлигим унутаи бир пас...

ПАРИРҮЙ ЁЛҒОН

Юзимиздан ўпар парирўй ёлғон,
Сен ҳам, мен ҳам қиқир-қиқир куламиз.
Ширин узум сувин ичирар шайтон,
Ўзимизни билмай, елдай еламиз.

Бизни сеҳрлаган қандайин жоду,
Чиройли-ю машъум, ширину аччиқ.
Қалбнинг қатларида гуллайди Қайғу,
Кўнгил ўлиб ётар кўзлари очиқ.

Илоннинг тилидан шимираман бол,
Ичимда қарғанинг қаҳқаҳалари.
Гоҳ кўзим тушади руҳимга алҳол,
Синиб кетмиш Жоним қобирғалари...

Юҳодай ямлайди азал жилвагар,
Кўзимизни юмиб яйраймиз ял-ял.
Ажиб сеҳрлайди гўзал жодугар,
Бошимиз айланиб, сайраймиз гул-гул.

Юзимиздан ўпар парирўй Ёлғон...

ТҮРТЛИКЛАР

**Сайру дайронларда ҳайронадурман,
Абру найсонларда сайронадурман.
Чақмоқ ўтдай гўё ўтди бу дунё...
Хасу хазонларда вайронадурман.**

**Пок юрак бор, ниймон зор ўлмас,
Пок гўдак бор, жаҳон хор ўлмас.
Азал олам мангу мукаррам,
Пок ул Ҳақ бор, осмон дор ўлмас.**

**Мен хору харобдин обод истарам,
Саҳрон саробдин новвот истарам.
Бул ажаб ҳолимнинг не эрур фоли
Дунён барбоддин имдод истарам.**

ФОНИЙЛИК

Кўз ёшим мисоли... тўкилади барг,
Юлдузлар юзини босар оқима.
Мунғайган мезоннинг сўзонида Дард,
Хазонрез боғларда кезар ваҳима.

Сайри бўстонларда елади Диллар,
Ойдин осмонларда тўлади гулол.
Кўнглим дўзларида бўзлайди Йиллар,
Бўзим хазонида нола айлар най.

Тўлин-тўлин ойлар ботгай қай томон?!
Шодланыган шоҳликни хокка қоргайман.
Дунё омон-омон... дунё беомон,
Қуёшдайин шошиб шомга боргайман.

Бошимда ҳувиллар зангор осмонлар,
Йўлим кетиб борар сўнгсиз абасдан,
Чўғ бўлиб йиғлайди бедор иймонлар...
Кўнглим ўтиб борар хазону хасдан.

Кўз ёшим мисоли... тўкилади барг...

ҚУЗҒУНЛАР ИЗҒИЙДИ

Қузғунлар изғийди... увлар бўрилар,
Қаро қоронғулик – тўзгиган тобут.
Ваҳшатлар даҳшат-ла тошга урилар,
Норларни зор айлар, хор айлар Нобуд.

Ваҳшийлар ўкирар... кўзларда чақин,
Жон-жоним жимликда инграр мунғайиб.
Бойқушга бой бердим ҳаққушнинг ҳаққин,
Сасландим хасларда рангим сарғайиб.

Йиртқичлар кўнглима кўзини тиккан,
Йиқилсам есалар тортишиб, ғажиб.
Сочилган сўнгақлар санчилар экан...
Синграр жон... саргардон... дунёдан қочиб.

Бўстоним қасдлайди ўч зулумотлар,
Ботинима ботиб дошга айландим.
Оҳ, ютмоқ истайди оч залолатлар...
Кўз ёшга айландим... тошга айландим.

«ЁРИЛТОШ...»

Гўё ҳар шон тоғ каби улкан,
Мен эса сас кўзга кўринмас.
Оппоқ осмон-бепоён елкан...
Мен шамолда учаётган хас.

Мен қайдаман... йўқманми буткул?!
Тополмайман ўзимни-ўзим.
Айблиғда мунғаяр кўнғил...
Ғойибликда ғамланар кўзим.

Оҳу оҳи мунг-мунг қораяр,
Сайди сайёд этилган каби.
Раңги рўйим сомон... сарғаяр,
Дардим ичга ютилган каби.

Ўзимдурман ўзимда ниҳон...
«Ёрилтош»-а... ёрил, ёрил, Тош!
Дил сайрасин қушдай, ногаҳон...
Атиргулдай гулласин Қуш...

ГУЛ АЙТАР: ЙИГЛАМАГИЛ

Жонимни жим йўқладим,
Кўксим сим-сим тигладим,
Кўз ёшим лим-йигладим,
Гул айтар: йигламагил.

Боғ дунё, «оҳ» дунёсан,
Тоғ дунё, чоғ дунёсан,
Чўғ дунё йўқ дунёсан...
Гул айтар: йигламагил.

Гулшанни хор-хас ютди,
Осмонни зор сас тутди,
Ой ботди... ким қасд этди...
Гул айтар: йигламагил.

Абадий айланурсан,
Айланиб ўйланурсан,
Ўйланиб найланурсан...
Гул айтар: йигламагил.

Тан ҳоли танг кўринди,
Кўз юмсам тонг кўринди,
Кўз очсам шом кўринди...
Гул айтар: йигламагил.

Бу дунё бир эртақдур,
Шомгача шўх елмақдур,
Жаҳонга жон эрмақдур...
Гул айтар: йигламагил.

ОСМОН ТҰЛА ОҚҚУШ ЭДИ

*Осмон тўла юлдузлар,
Қани сенинг юлдузинг?*

Ғ. Ғулом

Осмон тўла оққуш эди,
Энди осмон зулумот!
Дунё оташ оғуш эди.
Энди совуқ сукунат.

Чиройли сарв чунон-чунон,
Яқин борсам баланд дор.
Суманбарлар чаман-чаман...
Жим тикилсам – тиканзор.

Гуллар тутдинг алвон-алвон...
Тизай десам бир гул йўқ.
Диллар тутдинг жавлон-жавлон...
Севай десам бир Дил йўқ.

Юлдуз учди. У гўё ўқ...
Ким жон берди, баногоҳ.
Жим йиглайман, юрагим чўғ...
Имдод айла, ё, Оялоҳ!

Осмон тўла оққуш эди,
Энди осмон зулумот...

БИР СИРЛИ САС КЕЛАР...

Майса сабзасида сабуҳий оқар,
Зангори осмонлар абадий оқар,
Билмайман, не фоний, не боқий оқар...
Бир сирли сас келар: «Қайлардаман мен?»

Ё раб! У дунёнинг буй-басти сирли,
Ё раб! Бу дунёнинг жон қасди сирли,
Самолар сирлидир, ер ости сирли...
Бир сирли сас келар: «Қайлардаман мен?»

Қуёш бу фалакка осиф қўнғироқ,
Юракка ҳар недан ўлим яқинроқ,
Зулумот булутда яшин ярқироқ...
Бир сирли сас келар: «Қайлардаман мен?»

Тонг ортди... тупроққа дон бўб сочилди,
Шом пайти ҳар ёққа қон бўб сочилди,
Маъвога юлдуздай жон бўб сочилди...
Бир сирли сас келар: «Қайлардаман мен?»

Учиб бораётган абадий ўқ мен,
Совиб ётган тошмен, оташин чўқмен...
Ҳамма жойда бормен, ҳеч қайда йўқмен...
Бир сирли сас келар: «Қайлардаман мен?»

ЖИМЖИТ КҰНГЛИМ МЕНИ...

Жимжит кўнглим мени оловга отар,
Ва отгай тавбага – ўт пушаймонга.
Онадай у мени алдаб юпатар,
Отамдай у мени элтгай иймонга.

Жимжит... жимжит исён менинг ҳаётим,
Гавҳарим, жавҳарим, хазинам шулдир.
Гул ёнган гулханда куйди қанотим,
Бу жимжит ўт-олов, оташин гулдир.

Олов ичиндаман, олов ичимда,
Руҳим ловиллайди... мангу ёнар у.
Фасона фусунли ажиб очунда,
Сийратим сەҳрида сурур ва қайгу.

Баҳорми... ё кузми... бу не соҳир пайт...
Дунё сирли-сирли: маъюсу масъуд.
Кўнглим, қайга бошлаб бораяпсан, айт,
Исёнгиз кўзимда ёнар не мақсад?!

Жимжит кўнглим мени оловга отар...

ҚОЯДАГИ РУҲ

Само сазосида зулумотли ғам,
Сўнган юлдуз каби хордир хоксорлик.
Қотган қоядаман... ҳаволар мубҳам,
Пойимда ҳувиллар қоронғу жарлик...

Қоя ногоҳ қотиб қолган қалдирғоч,
Суюнчи сукути елга интизор.
Бошимда қузғунлар изғиб учар-оч,
Тошнинг дошларида сингранади зор.

- Лаҳзалар ларзаси мангу беомон,
Жим шомнинг комида қон рангли ғулу.
Жим шомнинг қўлида тўлмоқда паймон,
Гул каби ўйнайди сеҳрли жоду...

Ў, қоя қулади... Ва кетди ғойиб,
Руҳ ила ҳавода... қолдим муаллақ.
Наволар нолада йиғлар мунғайиб,
Гоҳ кўкка, гоҳ хокка боқаман илҳақ...

Руҳ ила ҳавода... қолдим муаллақ...

ФАЛАКДА ЮРАКДАЙ...

Фалакда юракдай ёнган Юлдузга,
Етиб боролмасман энди ҳеч қачон.
Янграган япроқлар айланди бўзга,
Куз хазонларидай тўкилар очун.

Фалакда юракдай ёнгай Юлдузга,
Жим боқдим. Жонимда шубҳалар кечар.
Сирли нигоҳида имолар ўзга...
Ҳазин сўзонларда ғамқушлар учар.

Фалакда юракдай ёнгай Юлдузга,
Жоҳларни бахш этдим, бердим тоғларни.
У юлдуз боғимни элтди Абаста,
У юлдуз кўксима отди оҳларни.

Фалакда юракдай ёнгай Юлдузга,
Нечун Дил бойладим... Дилим найладим?!
Юзларим сорилар сарғайган Кузга,
Гул фаслим Афсусда хазон айладим.

Фалакда юракдай ёнгай Юлдузга,
Етиб боролмасман энди ҳеч қачон...

ИСТИҚЛОЛ

Оғир тошни олиб ташлади Оллоҳ,
Ой сувли Ойбулоқ кўзи очилди.
Ул зил-зил зиндондан зинда чиқди моҳ,
Қулларнинг қулфланган қўли ечилди.

Илоҳий насимлар елди боғ томон,
Найланган нидога келди ҳидоят.
Тўшғониб-тўлғониб тарқади туман,
Боғларни бўйлади ифор иноят.

Зор ила зарланган хон бўлди хароб,
Жон берди жонларни еб ётган илон.
Баҳорий баргларда азалий шароб,
Бойчечак елади омону омон.

Қатранинг кўзида осмон шарқирар,
Тоғлар ер остидан келар айқириб.
Қуёш қўшиқ айтар, дунё ярқирар,
Дарёлар оқади яна ҳайқириб.

Оғир тошни олиб ташлади Оллоҳ,
Ой сувли ойбулоқ кўзи очилди...

ОЛАМ АЙЛАНУР

Бўстонда гуллаган ул ғунча сўлди,
Дунёи давворда бул ғунча кулди,
Бир қадаҳ тўкилди, бир қадаҳ тўлди,
Йил кетур, йил келур... олам айланур...

Осмону фалакда сўнди бир юлдуз,
Осмону фалакда ёнди минг афрўз,
Ҳайҳот, ҳаёт – Афсус... ҳаёт – дилафрўз...
Йил кетур, йил келур... олам айланур.

Гупурлаб кулади бир дарахт алҳол,
Гуркираб гулади фараҳбахш ниҳол,
Кул ичидан кулиб чиққан қуш мисол...
Йил кетур, йил келур... олам айланур.

Карвондан бир дийдор кетмишдир ғойиб,
Карвонга бир дилдор келмиш ажойиб,
Жон сўнди... жон ёнди... бу не ғаройиб...
Йил кетур, йил келур... олам айланур...

ЧАРХПАЛАК ЧАРХИДА ЧЎҒМАН БИР ҲОВУЧ

Бу фано даҳрида изиллайди Куз,
Қаҳратон қаҳрида қисирлайди муз,
Бугун баҳор бўйлар, ўйнайди Наврўз,
Чархпалак чархида чўғман бир ҳовуч.

Бу қандай ўйиндир, ай, сойир сойиб,
Тоғ руҳдай улғайди... ва кетди тойиб,
Самода ой тўлди ва бўлди гойиб...
Чархпалак чархида чўғман бир ҳовуч.

Давворларда хонлар айланаётир,
Хорлар ила шонлар айланаётир,
Томирларда қонлар айланаётир,
Чархпалак чархида чўғман бир ҳовуч.

«Бор экан, йўқ экан...» эртаги ҳам мен,
Сўнгги йўқ фалакнинг эрмаги ҳам мен,
Бу жову жаҳоннинг юраги ҳам мен...
Чархпалак чархида чўғман бир ҳовуч...

АРМОН

«Тушда балиқ ушлаган фарзанд кўрармиш»

(Нақлдан)

«Тушимда бир балиқ ушласам эди...»
Қирқ йилки қийнайди қалбингни армон.
Оппоқ тонгларингни қаро шом еди,
Ҳар куни ўлтайсан... қисмат-беомон.

Бу қандай боғ ўзи йўқдир битта гул,
Бу қандай фалакдир, йўқдир бир юпдуз.
Не Дил бу ойруҳдан мосуво буткул,
Не йил бу, бўйласам тўрт фасли ҳам куз.

Ойлоҳга ёлвординг, тун барибир тун,
Ерни ўпдинг, униб чиқмади гиёҳ.
Қонингда қирқ дарё тўлиб оқар хун,
Ҳамон рўмолингнинг рангги сим-сиёҳ.

Қуёшни сўндирма, ойни ўлдирма,
Рухнинг гули қайда, било-билмассан.
Ўлимга юзингдан асло ўптирма...
Ўптирсанг... ўзингга келолмассан...

«Тушимда бир балиқ ушласам эди...»
Қирқ йилки қийнайди қалбингни армон.

ҚУЮН ИЧРА ХАСМАН...

Кўнглимда айланиб учар чархпалак,
Гирдобнинг комида жоним чирпарақ,
Бу не ўйинингдур, бу не сир, фалак?!
Қуюн ичра хасман... хазоний сасман...

Изғирин шамоллар увиллар, ёҳу,
Кўксим қасирлатар довуллар, ёҳу,
Юрагим сукутда ҳувиллар, ёҳу...
Қуюн ичра хасман... хазоний сасман...

Ўрмонда адашдим йўлсиз йўлчидай,
Йиғлайман мясоли ёлғиз қарчиғай...
Файрар ошпағи энди олчидай...
Қуюн ичра хасман... хазоний сасман...

Тоғли-тоғли кунлар хушомад экан,
Иймоннинг юҳоси хиёнат экан,
Олган ҳар нафасим омонат экан,
Қуюн ичра хасман... хазоний сасман...

Тириклик илоҳий ривоят энди,
Бойчечак баҳорий ҳикоят энди,
Топмасдан кўнглимга ҳимоят энди...
Қуюн ичра хасман... хазоний сасман...

ОЗОД ТУЛПОР

Кўнглим кенгликларида кезади озод тулпор,
Сағринлари булутдай, кўзларида қуёш бор.
У руҳдайин санобар, олтин ёли болу пар,
Тун ичида ойча бор, тўлин-тўлин Бойчибор...

Ўрик гуллаб боради қаро зулмат зилида,
Қалб қатрага жо бўлар, вале, жаҳона сиғмас.
Ҳаёт отдай елади мангуликнинг йўлида,
Туёғида титилар тоғлар тоши мисли хас.

Эртаклари момиқ қор, куртаклари ойбаҳор,
Ёлларида минг-минг йил, туёғида тўрт фасл.
Пишқиради дарахтлар, оппоқ дулдул – гул шарор,
Йўллар юзи гулу гил, от шамоли соф, асил.

Ҳайҳот ичра ҳаёт чўғ-оташни қучоқлайман,
Ёҳуланиб оҳулар кўнглим қучиб ўпарлар.
Мангу елган дунёни – қуёшни қучоқлайман,
Ки, ҳур нурга айланиб ҳайқиради чопарлар...

Кўнглим кенгликларида кезади озод тулпор...

УЗИЛГАН ҒУНЧА

Атиргул шохидан узилди ғунча...
Музлаблар кетдингми дунёдан шунча?
Ўзингни оловга ташладинг, қушча...
Маънос кўзларингда – нидо, қушгинам...

Наҳотки, жим кетмоқ номус, ор бўлмиш,
Кузлар азиз бўлмиш, баҳор хор ўлмиш,
Қуёшли осмонлар сенга тор келмиш,
Хазон юзларингда – адо, қушгинам.

Оппоқ қанотингта фалак эдим-а,
Рўйи жаҳонингда юрак эдим-а,
Полапон жонингда тирик эдим-а,
Фарёд-бўзларингда – видо, қушгинам.

Атиргул шохидан узилди ғунча...

ТҮРТЛИК

Вайрона Ишқ ичра ҳайрона гулқиз...
“Муҳаббат худбси ўзинг асрагил!”
Сой бўйида турар ўйчан ва ёлғиз,
Хазонда гуллаган маъсум атиргул...

ҚОРЛАРГА ҚОРИЛДИК, БОДОМЖОН

Қорларга қорилдик, Бодомжон,
Тутдайин тўкилди гул ҳайрат.
Зорларда сорилди ширин Жон,
Найларда найланди Дил, ҳайҳот.

Ногаҳон музладик, бўзладик,
Хасдайин хор ўлдик, хок ўлдик.
Юлдуздай ёноқни кўзладик,
Ва лекин чақмоқдай чок ўлдик.

Шум қишда кулиб... кўз ёш ютдик,
Бахтимиз бойлади ёмонлар.
Бодомжон, тош ёғди, тош қотдик,
Қаро ер бўлди гул осмонлар.

Кўксимиз тилди муз – тилло тиғ...
Жодугар жилмаяр беомон.
Сарғайган бу қуёш – адо туғ,
Бағрида барбоддир хонумон...

Қорларга қорилдик, Бодомжон...

РУҲИМДИР МАЖНУНТОЛ

Тонгларда товланиб сайрон боқаман,
Ва лекин кўнглимда вайрон оқаман.
Хаёл ўз комига тортгани-тортган,
Қалбимда қайғулар ортгани-ортган.

Кундузлар бўйласам ҳаммаси маълум,
Кечалар ўйласам ҳаммаси мавҳум.
Тошни ёриб чиққан обизамзамдан,
Яралдим, қоришиб қувончу ғамдан.

Лаҳза мангуликдир, мангулик – лаҳза...
О, Қани, Оллоҳим кўнглимга боқса.
Йўқликда шамолдай елганимму рост?!
Йўқликдан борлиққа келганимму рост?!

Қисматим ёзилган лавҳимди осмон,
Минг йиллар ичидан келаман омон,
Обёқлар остида ётган тупроқ – мен,
Баҳорий боғларда яшил япроқ – мен.

Тўрт фасл айланар мисоли қуюн,
Тириклик ва ўлим абадий ўйин.
Ҳаёт ўзи надир... билмайман ҳамон,
Сеҳрли кўрингай менга тўрт томон.

Гоҳ фоний, гоҳида боқийдур очун,
Сирлар саҳросида руҳимдир мажнун...

Оппоқзорда бир одам,
Оёғи йўқ... тили йўқ.
Ёниб турган кўз – алам,
Тўрт ён қибла, йўли йўқ.

Оппоқзорда бир одам,
Оёғи йўқ... тили йўқ.
Тушларида бир олам,
От ўйнайди, кишнаб шўх...

Оппоқзорда бир одам,
Оёғи йўқ... тили йўқ.
Куйиб-ёниб титрар шам...
Шўр қисматнинг фоли йўқ.

Оппоқзорда бир одам,
Оёғи йўқ... тили йўқ.
Қуеш – кўз ёш, олов – ғам,
Бозиллайди ҳовуч чўғ...

Оппоқзорда бир одам,
Оёғи йўқ... тили йўқ.
Оппоқзорнинг кўзи нам,
Сирқиратар жонин ўқ.

Оппоқзорда бир одам,
Оёғи йўқ... тили йўқ.
Олам аро мунг оҳанг:
«Мен ҳаётда... асли... йўқ!...»

Оппоқзорда бир одам...

КЕТГИЛ ДЕВОНА

Бодомжон, мотамда... жудо – шохларинг,
Музлар олиб кетди гулу моҳларинг,
Эшилиб томирга тушар оҳларинг...
Девона, бу ердан кетгил девона...

Кўринмай келди шум шайтон минг тилли,
У сочиб ўйнайди кўзимга кулни...
Оловга отгайлар ол атиргулни.
Девона, бу ердан кетгил девона...

Баҳорнинг кўксини тешиб ўтди ўқ,
Ногоҳ чил-чил синди Дилдаин ақиқ,
Бодом руҳдай бўзлар... кўзларв ўйиқ...
Девона, бу ердан кетгил девона...

Тўрвангда ғимирлар пушаймон, афсус,
Жимсан... на йяғлайсан, сўзлайсан на сўз,
Бу қадим дунёга боқасан маъюс...
Девона, бу ердан кетгил девона...

ҚАЙҒУ

Қисмат тошин тешар тома-тома сув,
Кўзингнинг ёшида жимирлайди ой.
Кўринмай кезинар дарбадар қайғу,
Шамол қабристонда маҳзун чалар най...

Қуёш гулларида кўнглинг узилди,
Осмоннинг остида эгилди бошинг.
Бўйнингга чиройли ғамлар осилди,
Оғир-оғир дунё мунгли сирдошинг.

Бодомнинг шоҳида қора совуқда,
Музлаб қолди минг-минг оташ қалдирғоч.
Баҳор ғойиб бўлди мавҳум уфқда...
Қўллари фалакда... йиғлайди оғоч.

Бодомнинг руҳидай маъюс ойчечак,
Ҳар шом кимдир уни чил-чил синдирар.
Хазоний гуллардан унди бойчечак...
Қаҳнус қуш ўзини ўтда ёндирар...

Шамол қабристонда маҳзун чалар най...

ВА МЕН ОЖИЗ

Оқшомлар афсусдир, хазонлар афсус...
Самолар сукутда, жимдир бори сўз,
«О, Осмон, сиринг оч, мен чўкайин тиз!»
Ўйларим сўнгсиздир... ва рўдим ожиз.

Осмоний қафасдир менинг ошёним,
Итларнинг оғзида нондайин шоним,
Илоҳий имлоддай имлар имоним...
Ўйларим сўнгсиздир... ва рўдим ожиз.

Қаро тувда мианг-минг оқ калтар кўрдим,
Дунёни то азал кажрафтор кўрдим,
Қайғунинг қўлида сардафтар кўрдим,
Ўйларим сўнгсиздир... ва рўдим ожиз.

Қузғуннинг Маҳзунга озорларида...
Ҳаётнинг хиёнат бозорларида...
Жим ётган дўстларим мазорларида...
Ўйларим сўнгсиздир... ва рўдим ожиз.

ХАЁЛ

Тож-тахтлар айланди изимда менинг,
Истадим, дарёлар ортига қайтди.
Дарахтлар гуллади изимда менинг,
Осмонлар кўнглимга сирларин айтди...

Коинот поёнсиз: на хаёл, на руҳ,
Етиб боролмагай унинг сўнггига.
Мулки олам аро на борман, на йўқ,
Ғойибман қуёшнинг кўзи ўнгида...

О, дунё, мен сени англолмай қолдим,
Аммо ёнгим келар сенга қўшилиб.
Ҳаёт ўзи надир? Хаёлга толдим,
Вале, у жонимда борар эшилиб.

Ибтидо қайдадир, қайда интиҳо,
Аслида, дунё бу абадий хаёл.
У – сўнгсиз коинот аро бир нидо...
Мен йўқман... ва лекин тикиламан лол.

ЧАҚМОҚЛАР ЧАҚНАДИ...

Жонажон икки жон қасдма-қасд бўлди,
Иссиқ-иссиқ қўллар муздай даст бўлди,
Икки боғу бўстон хазон-хас бўлди,
Чақмоқлар чақнади... тоғда тош кўчди...

Хатолар малика... гуноҳ бўлди хон,
У кетди, сен кетдинг, итга қолди нон,
У битта пушаймон, сен бир пушаймон...
Чақмоқлар чақнади... тоғда тош кўчди...

Тутдайин тўкилдим, сен ҳам харобсен,
Чинордай йиқилдим, сен ҳам нурабсен,
Йўқликка тикилдим, сен ҳам саробсен,
Чақмоқлар чақнади... тоғда тош кўчди...

ҲАЁТ...

Буюк қабрларни қилдим зиёрат,
Бу не ибтидодир, бу не охират.
Абадий товланиб солланар Тошлар,
Тошларнинг остида ётар Қуёшлар.

МЕН ҒОЙИБ БЎЛАМАН...

Мен ғойиб бўламан... сеҳрлар афсун...
Ва кетиб бораман бешон, бенишон.
Мен пайдо бўламан.. қаддимдир мавзун,
Кимдир бошим силар, тун ҳам нурафшон.

Нечун кўзларингда ҳадик, ҳаяжон?
Нечун қарашимдан ахтарасая сир?
Ахир мен ҳам сендай безовта бир жон,
Гоҳ кўзи очиқман, гоҳида басир.

Қайга кетаяпман, қайдан қайтаман?
Йиллар гоҳ йиғлатар, гоҳ қилар шўхлик.
Найлайн, билмайман ўзим қайдаман,
Бу ҳаёт нимадир: борликми, йўқлик?!

Нажиб тирикликнинг фалакларида
Осмонга учаман... ерга кираман.
Ҳаётнинг абадий эртакларида
Рухимни илоҳий сирга қораман...

Мен ғойиб бўламан... сеҳрлар афсун,
Мен пайдо бўламан... қаддимдир мавзун.

ИЧИБ МАЙ... МАЙ...

Билмайман мен ненинг гадои,
Гоҳ оқилман, гоҳо савдойи,
Сўзим зойи, нафасим зойи...
Сипқориб май... ўзим унутаи...

Кўнглим қийнаб ўйнайди зоглар,
Чўкиб борар осмоний тоғлар,
Мотам тутиб кўк кийди боғлар...
Сипқориб май... ўзим унутаи...

Хокка ботди бодомнинг гули,
Кўкка етди нодоннинг қўли,
Жонимдадир жаҳоннинг зили...
Сипқориб май... ўзим унутаи...

Қон юрагим алвон гулдаста,
Зорим бўлди дорга пайваста,
Ғамзорларда хастаман-хаста...
Сипқориб май... ўзим унутаи...

Кулиб-кулиб алдайди гулим,
Тўйиб-тўйиб йиғлайди дилим,
Сирли-сирли имлайди ўлим...
Сипқориб май.. ўзим унутаи...

БУ ЙЎЛ..

Саҳрода сеҳрлар сароб-сароб йўл,
Сомон йўлларида синиқ-синиқ дил,
Бошимдан ёғади тошдай-тошдай дўл...
Қайларга элтади бу йўл, азизим?!

Мунғайиб қарайман беун, беозор,
Мени кўплар сотди – дунёдир бозор,
Кўз очаман – азоб, юмаман – озор,
Қайларга элтади бу йўл, азизим?!

Кўзимга санчилар ҳазон дилистон,
Қайда мен излаган гулу гулистон,
Адашиб келаман жуда олисдан,
Қайларга элтади бу йўл, азизим?!

Хатоларнинг ортда қолганими бу,
Ва, ё, ёмонликка олганими бу,
Тақдирнинг яна бир ёлғоними бу...
Қайларга элтади бу йўл, азизим?!

БУ НАДИР...

Мени бир ялмоғиз макрига олар,
Ва итлар пойига ташлар-таловга.
Қонимни қоп-қора қорларга қорар...
Хазон япроғидай отар оловга.

Ў, ҳаёт... сеҳрли эртақдир гўё,
Илон тўла ғордан чиқаман омон.
Атлас кийган қиздай ёнади дунё,
Баҳор ҳавосида гуллар тўрт томон.

Кўз очиб юмаман... оламдир бошқа...
Оловли комига тортади юҳо.
Булутлар қасирлаб қулайди бошга,
Суягим синдириб ўйнар аждаҳо.

У надир, балолар ёғар дастидан,
Шафқатсиз ўлимдай келар қутуриб.
Бу надир, ҳар сафар ажал қасдидан
Мени омон олиб чиқар кўтариб...

Бу надир...

ИЛТИЖО

Гулбарглар бандидан узилган,
Қоришиб боради жим хокка.
Қўлларим самога чўзилган,
Илтижо айлайман фалакка.

Ў, дўстим кўнглингга талпиндим,
Ҳаётга талпинган жон каби.
Қошингда йиғлайман беун, жим,
Саройи вайрона хон каби.

Дарахтлар кўркидан учди руҳ,
Хазонлар шитири сасимдир.
Найлайн, карахтдир кум-кум туғ,
Найлайн, боғларим ҳазиндир.

На дўст бор, на Дил бор, на осмон,
Бўзлайман бўғзимда шўр ўкинч...
Уфқлар қочади тўрт томон,
Мен қайдин топайин бир илинж?!

Қўлларим самога чўзилган...

ДУСТСИЗ

Юрагим бўстони ҳувиллар гулсиз,
Тонглар чорласа ҳам бағрига ҳарчанд.
Найлай, дўстсиз қолдим... қолдим мен Дилсиз...
Йўлда бораяпман бир ўзим... ўйчан...

Нафси уммонида изғийда гадо,
Мен сахро даштида бесару сомон.
Учган юлдуз каби кўксимда нидо...
Кўзлар аёвсиздир, ҳаёт – беомон.

Менга ким қўйибди гуллашни дуркун?!
Менга ким қўйибди дилда шоҳликни?!
Осмонда қуешдай ёнсам ҳам... бир кун...
Қаттиқ қисмат битмиш менга хокликни.

Ҳаволар ҳавосиз... наво навосиз...
Тилларим куядир, дилларим чўглик.
Чақнаган дунёда фақат мен ожиз...
Йиғлаб-йиғлаб сени ўпаман йўқлик.

Найлай, дўстсиз қолдим... қолдим мен ёлғиз...

ДУНЁ

Оқ туя изидан югурдим, елдим,
Ў, ҳамон кўриммас кўзимга манзил.
Қайларга етдим мен, қайларга келдим,
Оқ туя йўқ бўлди... Олам қолди зил.

Ногаҳон қаршимда кишнади оқ от...
Мен энди ўтаман ёвларни енгиб,
Чарх уриб чопаман, топдим мен мурод...
Фойиб бўлиб кетди от шомга сингиб...

Рўпарамга қўниб товланди товус,
Елардим, кафтимда рангин камалак.
Бу қандай йўл ўзи бунчалар олис,
Бунчалар эврилур бу чарху малак.

Ногоҳ учиб кетди товус ҳам бир пайт,
Кўзим тушди тоғнинг оҳуларига.
Кўнглим, ёлғонлардан тўймадингми, айт,
Тўймадингми, алдов – жодуларига?!

Сен мени аврайсан афсунгар дунё,
Ўйнайсан, қалбимдан гулларни юлиб,
Сен гўзал ёлғонсан, мияг рангли рўё...
Бугун жим ўйлайман, кўзимни юмиб.

НЕ УЧУН КЎКСИНГДА ҒАМ ТЎЛА САНОЧ

Не учун кўксингда ғам тўла саноч?...
Ҳаёстинг на тушдир, хаёлинг на тош?
Зилол сув элтади сенга қалдирғоч,
Ўн саккиз минг олам ҳуснингга талош.

Не учун кўксингда ғам тўла саноч?...
Бошингни силайди зангори осмон...
Бўрилар, илонлар изғийдилар оч,
Сен гулнинг қўйнида яшайсан омон.

Не учун кўксингда ғам тўла саноч?...
Ойдайин тўлинсан қилгин шукрона.
Ў, қара, сени деб гуллади оғоч,
Ойдайин тўлинсан, сойдай сайрона.

Не учун кўксингда ғам тўла саноч?...
Орзунинг анвойи ҳавоси монанд,
Баҳорий бойчечак – суюнчи севинч
Толейинг тонглара қилди гулпайванд.

Не учун кўксингда ғам тўла саноч?...

БАХТСИЗЛИК

Бўйинг сарв, юзинг ой айлаб, Оллоҳим,
Манглайингга нечун бир гул битмади.
Девона дунёда надир гуноҳинг,
Ҳақ сенга суйгувчи бир Дил тутмади.

Ял-ял ранглар аро саргайдинг маъюс,
Гулнор шабнамида титрар ҳаяжон.
Моҳсан-у ва лекин қисматинг афсус,
Сукут сазосида сўкилмишдир жон.

Кўксингга босасан мунгли ҳаётни,
Нигоҳинг оҳидан сўтрар булутлар.
Оч бўрилар олиб кетмиш шафқатни,...
Имонни илондай чирмар нобудлар.

Кунларинг қайғудир, тунларинг озор,
Сабр косасидан кўз ёш тўкилар.
На таскин, на юпанч, ва на ямдод бор,
Жонларинг жовдираб шомга тикилар...

Жонларинг жовдираб шомга тикилар...

ЖОДУ

Қаро тунга чўкиб бораётган кас...
Қалбларинг басирдир, руҳинг рўёда.
Ҳавосиз ҳавода учаяпсан маст,
Сендайин бахтли йўқ, гўё дунёда.

Қаро тунга чўкиб бораётган кас...
Жонларинг жодуда юҳо комида,
Қуюнда яйрайди ўйнаб-ўйнаб хас,
Бунчалар жононсан кузнинг шомида.

Қаро тунга чўкиб бораётган кас...
Кўнглингни кўзлари кўради қачон?
Жим йиғлар, жим бўзлар Юрагингда сас,
Сени ташлаб кетиб боради очун.

Қаро тунга чўкиб бораётган кас...
Ўлим жодуламиш, жонингни магар,
Куйиб-куйиб қуёш узатади даст,
Тунда қиз бўб имлар сени жодугар.

Қаро тунга чўкиб бораётган кас...
Қаро тунга чўкиб бораётган кас...

ТҮРТ ФАСЛ БАҲСЛАШУР...

Руҳимда бедорлик, кўнглимда хорлик,
Кундузлар шарорлик, тунлар асрорлик,
Бу не хокисорлик, бу не хумморлик...
Тўрт фасл баҳслашур, сирлар ўйнашур.

Ишқ дилистонининг оташлари шўх,
Ой гулистонининг кўз ёшлари шўх,
Хурлар бўстонининг қуёшлари шўх...
Тўрт фасл баҳслашур, сирлар ўйнашур.

Тонглариинг гули шўх, нозлари насим,
Тоғлариинг тили йўқ, сўзлади... сим-сим,
Осмоннинг дили чўғ, бўзлади... жим-жим...
Тўрт фасл баҳслашур, сирлар ўйнашур.

Гўё май ичади ёниб тўрт томон,
Бир-бирин қучади ўлиму омон,
Дунё нур сочади, дунё беомон...
Тўрт фасл баҳслашур, сирлар ўйнашур.

ОЛОВ ЎЙНАР...

Ёқмади ҳеч менга бу бозор,
Сарвлари дор, савдоси озор,
Чархнинг шарҳи-оловли асрор,
Олов ўйнар... йиғлайди дарахт.

Дунё гула ҳийла, қасд экан,
Осмон баланд десам паст экан,
Гулдасталар асли хас экан,
Олов ўйнар... йиғлайди дарахт.

Гоҳ гафлатда тош қотгандайман,
Гоҳ ўзимни уйғотгандайман,
Гоҳ топганим йўқотгандайман,
Олов ўйнар... йиғлайди дарахт.

Мени бир гул айлади гадо,
Сени кўнгил айлади адо,
Мен ҳам нидо, сен ҳам бир нидо,
Олов ўйнар... йиғлайди дарахт.

АФСУНГАР ҚАЙҒУ

Гуноҳлар юҳодай ютмоқ истайди,
Оҳудай ёҳуда мунгли имовлар.
Тезроқ кел, деб ўлим жонни қистайди,
Бўйнима чирмашиб олмиш илонлар.

Ўлимга ўлим йўқ билмайман нечун?!
Пойи қадамида аламли нобуд.
Таваллуду ўлим чархида очун,
Оқ тонглар сайрону оқшомлар сукут.

Қуёшнинг кўксидан чоҳга қуладим,
Сари саргардонман елдишим ўқдай.
Қавоти қайрилган қушдай йиғладим,
Кўз ёшим сачрайди чақмоғий чўғдай.

Камалак ранг дунё айлар хиромон,
Хок-хок афлокларда жонҳалак Туйғу.
Сарафроз гулшанда беун, беомон,
Кўнглим хазон айлар афсунгар Қайғу...

БУНДА ҲЛИМ БОРДИР...

Бунда ҳлим бордир... бошқа ҳеч не йўқ,
Қуёш қоронғуда... ҳилол саргардон.
Яро руҳни излаб учар қаро ўқ,
Нажот йўқ, имдод йўқ, тош қотмиш гардон.

Ҳлим кўринмайди ва лекин, уйнинг,
Зулумот тунида кезинар у жим...
Поёнсиз, аёнсиз мавҳумот ўйнинг
Ваҳим сазосида сасланар ҳлим.

Сукунат зимнида азал Азроил,
Пайпаслар... қўлида кафаний сарпо.
Недир ингранади, сингранади зил,
Кезинар, сезинар бир қора шарпа.

Дилни илон ейди... қўрқув ғулуда,
Ҳлмаклик уволдир, тириклик малол.
Ҳатто қоронғулик сўнгсиз қайғуда,
Жон сим-сим йиғлайди, изғийди завол...

Бунда ҳлим бордир...



ҚАЙГУ

Қайгулар ёғадир... ёғар гўё дўл,
Саболар етимдир... сафолар сағир,
Бунда тоғлар йиғлар топа олмай йўл,
Қисматлар қаттиқдир, тақдирлар тахир.

Шафтоли гулидан йироқлаб кетдим,
Тош бўлиб чўкмишам тошқин сойлара.
Мен ўзимни-ўзим сўроқлаб кетдим,
Шодликнинг шамоли етмас жойлара.

Бир лаҳза Дилимда дур кўрсам эди...
Кетиб бораяпман Туннинг ичида.
Бир лаҳза ўзимни ҳур кўрсам эди...
Йитиб бораяпман хуннинг ичида.

Қайгулар ёғадир... ёғар гўё дўл...

ХИЁНАТ

Қорилди лойлара сайри сайронлар,
Қорайиб қолдилар ойли осмонлар,
Гулмоҳи балиқни ютди илонлар,
Шаънинг ёнар шайтон шарорларида.

Хиёнат еди Дил пок қушларини,
Ўлдирдинг юракнинг оққушларини,
Тун еди фалакнинг қуёшларини,
Шаънинг ёнар шайтон шарорларида.

Ўйнайсан-йиғлайсан кўз ёшинг лим-лим,
Йўлинг вайронда жонинг минг тилим,
Кўнглинг дайронда сайрона Ўлим...
Шаънинг ёнар шайтон шарорларида.

Энди бекор қанча дурга кирсанг ҳам,
Эвоҳ, қутулмассан ерга кирсанг ҳам,
Юзи қаро гулсан гўрга кирсанг ҳам...
Шаънинг ёнар шайтон шарорларида.

ДАРАХТЛАРИМ

Буюк дарахтларим мангу мардларим,
Тўрт фаслда нурдай кезган Дардларим.

Бошингизда ишқдай айланар моҳлар,
Пойингизда хокдай ётибди шоҳлар.

Дарахтлардай кўкни кўзлагайдирман,
Баҳорларда сайрон сўзлагайдирман.

Мен ҳам хазонларда эрурман хазон,
Оллоҳдан жонима сўрарман омон.

Кузларда юзларим сорилиб борар,
Қуёшлар тупроққа қорилиб борар.

Дарахтлар қасирлаб инар ногаҳон,
Қулайди гусурлаб бул мовий осмон.

Дарахтларим менинг оҳу дардларим,
Тунларда тўзғиган болу парларим.

Синган шохингизда синган руҳдайман,
Сизни жимжит қучиб, сим-сим йиғлайман...

ОСМОНДА ШУМ ҚУЗҒУН...

Осмонда шум қузғун... кўринмас ўтов...
Чопаман жон ҳалак... томрим эшилиб.
Наҳотки, сўнади умидли олов...
Тупроқлар югурар менга қўшилиб.

Дунёда қолади дунча учим,
Шиддатли пойимдан тортқилар юлғун.
Кўзимда жовдирар чорасиз очун,
Тобора пастлайди қоп-қора қузғун.

Балки бу юракнинг энг сўнгги зарби...
Жон-жоним ҳолсиздир, руҳимдир ҳолсиз.
Саҳрода билинар ёлғизлик дарди,
Саҳрода қолдим мен бир лаҳза ёлғиз.

Фалак шафқатсиздир, фалак кажрафтор,
Йиқилиб-чопаман... йўл сўнгсиз узун.
Дунё бунча чексиз... дунё бунча тор...
Рўпарамга келиб кўнади қузғун...

КЎЗГУГА ТОШ ТЕГДИ...

Кўзгуга тош тегди... юлдузлар чил-чил...
Гул дунё – кул дунё... жайронлар ҳайрон.
Дил қушдай хуш эди, энди тошдай зил,
Бўстон сайрон эди, Бўстондир вайрон.

Руҳим маҳзун боқар, «Бу қандай пайт» деб,
Кўз-кўз ёнган баҳор кузга айланган.
Сарвигул сеҳрлар, «Қўйнимга қайт» деб,
Бу ўша жодугар қизга айланган...

Сой тинди... ой синди, кўзларимда ёш,
Гул сўлди, энди тош гуллайди, ёҳу.
Кўксимда куяди қорайган қуёш,
Ғўддайган қоядан қулади оҳу.

Фараҳ-фараҳ ҳаёт зулмат бу қадар,
Осмон сўнгсиз йироқ, ер чексиз қаттиқ.
Қисматнинг кўзи кўр, қулоқлари қар...
Насибам бунча шўр... бунчалар аччиқ?!

Кўзгуга тош тегди... юлдузлар чил-чил...

ЖАВҲАРИ ШАРОР

Жавлони жаҳонда жавҳари шарор,
Аёну ниҳонда гавҳари асрор.

Қуёш дер: у – менман, афсонадурман,
Ер айтар: у – менман, фасонадурман.

У – менман – Ишқ аро солланар инсон,
У – менман – Нур аро товланар иймон.

Жавлону жаҳонда жавҳари шарор,
Аёну ниҳонда гавҳари асрор.

Осмон ойнасида ой юзи, оё,
Ой сомон йулида ойсанамми ё?!

Ҳаёт ҳайқиради: танҳоман, танҳо,
Фақат мен оламда олий, бебаҳо.

Соҳири зоҳирда Оллоҳ мазҳари,
Борлиқда барҳақдир ҳақнинг назари.

Жавлони жаҳонда жавҳари шарор,
Аёну ниҳонда гавҳари асрор...

* * *

Тун аччиқ тутундай буралаётир,
Гулдай табассумни ғижимлар қутқу.
Ғам жонга илондай ўралаётир,
Сим-сиёҳ сукутда изғийди қайғу.

Осмонни қоплайди қора қарғалар,
Юҳодай ютади зулумотли зов.
Абадий руҳимнинг ранги сарғаяр,
Фалакдай юракни ямлайди алдов.

Оламлар алам-ла излар баҳорни,
Шабнам руҳдай учар юлдузлар томон.
Бўзлар музлатади сўнгсиз шарорни
Ҳар шом бир қуёшни ютгайдир тамом.

Кўкка кетдим... етдим гул ҳаволарга,
Жаҳоним жо этдим ҳур саболарга...
Пастда... чангалзорда изғийди ёлғон,
Пастда... тубанларда тўлғонар илон...

Пастда... тубанларда тўлғонар илон...

РУҲ 1

Ай Гил, найсон бўлиб гулла доимо,
Лойларга қорилиб қолмасин қуёш.
Ай дил, осмон бўлиб гулла доимо,
Гул руҳ қузгунларга бўдмасин талош.

Дунё, жўшқин-жўшқин ҳайратинг бору,
Гоҳо юҳо ютгай сени беомон.
Дарё, тошқин-тошқин ҳайбатинг бору,
Гоҳо ютгай сени звилган илон.

Гилдан кўнгилгача гуллайди ҳаёт,
Юлдуз-ойгул уза титраган шабнам.
Жоним Оллоҳгача бўйлайди, ҳайҳот?
Ўн саккиз минг олам солланган санам.

Малак фалақдан-да юрагим баланд,
Таним – гул тубига тўкилаётган хас.
Ай тун, ҳаслимга ташлама каманд,
Руҳим – илоҳийдан келаётган сас...

РУҲ 2

Мен бир... тўфон аро саргардон карвон...
Кўзларим очаман ёприлади қум.
Ўзини панага олади осмон...
Ичида морми, зар... қучоғимда хум.

Сени қандай севай айёр зулумот?!
Найлай, адавганман, аччиқ май ичиб.
Гувоҳим нимадир, айтгил, залолат,
Мени қўйиб юбор... кетайин учиб...

Жонимни хўрликка кўндирадурсан,
Кўрсатиб гоҳ ничоқ, гоҳ очиб қучоқ.
Хокларга отасан, синдирадурсан,
Наҳот, сенга менинг кўнглим ўйинчоқ?!

Тўрт томон югуриб-чопаман бироқ,
Ҳаёт ўзи надир била олмасман.
Ўзимдан кетганман жудаям йироқ,
Мен балки ўзимга мангу келмасман...

БИР ХАТО...

Жонимни юҳодай ютди бир Шубҳа,
Қулайман самовий хаёлларимдан.
Қулайман эҳтимол, энг сўнгги дафъа,
Ғижимлаб ушлайман от ёлларидан.

Ай, тулпор итқиту мени ташлаб кет,
Мозористон ичра очиқ қабрга.
Юзларим қародир, юзларим шувут,
Лойиқман мен ахир шундай Қаҳрга.

Ҳайратим ғоратдир, ҳайбатим бу ҳол,
Тийнатим тимдалар қоп-қора бир ит.
Аламли армонда мен афтодаҳол,
Бир шубҳа шоминда гулшаним нобуд.

Бу тундан мен қандай қутулай энди,
Зулумот увлайди: на дўст бор, на ёв.
Залолат зулмида юлдузим сўнди,
Бир хато... бир Ўлим экан – беасёв...

ОҲУ

Тоғларда сен... ай, оташ оҳу,
Кўзимда ёш, ай, чашми жаҳон.
Кўйингдамен ай, кўзи жоду,
Кўнглимдасан ай, руҳи равон.

Ишқ мастида юмаман кўзим,
Хаслларим узатади май.
Самоларда сузар сир-сизим,
Сўнгагимдай сингранади най.

Кўз очаман... қучади қайғу,
Кўз очаман... нчаман сароб.
Сен тоғларда товланган оҳу,
Мен оҳларда ичиккан азоб...

Тоғлардасен ай, оташ оҳу,
Кўзимда ёш, ай, чашми жаҳон...

ЭРИГИН КЎНГЛИМ-А...

Тўфон шиддатига дош бўлдинг, етар,
Қайғу кўзидаги ёш бўлдинг, етар,
Жонинг беравериёб Тош бўлдинг, етар,
Эригин кўнглим-а, эригин, кўнглим.

Энг берк эшикни ҳам куз ели очар,
Юлдузлар хас мисол бир ёниб ўчар,
Пайт келар тоғлар ҳам жойидан кўчар,
Эригин кўнглим-а, эригин, кўнглим.

Қуёш ортга қайтмас, имоним комиял,
Хумо қуши фақат бир бор келур, бил,
Тавбанинг қошида бошингни эг, Дил,
Эригин кўнглим-а, эригин, кўнглим.

Ўзингдан бош олиб кета олмассан,
Руҳ қушин абадий тута олмассан,
Ета олмаганлар, ета олмассан...
Эригин кўнглим-а, эригин, кўнглим.

ДАЛЛИ ЖОНДАЙ...

Далли жондай тушдим қуюн дўлига...
Ҳолим кўриб, мендан кечиб кетдинг сен.
Қушдайин қуладим туннинг зилига,
Қуёшнинг кўзига учиб кетдинг сен.

Турналар бир тобут олиб ўтдилар,
Кафанда Дилимдир руҳлари чил-чил.
Кўзлар мезонларни юлиб отдилар,
Самодан сахолар тўкилар кул-кул.

Дарахтнинг баргида оқшом-қирмизи,
Ҳалво ҳаволарни тиглайди хазон.
Очиқ кетиб борар баргларнинг кўзи,
Сим-сим сўзонларда йиғлайди осмон.

Бир ўрик гуллади қайдадир илк бор,
Қайдадир гуллади ям-яшид гиёҳ.
Мен учун ҳеч қайда йўқ эрур баҳор,
«Борса келмас йўлим» оғир – сим-сиёҳ.

Бошимга зар эмас, ёғади тошлар,
Сенинг лабларингдан ўлади гулфом.
Куласан: кулгунгдан учади қушлар,
Мен кўнглим кўйида куяман мудом.



БОДОМНИНГ ГУЛИМАН...

**Бодомнинг гулиман,
Қорларда қолган...
Отабек дилиман,
Зорларда қолган.**

**Вулқоннинг ўтидан
Яралган тошман.
Тошларнинг қатидан
Сизган кўз ёшман.**

**Осмонини қўйиб
Тушмайди Нидо,
Бунга мени суйиб
Қучади Адо.**

**Юлдуз кўрмай кетган
Гўдақдирман мен,
Пинҳон ёниб етган
Юракдирман мен.**

**Бодомнинг гулиман,
Қорларда қолган...**



ҚОШИМДА ДУНЁСИ ВАЙРОНА АЁЛ

Оташ Муҳаббатга ойдай бойландинг,
Зухронинг ёнида гулдай Ойландинг...
Баҳор, йиғлаб-йиғлаб Кузга айландинг...
Қошимда дунёси вайрона аёл...

Қаноти қайрилиб қуш қайтиб келди,
Оппоқ тонг шод кетиб, ғаш қайтиб келди,
Чиннигул... кўзида ёш, қайтиб келди...
Қошимда дунёси вайрона аёл...

Гирдоб жодусида кунлар айланди,
Саробнинг комида тунлар айланди,
Кечалар ўчида хунлар айланди...
Қошимда дунёси вайрона аёл...

Ҳайқиради дарё... гумбурлар осмон,
Ҳаёт буюк шафқат, ҳаёт беомон,
Бир ҳовуч жонида бир жаҳон армон...
Қошимда дунёси вайрона аёл...

БОБОТОҒ ҲЕЧ КИМГА ОЧМАЙДИ КЎНГИЛ

ТАБИАТ

Оқ булут ортидан боқар ой тўли...
Бойчечак чопқиллаб келар боладай.
Боботоғ... ҳеч кимга очмайди кўнглин,
Кўкка сапчиб қотиб қолган ноладай.

Фалакдан кўз бўлиб қараётган сен,
Қаддингда камалак рангли атласлар.
Қуёшни кўтариб бораётган сен,
Сени билмайдилар масту аласлар.

Бир ёнда сойиблик, бир ён ғойиблик,
Тошни тошга урган сойларинг шўҳдир.
Дарахтлар уйғоқдир, тупроқлар тирик,
Юлдузлар кўксингни куйдирган чўғдир.

Мулки давлатингда ўйиндир ўлим,
Ва чексиз рангларда абадий ҳаёт...
Мен сенга ҳайратда тикиламан жим,
О, сўнгсиз сирлардан пайдо, табиат...

ҚАЙҒУРИШ

Бу дарёга мени ким отди ўзи?!...
Тошни-топга урар шашти-шиддати.
Қумларга тўлмоқда ой-сувнинг кўзи.
О, сен қайлардасан, ҳаёт шафқати?!

Олтмиш йилки отам рангин, заъфарон,
Дўстим жимжит босар тишига-тишин.
Улар қайдан билсин менинг ногаҳон
Сароб дарёсига чўкиб кетишим...

Дарахтлар кўнглини узатаётир,
Оққушлар бошимда ожизу сайрон...
Одамлар... панадан кузатаётир,
Одамлар... боқади ҳолима ҳайрон.

Жонимни ажалга қилсам садақа,
Гўрида тик туриб кетар ўликлар...
Ночорлигим сезар ҳатто қурбақа,
Кўзимга урилиб ўйнар балиқлар...

Бу дарёга мени ким отди ўзи?!...

АЧЧИҚ ҒИЧИРЛАЙДИ...

Аччиқ ғичирлайди синган ароба,
Аччиқ алаимни отдан оламан...

Қақшаб-қақшаб ётар сувсиз сардоба,
Саҳро саробида ўтдай ёнаман.

Ароба тўкилди... буткул синди у,
Йиқилиб ётибман ўт қумни қучиб...

ДАРҒИ ДУНҒ

Не учун ўйчансан, дарғи Дунё,
Тўрт фаслинг да оқдим, абадий шоён.
Баҳор дийдорида гулладим гўё,
Кузнинг озорида кездим ноён.

Бедор бодом каби дув тўкилдим гоҳ,
Гоҳ тошдай қуладим қоядан... афсус.
Фусункор афсундир гул юзли гуноҳ,
Дардларимни айтсам ёна бошлар сўз.

Ҳайҳот, ҳаёт аро топганим-хато,
Ў, дунё, аяма бағрим тиглагил,
Қайтган гўлқинларинг айлайди нидо,
«Тўфон вақти ўтди, энди йиғлагил».

Соҳилга келгандим мисоли баҳор,
Бугун тикламан куздай мунғайиб.
Фасллар айланар такрор ва такрор...
Дарё оқиб ётар мангу жилмайиб.

У ЖҮШҚИН ДАРӘ ЙҮҚ...

У жүйшқин дарә йүйқ. Шақирлар қисмат,
Қирғоқлар бағрида тошлар уюми.
Боботоғ үқийди қайғули оят,
Саробга айланди қушлар үйини.

У далли дарә йүйқ. Түйлғонар абас,
Тошқин сув үрнида оғир сукунат.
Тобоним тош тилар, бүйғзимда нафас,
Борлиқни ғижимлар темир синоат.

У жүйшқин дарә йүйқ. Бу не, ё Оллоҳ,
Дарә жимжит ернинг остида оқар.
Бүйридай-бүйридай одамлар, иллоҳ,
Нурли дарәларнинг қасдида оқар.

У жүйшқин дарә йүйқ. Тошқин дарә йүйқ,
Тошлар қотиб қолған юраклармикан?!
Қабрлар... қабрлар тикланмоқда, лек,
Үлганлар... үлганлар тирилармикан?!

У жүйшқин дарә йүйқ. Шақирлар қисмат...

ЎЛДИ ҲАЙҚИРГАН АРСЛОН

Дарё ўлди...

Ўлди ҳайқирган арслон,

Қуёшим қорайган... нурлар бечора...

Осмонимни ямлаб ютадир-армон,

Осмонима Оллоҳ қилмас наззора.

Баҳорлар бағрида дарёдай тошдим,

Баҳорлар кетдилар... боғларимда ғам.

Сув йўқ... сув сўрайман ётган ҳар тошдан,

Тошлар йиғлайдилар... йиғлайман мен ҳам.

Жонимни эзгилар қузғундай азоб,

Азоблар кўз ёшим айлайдилар нўш.

Уйғона олмайман, бу қандайин хоб...

Бўйнима бойланган тоғдай оғир тош.

Юрагимни тешиб ўтди ўттиз ўқ...

Кўнглимнинг кўнглига топмасман таскин,

Дарё йўқ... наҳотки, энди дарё йўқ?

Хасу хазон ичра мен зору мискин...

Дарё ўлди...

ўлди ҳайқирган арслон...

ОППОҚ ТУМАН

Оппоқ туман... оппоқ. Гойиб бўлди Тоғ...
Дунёлар туманга ғарқ бўлди буткул.
Сезаман қайдадир қушлар чекар оҳ,
Кўксимда мунғаяр сариқ атиргул...

Қаро булутларда оппоқ ёлғонлар,
Дурларга айланиб кўзимга ёғар.
Ширин саробларга ошно ёронлар,
Фано дарёсида саллониб оғар.

Мен ҳам оқаяпман шу оқим аро
Гирдоб бешигида жонларим яйрар.
Симлари сирқираб йиғлар дўмбира:
«Ёлғон бўстонида булбуллар сайрар...»

Камалак рангларда товланар ёлғон,
Гуллаган йўқликлар ётар ястаниб.
Кўнглимиз сехрлаб олмишдир илон:
Комига борамиз жимжит... алданиб...

ОРОЛ – ҚУЛАЁТГАН ОСМОНИМ МЕНИНГ

Билмам, кимлар сени айлади барбод?!
Алвидо саробга ғарқ бўлган ҳаёт.
Тўлқинлар марҳумдир, барханлар фарёд...
Орол – қулаётган осмоним менинг.

Денгиз йўқ аёну ниҳон ичинда,
Қалб қатра сувга зор жаҳон ичинда,
Ҳайқираган ҳайратлар вайрон ичинда...
Орол – қулаётган осмоним менинг.

Тошқин-тошқин умрим шомга айланди,
Дардим ичга ютдим қонга айланди,
Қоним ким кўксидан шонга айланди...
Орол – қулаётган осмоним менинг.

Қолди юҳоларинг комида денгиз,
Руҳим қумда ётган қайиқдай ожиз,
Сен босдинг кўксимнинг ярасига туз...
Орол – қулаётган осмоним менинг.

ҚУРИБ ҚОЛДИ ДАРЁ...

Тўлқинлари отнинг ёли эди-я,
Тошса... девонаи далли эди-я,
Куз сувида тоғнинг зили эди-я...
Қуриб қолди дарё... ғойиб бўлди Руҳ...

Офтобда ялтираб Тошлар ётар шод,
От ўлди – йўқ энди, олтин ёлли от,
Икки қирғоқ аро оқар хотирот...
Қуриб қолди дарё... ғойиб бўлди Руҳ...

Балиқларнинг жону дили йўқ энди,
Ўрикзорнинг оппоқ гули йўқ энди,
Асалариларнинг боли йўқ энди...
Қуриб қолди дарё... ғойиб бўлди Руҳ...

Шиддатнинг подшоси сукунатга қул,
Оқчарлоқлар учиб кетдилар буткул,
Тўзонлар кўзига сочар аччиқ кул...
Қуриб қолди дарё... ғойиб бўлди Руҳ...

Дийдамда зорланиб кўринади у,
Кўнглимни эзадир мавҳумот туйғу,
Қайдадир чақирар кимдир «Ҳайё-ҳу»...
Қуриб қолди дарё... ғойиб бўлди Руҳ...

ҚАЙГА ҒОЙИБ БҮЛДИ ҲАЙҚИРГАН ДАРЁ

Қаро қисмат ётар қирғоқ тобутда,
Оятлар сасланар сим-сим сукутда,
Сув йўқ. Қумлар, тошлар ёнади ўтда...
– Қайга ғойиб бўлди ҳайқирган дарё?!

Тўлқинлар ўдилар жонсиз руҳ қолди,
Қушлар учиб кетди оташ оҳ қолди,
Икки қирғоқ аро дўзах-чоҳ қолди...
– Қайга ғойиб бўлди ҳайқирган дарё?!

Ким дарёга ўлим заҳарин сўнди?!
Тилло балиқларим юлдуздай сўнди,
Куйган қобирғамдан янтоқлар унди...
– Қайга ғойиб бўлди ҳайқирган дарё?!

Суви йўқ дарёга чўкиб кетмишам,
Мен ҳам шул дарёдай қуриб битмишам,
Сув деб, кўзимдаги ёшни ютмишам...
– Қайга ғойиб бўлди ҳайқирган дарё?!

Осмон жим... замон жим... бир аза каби,
Кечмиш бу муаллақ бир қазо каби,
Арвоҳлар чирқиллар норизо каби...
– Қайга ғойиб бўлди ҳайқирган дарё?!

ДАРАХТ ШОВУЛЛАЙДИ...

Дарахт шовуллайди урён, бетоқат,
Кўчдилар, бориви обкетишдилар.
Дарахтни қолдириб кетдилар фақат,
Гўёки Дарахтни унутишдилар.

Харобада қолди бир ҳовуч ҳаёт,
Дунё ўртасида турар сувга зор.
«Қачон қайтиб келар экан одамзод?»
Дарахт йўлга қарар мунгли, интизор.

Дарахт шовуллайди урён, бетоқат...

КУЗ

Япроқлар сарғайган... боғда кезар куз,
Қайдадир олисда йиғлайди баҳор.
Севгининг кўзлари жовдирар бесўз...
Хазонрез шитирлар... нимадир бедор.

Аралашиб ётар тўртмас, минг фасл,
Қайтган турналарга соламан разм.
Учиб борар эди йиллар... энди зил,
Ҳатто тонг туманли... Қуёш ҳам ҳазин...

Япроқлар сарғайган... боғда кезар куз...

ТҮРТ ФАСЛНИ КЕЧДИМ

Тўрт фаслни кечдим... нима топдим мен,
Япроқлар, титроқлар... хазонлар – сўроқ.
О, Менгнор, ҳар ёна ҳайрон чопдим мен,
Билмайман, кўнглимга нима яқинроқ.

Қалбимда келади ҳамон яширин,
Қовжираб... олисда қолиб кетган гул.
Ойлар тўлиб ботди.. изғир изғирин,
Дарахт шохларини синдираб довул.

Камалак – майтшган етти қобирга,
Етти рангда ёндим... яна йўқолдим.
Ҳаётим айланди мавҳумот – сирга...
Мен сўнгсиз ва оғир хаёлга толдим.

Тўрт фаслни кечдим... нима топдим мен?!

ҚУШГИНАМ

Дарё сувин ичиб қўйди шом-маккор,
Балиқлар ҳавода ўлдилар бир-бир.
Оққушим, қайгурма, йиғлама бекор,
Осмон тополмайсан энди барибир...

Мендай, сендай жонни дунё кўп кўрди,
Барини ямламай ютди-ку Қайгу.
Тоғ минг йил қайнади, минг йил югурди,
Келган жойи шу ер: қотмишдир мангу.

Нелар обод бўлди ва нелар нобут:
Ҳаёт ўша-ўша аввалу охир.
Ўзингни озод қил, ўзингни унут,
Қушгинам, кўнглимиз куз каби оғир.

Сеҳрлаган сирли аллақандай куй...
Дилим атиргулдай, юрагим Тошдай.
Юзимизда аза, кўзимизда тўй,
Умримиз ўтадир алаҳсирашдай.

АЙ, ДАРЁ

Ай, дарё, қошингга бош эгиб келдим,
Қани, болалигим, шаффоф жаҳоним?!
Тош эдим... кўзимга ёш олиб келдим,
Топиб бергил, ўшал шўх-шўх шоҳ оним.

Дарё маъюс оқар... бир сўз айтмайди,
Қушнинг парларидай тўзғийди хаёл.
Дарё ҳам дунё ҳам ортга қайтмайди,
Ҳаётдай елади мангу безавол.

Ай, дарё, шароби нўшингга келдим,
Дунё савдоларин ортимга ташлаб.
Ай, дарё, тиз чукиб қошингга келдим,
Олиб бор, ўн саккиз ёшимга бошлаб.

Оққушлар учади ҳавода зорли,
Эриб... сув буб борар умид илинжим.
Соҳиллар сўлимдир... соҳиллар сирли...
Дарё оқиб ётар абадий ва жим.

Ў, СЎНГСИЗ СИРЛАР

**Ёмғирлар шитирлар, қушлар вижирлар...
Айлайсиз асирлар, ў, сўнгсиз Сирлар!**

**Шўх қиздай қиқирлар, гулқиздай қирлар...
Айлайсиз асирлар, ў, сўнгсиз Сирлар!**

**Саратон часирлар, чилла чисирлар,
Айлайсиз асирлар, ў, сўнгсиз Сирлар!**

**Сунбула жимиллар, мезон жимирлар...
Айлайсиз асирлар, ў, сўнгсиз Сирлар!**

**Сийнадай оқ қорлар, сийланар нурлар...
Айлайсиз асирлар, ў, сўнгсиз Сирлар!**

**Бўрону қасирға... осмон қасирлар...
Айлайсиз асирлар, ў, сўнгсиз Сирлар!**

**Фойиблик шивиллар, фано шивирлар...
Айлайсиз асирлар, ў, сўнгсиз Сирлар!**

МУНДАРИЖА

САМОЛАРДА ЕЛАР ҚУШЛАР ОВОЗИ

Баҳорим	3
Баҳорнинг илк куни	4
Тонг	4
О, нафас оппоқ тонг... ..	5
Оқ қайин	5
Келади Наврӯз... ..	6
Камалак	6
О, жонон ҳаёт	7
Болалик	7
Баҳор боғи боқий... ..	8
Тонгларнинг юзида шабнамлар йиғлар	9
Сўйла, маъсум баҳор	10
Кўнгил	10
Ел бўлиб излайман... ..	11
Суюниб, сумалак сузинг, моможон	12
Наврӯзжон ёки Чори Холматовнинг юрагидаги қўшиқ	13
Наврӯз навосида бўйланар баҳор	14
Оҳ, атиргулим-а... ..	15
Қайлардасан, атиргул	16
Бойчечак	17
Баҳор-баҳор бўл кез, қайдасан, гул қиз	18
Қайгули ул ғунча... Энди гулсанам... ..	19
Гул узатар бойчечак ҳайрон	20
Атиргул... Кўнглимда гуллайверасан	21
Баҳор қани... Шарор қани	22
Ҳумой келинчак	23
Сен қайдасан, қизғалдоқдай қиз	24
Дунёнинг дийдору айроларида... ..	25
Қалдироқ гумбуллар... ..	26
Ўткинчи суюнч	27
Руҳимдадир куз... ..	28
Абадият	29
Ай, ўн икки ой... ..	30
Атиргул, жилмайгил... ..	31

Бойчечак излайман	32
Баҳор сим-сим ёғар... ..	33
Кўкда ой айланар... ..	34
Умид	35
Қуёш гуллади	36
Ёшлигим қолган жойлар... ..	37
Кўнглимнинг гуллари музлаб тўкилар... ..	38

БИР КЕЛСАЛАР МОҲИМ, НЕТГАЙДИР

Сирли жодумисан, сўйла, муҳаббат	39
Дилим бир най... ..	40
Санго Зухро... ..	41
Ўпгил дилимдан	42
Термуламиз	43
Айролиғ	44
Тоҳирнинг фарёди	44
... Ва лекин	45
Муҳаббат... ..	45
Кўзларим айланиб қолдилар найга... ..	46
Келур	47
Кетаман-келаман... ..	48
Ай, ишқ	49
Тўртлик	49
Ой осмонни кезиб борар	50
Найли наволарда... ..	51
Ай, дил	52
Ой ғойиб... ..	53
Сен ҳам жим... Мен ҳам жим... ..	54
Ишқнинг оташида... ..	54
Соғинч	55
Осмонда мезондай... ..	55
Сен энди узоқда... ..	56
Узукнинг кўзи	57
Тўртлик	57
Кўз ёшим сизилди жимгина... ..	58
Девонаман... ..	59
Оҳу кетди ойланиб... ..	60
Фаҳат муҳаббат бор... ..	61

Мени сендан айирдилар	62
Найлайн, кўнглимда очилмади гул	63
Йиғлайсан...	64
Қайларда вола териб...	65
Йиғлагил, жоним йиғла	66
Ҳамон сен ой каби тўлин ва йироқ...	67
Ишқ тўла қадаҳинг қайда, ё оллоҳ	68
Ҳамон йўлларимда...	69
Кўлимда бир пар...	69
«Севгига айланиб, ишққа айланиб...»	70
Қайгуларнинг шомиди жоним	71
Не ғийбат – кинларга қолдик биз	72
Ҳоли на бўлғай	73
Кўзларингдадур	74
Гулқайғу...	75
Ул ойни кўрмадингми, айт	76
Юрагим атиргул...	77
Сен асло қайғурма...	78
Ишқ гули	79
Оташин ошиғман...	80
Сўйла най, мен найлай...	81
Гул-оловнинг кўйида куйдим	82
Тонг эди... Шом эди...	82
Нелар кечаётир...	83
Фақат сен йўқ...	83
Асрорбоғ	84
Сўнгсиз олис кетдим...	85
Нега севиб қолдим қайғу-аламни	86
Кўнглим, қошингга келдим	87
Оҳларим моҳима етмагай, найлай	88
Адашган оташдай учрашдик жоним	89
Видо	90
Сойда ой ўйнайди...	91
Мен қолдим чўнг тоғнинг муз томонида	92
Тўлин ойдай гулламадинг сен	93
Ул ой йироқлаб кетди...	94
Ҳайрон сайрамадим...	95
“Юр, Зуҳражон, боғ сайлина кетайлик”	96
Мен куйган кўнглимнинг кўйида гадо	97

Тунлар маҳзун-маҳзун.....	98
Ишқ.....	99
Ўн етти ёшимга қайтиб келдим мен.....	100
Оққайин, оққайин... Айт, мен, найлайн.....	101
Қандай гул у, ифори йўқ.....	102
Кўнглим не кўйга солдинг.....	103
Хазон ишқ.....	103
Севгимиз сарафроз саболардадур.....	104
...Боғда сен йўқсан.....	105
Айро-айролиғда.....	106
Сен каби гўзал қиз.....	107
На сен келолгайсан... на мен боролгайман.....	108
Гуллар гуллайверар... учрашмагаймиз.....	109
Фалакка етганда маҳобатимиз.....	110
Боғлар маҳзун.....	111
О, гулим, жимгина гуллайверасан.....	112
З...га.....	113
Гулу гулзорингга зору зордирман.....	114
Ишқ қуши.....	115
Тўртлик.....	115
Ай, гул.....	116
Ёрдан нишон йўқ.....	116
Илтижо.....	117
Энди мен сўнгсиз ғам.....	118
Муҳаббат.....	119
Мени кечир, жоним.....	120
Ғойиб бўлмоқликка.....	121
У қиз ёлғончидур.....	122
Қушнинг тумшугида кетган атиргул.....	123
Мен сени тополмасман.....	124
Сен ҳайрону.....	125
Абадий ўй сураар ошиқ мажнунтол.....	126
Сенга гул келтирдим.....	127

БУ НЕ ИБТИДОДИР, БУ НЕ ОХИРАТ

Юлдузлар тўкилар хоклара.....	128
Сарин самоларга обкет мени, руҳ.....	129
Саргардон борасан бир мавҳум тунда.....	130

У йўқ...	130
Гулингда бир қатра кўз ёшдай шабнам...	131
Тўртлик	131
Алдов кўйида	132
Ёлгон дарахтлари	132
Умид	133
Умр бир уйдир	134
Қоронғу ўрмонда	134
Фарзанд ато қил	135
Ич-ичингдан йиғла, кўнглингдан йиғла	138
Рухимни қақшатар қопқир қора ит...	139
»Ҳамон тонг отмоқда... ботмоқда ҳамон...«	139
Ай, девона	140
Нечун жонинг абгор...	141
Қачон кетасан, кўрқув	142
Тунги кўрқув	143
Англаб етолмайман ўзимни нечун	144
Мен ўзи қайдаман	144
Тўртликлар	145
Бир қўлда қаҳҳор тун...	146
»Умринг елдек ўтаро...«	146
Ё, Хизр бобожон...	147
Ай, девона...	148
Марҳум дўстим Норбойга...	149
Умидим	149
Қоронғу ўрмонда ҳеч не кўринмас...	150
Лой танзим хазону... Ой кўнглим осмон...	151
Қуюнда атиргул учар мисли хас...	152
Қайгули кун	152
Олма ва... Оҳу	153
Тўртликлар	153
Ҳимматинг қайдадир, ҳикматли ҳаёт	154
Қуёш ботди йиғлаб...	155
Тошда энди гулдай очиламан мен...	156
Тойир полвон қани, Боботоғ	157
Сўнгсиз ўй кўйида ранг-рўйим сомон...	158
Найлай	158
Ялдо туни	159
Ўйлайман узоқ	159

Бозингар очун	160
Ёллоҳ, кўнглимнинг кўзини очгил	161
Дунё мендан ўтгай, инон	162
Қадимий кўшиқ	163
Тўртликлар	163
Соғинар онам	164
Рухимнинг чўғини ғажир қора тун... ..	165
Мен сим-сим сасдирман... ..	166
Ҳаётдир – бу... ..	167
Бўрон ўкиради... ..	167
Дўст кетиб борар... ..	168
Тўртлик	168
Сир	169
Афсус	169
Бу нечук осмондур... ..	170
Ҳаёт ва ўлим	170
Шаҳри ҳазонмисан... ..	171
Қайдасан, кўнглим	171
Дўст	172
Умидимнинг жим кўнглида сим-сим гул	172
Саргардонлик	173
Гоҳида... ..	174
Қайтиш	175
Қора кун... ..	175
О, сиз шифо хайли... ..	176
Парирўй ёлғон	177
Тўртликлар	178
Фонийлик	179
Кузгунлар изғийди	180
«Ерилтош...»	181
Гул айтар: Йиғламагил	182
Осмон тўла оқдуш эди	183
Бир сирли сас келар... ..	184
Жимжит кўнглим мени... ..	185
Қоядаги руҳ	186
Фалакда юракдай... ..	187
Истиқдол	188
Олам айланур... ..	189
Чархпалак чархида чўгман бир ҳовуч	190

Армон	191
Қуюн ичра хасман.....	192
Озод тулпор	193
Узилган гунча	194
Тўртлик	194
Қорларга қорилдик, бодомжон	195
Руҳимдир мажнунтол	196
«Оппоқзорда бир одам...»	197
Кетгил девона	198
Қайғу	199
Ва мен ожиз	200
Хаёл	201
Чақмоқлар чақнади...	202
Ҳаёт.....	202
Мен ғойиб бўламан.....	203
Ичиб май... Май.....	204
Бу йўл.....	205
Бу надир.....	206
Илтижо	207
Дўстсиз	208
Дунё	209
Не учун кўксингда ғам тўла саноч	210
Бахтсизлик	211
Жоду	212
Тўрт фасл баҳслашур.....	213
Олов ўйнар.....	214
Афсунгар қайғу	215
Бунда ўлим бордир.....	216
Қайғу	217
Хиёнат	217
Дарахтларим	218
Осмонда шум қузғун.....	219
Кўзгуга тош тегди.....	220
Жавҳари шарор	221
»Тун аччиқ тутундай буралаётир...»	222
Руҳ 1	223
Руҳ 2	224
Бир хато.....	225
Оҳу	226

Эригин кўнглим-а...	226
Далли жондай...	227
Бодомнинг гулиман...	228
Қошимда дунёси вайрона аёл	229

БОБОТОҒ ҲЕЧ КИМГА ОЧМАЙДИ КЎНГИЛ

Табиат	230
Қайғуриш	231
Дарёи дунё	232
У жўшқин дарё йўқ	233
Ўлди ҳайқирган арслон	234
Аччиқ ғичирлайди	234
Оппоқ туман	235
Орол – қулаётган осмоним менинг	236
Қуриб қолди дарё	237
Қайга ғойиб бўлди ҳайқирган дарё	238
Дарахт шовуллайди	239
Куз	239
Тўрт фаслни кечдим	240
Қушгинам	241
Ай, дарё	242
Ў, сўнгсиз сирлар	243

Адабий-бадиий нашр

МЕНГНОР ОЛЛОМУРОД

ИШҚ ҚАЙҒУСИ

Шеърлар

Муҳаррир Гавҳар МИРЗАЕВА
Бадиий муҳаррир Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир Елена ДЕМЧЕНКО
Мусахҳиҳ Наргиза МИНАҲМЕДОВА
Компьютерда саҳифаловчи Феруза БОТИРОВА

ИБ № 4119

Босишга 13.12.2005 й да ружжат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 7,875. Шартли босма тобоғи 13.23.

Адади 800 нусха. Буюртма № 247.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонаор-8, Қатортол кўчаси, 60.